

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

5 СОН, 4 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 5, ВЫПУСК 4

## LAWYER HERALD

VOLUME 5, ISSUE 4



TOSHKENT-2024

## ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

№4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4>

**Бош муҳаррир:**

**Каньязов Есемурат Султамуратович**

Ўзбекистон Республикаси Адлия  
вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакаси ошириш маркази  
директори, юридик фанлари номзоди

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Отажонов Абдоржон Анварович**

Адлия вазирлиги қошидаги  
Юристлар малакасини ошириш маркази  
профессори, юридик фанлари доктори,  
профессор

## ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

**Окюлов Омонбой**

*Юристлар малакасини ошириш маркази  
профессори, юридик фанлари доктори,  
профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган юрист*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Юридик фанлари доктори, профессор*

**Тошев Бобоқул Норқобилевич**

*Юридик фанлари доктори, профессор*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович**

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза  
қилиш академияси бошлигининг ўринбосари,  
юридик фанлари доктори, профессор*

**Ташкулов Джурабай**

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
Давлат ва ҳуқуқ институти тарихий-назарий,  
давлат-ҳуқуқий ва конституциявий ҳуқуқий  
фанлар бўлими бошлиғи, юридик фанлар  
доктори, профессор*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий  
кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби  
профессори, юридик фанлари доктори,*

**Баймолдина Зауреш Ҳамитовна**

*Қозғистон Республикаси Олий Суди  
Академияси ректори, юридик фанлари номзоди*

**Здрок Оксана Николаевна**

*Белорус давлат университети судьялар, ҳамда  
суд, прокуратура ва адлия муассасалари  
ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларни  
малакасини ошириш институти директори*

**Масъул котиб:**

**Раҳманов Шухрат Наимович**

*Юристлар малакасини ошириш маркази  
доценти, юридик фанлари номзоди*

**Саҳифаловчи:** Халиков Миртоҳир Мирзакирович

**Контакт редакцији журнали:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

Общественно-правовой и научно-практический журнал  
ВЕСТНИК ЮРИСТА

№4 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-4>

**Главный редактор:**  
**Каньязов Есемурат Султамуратович**

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан, кандидат юридических наук

**Заместитель главного редактора:**  
**Отажонов Аброржон Анварович**

Профессор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:**

Общественно-правовой и научно-практический журнал  
ВЕСТНИК ЮРИСТА

**Окюлов Омонбой**

*Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан*

**Саидова Лола Абдувахидовна**

*Доктор юридических наук, профессор*

**Тошев Бобокул Норкобилович**

*Доктор юридических наук, профессор*

**Мамасиддиқов Музаффаржон Мусајонович**

*Заместитель начальника Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор*

**Ташкулов Джурабай**

*Заведующий отдела историко-теоретических, государственно-правовых и конституционно-правовых наук Института государства и права Академии Наук Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор*

**Отахонов Фозилжон Хайдарович**

*профессор Высшей школы судей при Высшем судейском совете Республики Узбекистан, доктор юридических наук*

**Баймолдина Зауреш Хамитовна**

*Ректор Академии правосудия при Верховном Суде Республики Казахстан, кандидат юридических наук*

**Здрок Оксана Николаевна**

*Директор Института переподготовки и повышения квалификации судей, работников прокуратуры, судов и учреждений юстиции Белорусского государственного университета*

**Масъул котиб:**

**Рахманов Шухрат Наимович**

*Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук*

**Верстка:** Халиков Миртохир Мирзакирович

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

Public, legal and scientific-practical journal of  
**LAWYER HERALD**

№3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-3>

**Chief Editor:**  
**KANYAZOV Yesemurat**

Director of the Lawyers' Training Center under  
the Ministry of Justice of the Republic of  
Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Law (PhD)

**Deputy Chief Editor:**  
**Otajonov Abrorjon**

Professor at the Lawyers' Training Center,  
Doctor of Law Sciences, Professor

**EDITORIAL BOARD**

Public, legal and scientific-practical journal of  
**LAWYER HERALD**

**Oqyulov Omonboy**

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor  
of Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of  
the Republic of Uzbekistan*

**Saidova Lola**

*Doctor of Law Sciences, Professor*

**Toshev Bobokul**

*Doctor of Law Sciences, Professor*

**Mamasiddikov Muzaffarjon**

*Deputy Head of the Law Enforcement Academy  
of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law  
Sciences, Professor*

**TashkulovDjurabay**

*Head of the department of Historical-Theoretical,  
State-Legal and Constitutional-Legal Sciences of  
the Institute of State and Law of the Academy of  
Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of  
Law, Professor*

**Otaxonov Foziljon**

*Professor of the Higher School of Judges at the  
Supreme Judicial Council Republic of Uzbekistan,  
Doctor of Law*

**Baymoldina Zauresh**

*Rector of the Academy of Justice at the Supreme  
Court of the Republic of Kazakhstan, Candidate of  
Legal Sciences*

**Zdrok Oksana**

*Director of the Institute for Retraining and  
Qualification Upgrading of Judges, Prosecutors  
and Legal professionals at the Belarusian State  
University*

**Executive Editor:**  
**Rakhmanov Shukhrat**

*Acting professor of the Lawyers' Training Center,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law*

**Pagemaker:** Khalikov Mirtokhir

**Контакт редакции журнала:**

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Телефон: (+99871) 2345345

**Contact Editorial Staff**

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan  
WEB: [yuristjournal.uz](http://yuristjournal.uz)  
E-mail: [info@yuristjournal.uz](mailto:info@yuristjournal.uz)  
[yuristjournal@gmail.com](mailto:yuristjournal@gmail.com)  
Telephone: (+99871) 2345345

## Мундарижа

### ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

<b>1. МАҲМУДХОДЖАЕВА Умида Муминовна</b> ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	8
---	---

### МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

<b>2. ХАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович</b> ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ .....	17
<b>3. ИСМОИЛОВА Азиза Алишер қизи</b> МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ГЕНДЕР АУДИТИНИНГ РОЛИ .....	25
<b>4. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна</b> ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАР АСОСИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....	32

### СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҲАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

<b>5. ТАЖИБОЕВ Маъруфжон Маматожиевич</b> СУДЬЯНИНГ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ МУСТАҚИЛЛИГИ: ЮТУҚЛАР ВА ТАКЛИФЛАР .....	40
<b>6. ТОШТЕМИРОВ Баҳром Байитович</b> ЖИНОЯТГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ .....	46

### ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

<b>7. ХАЙДАРОВ Шухратжон Джумаевич</b> ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИ.....	52
<b>8. АБДУРАШИДОВ Абдурауф Абдурашидович</b> ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН “ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ” ЖИНОЯТЛАРИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ .....	60

### ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

<b>9. БОБОМУРОДОВ Фарход Боймуротович</b> ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	68
--	----

## ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

<b>10. ISMOILOV Samandar</b> IMPACT OF CLIMATE CHANGE ISSUES ON THE PROTECTION OF INTERNATIONAL HUMAN RIGHTS.....	75
<b>11. КАМИЛОВ Ойбек Хамиджонович</b> ИСТОРИКО-ПРАВОВЫЕ И ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ И СОТРУДНИЧЕСТВА В СФЕРЕ МИГРАЦИИ.....	83
<b>12. ОЧИЛОВ Шермат Рашидович</b> ЗАМОНАВИЙ ТЕРРОРИЗМ: КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ДАВЛАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ.....	92



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО  
ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**МАҲМУДХОДЖАЕВА Умида Муминовна**

Тошкент давлат юридик университети  
Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси доценти,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
E-mail: [musanifa-88@mail.ru](mailto:musanifa-88@mail.ru)

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** МАҲМУДХОДЖАЕВА У.М. Вояга етмаганларга етказилган зарар учун жавобгарликнинг фуқаролик ҳуқуқий масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) В. 8-16.

 5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-1>

### АННОТАЦИЯ

Фуқаролик ҳуқуқининг вояга етмаган субъектлари зарар етказиш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятларнинг иштирокчиси сифатида зарар етказувчи - ҳуқуққа хилоф ҳаракатнинг субъекти, шунингдек ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган жабрланувчи сифатида чиқишлари мумкин. Қандай бўлмасин, бундай иштирок этишнинг табиати вояга етмаганнинг муомала лаёқати даражаси билан белгиланади. Муомала лаёқати, шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар учун жавобгарлик лаёқатини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки, муомала лаёқатининг элементларидан бири деликт лаёқати - шартномадан ташқари зарар учун жавобгарлик лаёқатитидир. Мазкур мақолада вояга етмаган шахсларнинг соғлиғига етказилган зарар учун жавобгарликнинг фуқаролик ҳуқуқий жиҳатлари илмий назарий таҳлил этилди. Шунингдек қонунчиликда мавжуд бўлмаган зарар масаласига ҳам аниқлик киритилди. Таҳлиллар натижасида илмий миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва хулосалар берилди.

**Калит сўзлар:** вояга етмаган бола, деликт мажбурият, ғайриқонуний хатти-ҳаракат, сабайи боғланиш, зарар, зарар учун жавобгарлик.

**MAHMUDKHODJAEVA Umida**

Associate Professor at Tashkent State University of Law,  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: [musanifa-88@mail.ru](mailto:musanifa-88@mail.ru)



## CIVIL LEGAL ISSUES OF LIABILITY TO MINORS

### ANNOTATION

Underage subjects of civil law can appear as a participant in the obligations arising from damage, as a person who caused damage - a subject of an illegal act, as well as a victim whose life, health or property was damaged. In any case, the nature of such participation is determined by the minor's level of legal capacity. Legal capacity is important in determining a person's capacity to be held liable for damages caused by their actions. Because one of the elements of legal capacity is delict capacity - liability capacity for non-contractual damages. In this article, the civil legal aspects of liability for damage to the health of minors were scientifically and theoretically analyzed. The issue of damage that does not exist in the legislation has also been clarified. As a result of the analysis, proposals and conclusions were given regarding the improvement of scientific national legislation.

**Keywords:** minor child, delict obligation, illegal conduct, causality, harm, liability for harm.

**МАХМУДХОДЖАЕВА Умида**

Доцент кафедры "Гражданское право"

Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент

E-mail: musanifa-88@mail.ru

### ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ПЕРЕД НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ

#### АННОТАЦИЯ

Несовершеннолетние субъекты гражданского права могут выступать участником обязательств, возникающих из-за вреда, лицом, причинившим вред, - субъектом противоправного деяния, а также потерпевшим, жизни, здоровью или имуществу которого причинен вред. В любом случае характер такого участия определяется уровнем дееспособности несовершеннолетнего. Правоспособность имеет ГК важное значение для определения способности человека нести ответственность за ущерб, причиненный его действиями. Так как одним из элементов правоспособности является деликтная дееспособность - это ответственность за внедоговорный ущерб. В данной статье научно и теоретически проанализированы гражданско-правовые аспекты ответственности за вред здоровью несовершеннолетних. Также выяснен вопрос об ущербе, которого нет в законодательстве. В результате анализа были даны предложения и выводы по совершенствованию научного национального законодательства.

**Ключевые слова:** несовершеннолетний ребенок, деликтное обязательство, противоправное поведение, сабейская привязанность, вред, ответственность за причинение вреда.

Фуқаролик ҳуқуқининг вояга етмаган субъектлари зарар етказиш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятларнинг иштирокчиси сифатида зарар етказувчи - ҳуқуққа хилоф ҳаракатнинг субъекти, шунингдек ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилган жабрланувчи сифатида чиқишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (кейинги ўринларда ФК деб юритилади) нинг 1008-моддасида вояга етмаган шахснинг соғлиғига шикаст етказилганда зарарнинг ўрнини қоплаш масаласи белгилаб қўйилган.

Вояга етмаганларга етказилган зарар масаласини цивилист олимлар томонидан таҳлил этиш жараёнида эътиборли жиҳат кўзга ташланади. Жумладан, Н.С.Малеиннинг

фикрича, агар вояга етмаган шахсга тегишли назоратни амалга ошириши шарт бўлган шахслар томонидан тегишли назоратнинг амалга оширилмаганлиги вояга етмаганга зарар етказилишининг сабаби ёки сабабларидан бири (учинчи шахснинг қонунга хилоф ҳаракатлари билан бирга) бўлса, ушбу учинчи шахс (сабабчи) вояга етмаганга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан тўлиқ ёки қисман озод қилиниши керак [1;13-19-с].

М.М.Агарков эса зарар етказувчи ва вояга етмаган жабрланувчининг ота-онасининг биргаликдаги жавобгарлигини белгилашни таклиф қилди. Олимнинг сўзларига кўра, болаларга етказилган зарарни белгилашда зарар етказувчини тўлиқ жавобгарликка тортиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ, чунки зарар зарар етказувчининг айби ва ота-онанинг (уларни ўрнини босувчи шахслар) айби билан юзага келади [2; 79-84-с].

Г.М.Свердлов, М.М.Агарковнинг зарар етказувчи ва болани назорат қилишга мажбур бўлган шахснинг биргаликдаги жавобгарлиги ҳақидаги нуқтаи назарига қўшилади. Бироқ, у вояга етмаган боланинг ота-онасига биргаликдаги жавобгарлик қонунчилигини кенгайтирмайди. Унинг фикрича, ота-оналарнинг фарзандларини назорат қилиш мажбурияти ва уни бузганлик учун жавобгарлик фуқаролик қонунчилиги билан эмас, балки оила ҳуқуқи билан билан тартибга солинади. Фарзандлар ота-оналарнинг уларнинг тарбияси билан боғлиқ мажбуриятларини бажаришларига боғлиқ хатти-ҳаракатлари учун моддий жавобгар бўлмайдилар, худди ота-оналар ўз фарзандлари олдида ушбу мажбуриятларни тўғри бажармаганлиги учун моддий жавобгар бўлмагани каби [3; 122-126-б]. Муаллифнинг сўзларига кўра, назоратни амалга оширишга мажбур бўлган ва бир вақтнинг ўзида шикастланган боланинг ота-онаси зарар етказувчи билан биргаликда жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Н.С.Малеин таъкидлайди-ки, учинчи шахсларнинг болалар назоратсизлиги натижасида етказилган зарар учун чекланган жавобгарлиги айбдорлик учун жавобгарликнинг умумий принципига асосланади. Тўлиқ жавобгарликни ҳуқуқбузарларга юклаш аралаш жавобгарлик қонунчилигига зид бўлади. Бундай ҳолларда жавобгарлик айбга эмас, балки сабаб-оқибат тамойилига кўра юкланади. Олим бу ҳолат болаларни назорат қилишга мажбур бўлган шахсларнинг айбини ҳисобга олиш ва зарар етказувчининг жавобгарлигини камайтириш зарур деган хулосага келди. Н.С.Малеиннинг фикрича, бу ёндашув вояга етмаганларнинг манфаатларини бузмайди, чунки ёш бола ота-онасига қарам бўлиб, уни қўллаб-қувватлаши шарт. Вояга етмаган бола билан бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, моддий зарар даволаниш, болани парвариш қилиш, қўшимча озиқ-овқат ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар учун қўшимча маблағлар билан ифодаланади. Бу харажатлар, табиийки, болага эмас, балки бутунлай ота-онага тушади. Шундай қилиб, вояга етмаган боланинг соғлиғига зарар етказиш натижасида келиб чиқадиган мулкӣ зарар унинг ота-онаси томонида бўлади. Н.С.Малеин маълум бир давргача фуқаролик-ҳуқуқӣ маъносида жабрланганлар бола эмас, балки унинг ота-онаси бўлади, деган хулосага келди.

Жумладан, А.Е.Тарасова таҳлилига кўра ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчи шахсларнинг ота-оналик мажбуриятини суистеъмол қилиш натижасида боланинг соғлиғи ёки ҳаётига зарар етишига сабаб фуқаролик қонунчилигида махсус норма мавжуд эмаслигини айтиб ўтади. Унинг фикрича ФКда ота-оналарнинг ва уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ўз қарамоғидагиларга етказилган зарар учун жавобгарлиги тўғрисидаги махсус қоидалар мавжуд эмас [4; 1-241-с]. М.Г.Свердлов бу фикрга ўз эътирозини қуйидагича изоҳлайди: ота-оналарнинг болалар олдидаги мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгарлиги фуқаролик қонунчилиги билан эмас, балки оила қонунчилиги билан тартибга солинади. Фуқаролик жавобгарликни белгилаш ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиладиган асосни бузади [3; 122-126-б]. Муаллифнинг фикрига қарши позицияни А.Е.Тарасова қуйидагилар билан тасдиқлайди: ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва болалар ўртасидаги оилавий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларига қарамай, ота-онанинг ўз фарзандини калтаклаган қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари зарар етказувчи хатти-ҳаракатлар сифатида таснифланиши мумкин, бу эса ФКнинг

нормаларида белгиланган тартибда қопланиши мумкин [4; 1-241-с]. Муаллифнинг қайд этишича вояга етмаган шахснинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар учун ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васий ёки ҳомийларнинг ҳуқуқбузарлик жавобгарлигини инкор этиш, унинг фикрича, қонунга зиддир ва амалда болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига эътибор бермасликка хизмат қилади [4; 1-241-с].

Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болага зарар етказадиган ноқонуний ҳаракатлар содир этилганда бола етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шунингдек, Ота-оналар ёки алимент мажбуриятлари бўйича вояга етмаган жабрланувчига алоқадор бошқа шахслар алимент тўлаш билан бирга етказилган зарарни қоплашлари шарт. Бу ота-она ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки вояга етмаган болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши жиноятлар тўғрисидаги жиноий ишларни кўриб чиқишда судлар томонидан ҳисобга олиниши керак [5; 167-с]. Муаллифнинг фикрига кўшилган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда оилавий муносабатлар доирасида болаларга нисбатан ота-оналар томонидан турли шакллардаги зўравонлик ҳолатлари ошиб бормоқда. Масалан, 2023 жорий йилнинг 12 август куни Сурхондарё вилояти Шеробод туманида уч ёшли ўғлини ўлдириб, жасадини ташландиқ ариққа ташлаб кетган отага Жиноят кодексининг 97-моддаси (қасддан одам ўлдириш) 2-қисми «в» банди билан 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Мазкур ҳолатнинг келиш чиқиши оилавий келишмовчилик сабаб 2022 йилнинг февраль ойида аёл ўғли билан отасининг уйига кетиб қолган. Орадан 8 ой ўтиб аёл фарзанди учун алимент талаб қилган. Алимент тўлашдан талвасага тушган эркак фарзанди ўзиники эканлигидан гумон қила бошлаган. Шундан сўнг спиртли ичимлик таъсирида қайнотасининг уйига борган. Унинг йўқлигидан фойдаланиб, аёли ва ўғлини ўз уйига олиб келган. Уч ёшли ўғлини қасддан ўлдириб, жасадини ташландиқ ариққа ташлаб кетган [6].

Ушбу мисолда вояга етмаган боланинг отасининг алимент мажбуриятлари болага руҳий ва жисмоний азоб бериш ва соғлиғига зарар етказиш натижасида юзага келадиган мажбуриятлардан ажратилган. Агар қонуний вакил болага тан жароҳати етказса, унга нисбатан зўравонлик қилса ёки уни ўлдирса, бу нафақат ота-она (унинг ўрнини босувчи шахс) томонидан оила ҳуқуқи нормаларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бузилиши, балки ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш туфайли мажбуриятни келтириб чиқарадиган ҳуқуққа зид ҳаракатлардир. Вояга етмаган боланинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар учун ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийларнинг жавобгарлигини истисно қилиш барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги борасидаги конституциявий тамойилини бузади. ФКнинг 975-моддасида назарда тутилган фуқаронинг шахсига ва мол-мулкига етказилган зарар қопланиши керак. Агар боланинг соғлиғи ёки мол-мулкига ота-онасининг хатти-ҳаракатлари туфайли зарар етказилган бўлса, бола бунга чидаши керак, деган фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки ота-онани моддий фуқаролик жавобгарликка тортиш оила қонунчилиги тамойилларига зид келади. Шу билан бирга, агар бундай зарар ота-онанинг ҳаракатлари билан эмас, балки бошқа вояга етмаган шахс томонидан етказилган бўлса, бундай зарар ФКнинг 57-боби қоидаларига мувофиқ қопланиши керак.

Н.С.Малеин етказилган зарар учун ота-онанинг жавобгарлигининг истисно хусусиятини таъкидлади. Болаларга етказилган зарар учун жавобгарлик, унинг фикрича, фуқаролик кодексининг моддаларида боланинг соғлиғига зарар етказган ота-оналарнинг ҳаракатлари жиноий жавобгарликка ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишга сабаб бўлган ҳолларда юзага келиши мумкин. Бундай истисно ҳолларда ота-оналарнинг фарзандлари олдида фуқаролик жавобгарлигини юклаш оилавий муносабатларнинг умумий тамойилларига путур етказмайди [1; 164-170-с].

Ю. Беспалов эса ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъво қаноатлантирилганда, шу жумладан ота-оналар ва фарзандликка олувчиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли (ота-оналар болаларга шафқатсиз муносабатда бўлиш, ота-она ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш, ота-

оналик мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаш, болаларнинг ҳаёти ва соғлиғига қаршижиноят содирэтиш) ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар томонидан боланинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашни назарда тутувчи нормани оила қонунчилигига киритишни таклиф қилади [7]. Шу билан бирга, Ю.Беспалов суд амалиётига мурожаат қилиб, ҳозирги вақтда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш ҳолатларида етказилган зарарни қоплаш масаласи муҳокама қилмайди. Агар даъво қаноатлантирилса, суд фақат алимент ундириш ҳуқуқига эга. Бу ҳолат, муаллифнинг сўзларига кўра, адолатсиздир, чунки боланинг бузилган ҳуқуқлари тўлиқ тикланмаган [7].

О.А. Сычева ҳам бу борада қуйидаги ўринли хулосага келади: «Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босадиган шахслар томонидан ҳар қандай зўравонликдан жабрланган вояга етмаганларни ҳимоя қилиш учун маънавий зарар жуда муҳим саналади. Жумладан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш, фарзандликка олишни бекор қилиш (фарзандликка олувчининг айби билан), васий ёки ҳомийнинг виждонсизлиги сабабли ўз вазифаларини бажаришдан четлаштириш, болани оила тарбияга олишни бекор қилиш каби оилавий ҳуқуқбузарликдан мустақил деликт мажбурияти вужудга келиши мумкин. Шу сабабли мазкур вазиятларда жавобгар бўлган шахслар вояга етмаган жабрланувчига бошқа ҳар қандай зарар етказилишидан қатъи назар, маънавий зарарни қоплашлари шарт» [5; 184-с]. Муаллифнинг фикрича бу қоида ФКнинг маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги ёки ОКнинг ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш оқибатлари, фарзандликка олишнинг бекор бўлиш оқибатлари билан боғлиқ нормаларда ўз ифодасини топиши лозим. Умуман олганда, қонун болаларни катталар каби бир хил ҳимоя қилади. Зарар етиши натижасида жабрланган болалар, уларга нисбатан оқилона ғамхўрлик қилиш мажбурияти остидаги шахс бунга қилмаганлиги сабабли, улар томонидан зарар етказилган бўлса, даъво қилиш ҳуқуқига эга [8; 643-с].

Бундай даъвога йўл қўйилиши учун жавобгарнинг даъвогарга нисбатан ғамхўрлик қилиш мажбурияти, бу мажбуриятнинг бузилиши ва даъвогарга зарар етказилиши керак [8; 645-с].

Юқорида билдирилган илмий хулоса ва таклифлардан келиб чиқиб айтиш мумкин-ки, фикримизча, ота-оналарни (уларни ўрнини босувчи шахсларни) вояга етмаганга етказилган зарар учун жавобгарлик белгилаш ФКда нафақат ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлган ота-оналарга нисбатан, балки бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилган қоидаларга амал қилиши керак. Масалан, агар бола ота-онасининг ҳаракатлари натижасида меҳнат қобилятини (қисман ёки тўлиқ) йўқотса. Чунки, ФКнинг қоидаларига кўра зарар етказувчининг жавобгарлиги, биринчидан, бола ўн саккиз ёшга тўлганда тўхтамайди, иккинчидан, жабрланувчи меҳнат қобилятини йўқотган тақдирда зарарни қоплаш бола учун ягона даромад манбаидир. Шу сабабли, ота-оналар ва фарзандликка олувчиларнинг жавобгарлигини фақат алимент мажбуриятлари билан чеклаш, вояга етмаганни даволаш ва парвариш қилиш харажатларини ўз зиммасига олиш барча ҳолларда вояга етмаганларнинг манфаатларига мос келмайди. Кўрсатилган муаммонинг ечимини аниқлаштириш ва қонуний вакилларнинг (ёрдамчи шахсларнинг) оилавий ва фуқаролик жавобгарлигини фарқлаш учун фуқаролик кодексида ушбу шахсларнинг деликт жавобгарлиги тўғрисидаги махсус қоидаларни киритиш керак. Бунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ва бошқа шахслар томонидан ноқонуний хуружлардан тенг равишда тўлиқ ҳимоя қилинади. Бундан ташқари, вояга етмаганнинг ота-онасининг (фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийларнинг) ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқи, ушбу шахсларнинг ОКда назарда тутилган мажбуриятларини бажаришидан қатъи назар, таъминланиши керак.

Хорижий давлатлар ҳуқуқий тажрибасида бундай норма борлигини ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, Франция Фуқаролик кодексининг 1384-моддаси 4-қисмига мувофиқ ота ва она «ота-оналик ваколатига»га эга бўлган тақдирда, улар билан бирга яшайдиган вояга етмаган болалари етказган зарар учун биргаликда жавобгар бўлсалар, ушбу



кодексининг 389-5-моддаси 4-қисмига кўра агар ота-онанинг қилмиши болага зарар етказса, ота-оналар биргаликда жавобгар бўлиши кўзда тутилган.

Вояга етмаганларга етказилган зарар борасида яна бир таҳлил этилиши лозим бўлган ҳолат шуки, туғилмаган болаларнинг ҳам соғлиғи, ҳаётига етказилган зарар учун жавобгарлик асослари амалиётда кўплаб учрамоқда. Бу борада хорижий давлатлар ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш ўринли бўлади. Чунки миллий қонунчилигимизда туғилмаган болага етказилган зарар учун жавобгарлик қоидалари мавжуд эмас.

Жумладан, Япония фуқаролик қонунчилигида туғилмаган болага етказилган зарар учун жавобгарлик кўрсатиб ўтилган. Фуқаролик кодексининг 721-моддасига мувофиқ зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига кўра, туғилмаган бола аллақачон туғилган деб ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш норма Канада фуқаролик қонунчилигида ҳам ўз ифодасини топган. Бундай ҳолат юзасидан суд амалиёти материалларида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. *Жумладан, Канаданинг Онтарио Олий судининг қарорида кузатиш мумкин. Ҳолат кетма-кет иккита автоҳалокат натижасида юзага келди. Газтан Дувал бошқарувидаги ва йўловчи сифатида Морис ва унинг рафиқаси Тереза 31 ҳафталик ҳомиладор бўлган автомобиль Сегуин бошқарувидаги автомобиль билан тўқнашиб кетди. Дастлабки тўқнашувдан сўнг, Тереза ҳали ҳам машинада бўлганида, Дувал машинаси иккинчи марта урилган. Уч ҳафта ўтгач, бола Энн Дувал 2 килограмм вазнда муддатидан олдин туғилди. Бола 19 ойлигида мутлоқ спастик эди; бу боланинг ғайритабиий юриши, мия нуқсонли ёки қобилиятсизлиги билан боғлиқ бўлиб, унинг гапиришидаги ривожланиши ҳам ғайритабиий даражада секин эди. Суд бола туғишдан олдинги жароҳати учун зарарни қоплаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилиб илгари тикланиш учун тўсиқ бўлиши мумкин бўлган бир қатор масалаларни ҳал қилди [9; 642-с].*

Голландия ҳуқуқий тизимида ҳам сўнги йилларда туғилмаган ва келажакдаги болани, масалан ирсий нуқсон ёки боланинг онаси ёки ота-онасининг зарарли ҳатти ҳаракатлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар [10; 1095-с] дан ҳимоя қилишга қаратилган янги ҳуқуқий чоралар пайдо бўлди. Шунингдек туғилмаган болага учинчи шахс томонидан етказилган зарар учун ҳам жавобгарлик билан биргаликда она томонидан етказилган зарар учун ҳам жавобгарлик фуқаролик қонунчилигида ўз ифодасини топган. Масалан, ҳомиладорлик даврида ҳаддан ташқари спиртли ичимликларни суистеъмол қилиш, чекиш ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш ёки туғуруқдан олдин парваришдан бош тортиш туғилмаган болага зарар етказиши мумкинлиги ҳақидаги фарз туғилмаган боланинг онаси томонидан етказилган пренатал зарар деб қаралади<sup>1</sup>.

Умуман олганда туғилмаган болага зарар етказилиши билан боғлиқ ҳолатлар кўплаб амалиётда учраб туради. Жумладан шифокор ҳомиланинг ногўғри даъволаши, шифокорлар томонидан туғилиш жараёнида ҳомилага зарар етказилиши, ҳомиладор аёлнинг сифатсиз махсулотларни истеъмол қилиши (ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда), ҳомиладор аёлга бошқа шахсларнинг қасд ёки эҳтиётсизлик натижасида қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир этиши, ҳомиладор аёл билан йўл ҳаракати ҳодисаларининг рўй бериши ва бошқалар. Фикримизча, бундай вазиятларда бола туғилганидан сўнг унинг соғлиғи билан боғлиқ зарар вужудга келса, боланинг туғилмасидан аввалги вужудга келган зарарга нисбатан даъво қилиш ҳуқуқи белгиланиши лозим.

<sup>1</sup> Several jurisdictions have addressed the question of whether alcohol or drug abuse during the pregnancy can be criminalized. For example, in the UK, a test case in which a girl suffering from damage caused by her mother's drinking during the pregnancy claimed that she was entitled to payments from the Criminal Injuries Compensation Authority. This case triggered the question of whether alcohol abuse during the pregnancy constitutes a criminal act. The claim, however, was rejected. See *CP (a Child) v. First-tier Tribunal (Criminal Injuries Compensation)* (2014) EWCA Civ 1554. In 2014, the US state of Tennessee enacted the Fetal Assault law, which permitted women to be prosecuted if they illegally used drugs while pregnant and their child was born addicted or harmed because of the drug abuse. Due to a sunset clause, the law remained in effect until July 2016.

Шу боисдан ФКга туғилмаган боланинг соғлиғига шикаст етказилганда зарарнинг ўрнини қоплаш деб номланган 1008<sup>1</sup>-моддасини қуйидаги мазмунда киритиш лозим бўлади: «Туғилмаган бола (ҳомила) зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига кўра, аллақачон туғилган деб ҳисобланади. Туғилмаган бола (ҳомила) даврида майиб бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган тақдирда зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт. Жавобгар шахс жабрланувчига соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатлардан ташқари, шунингдек туғилмаган боланинг меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонунчиликда белгиланган миқдоридан келиб чиқиб, қоплаши шарт.»

Таъкидлаш жоизки вояга етмаганларнинг соғлиғига етиши мумкин бўлган зарарларнинг қонунчиликда кўрсатилмаган турлари ҳам амалиётда вужудга келиб улгурган. Нафақат жамиятимизда балки дунё миқёсида ҳам ривожланиб бораётган соҳалардан бири бу спорт ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз ҳам жаҳон ареналарида етакчилик қилиб келмоқда. Шунингдек ёш ўсмирлар ўртасидаги миллий ва жаҳон олимпиадаларида ҳам вояга етмаганлар иштироки ортиб бормоқда. Гарчи спортчиларнинг катта майдонлардаги ҳаёжонли ғалабаларига, шон-шухратига гувоҳ бўлганимиз каби уларнинг айрим ўринларда ютуқлар билан биргаликда муқаррар жароҳатларига ҳам гувоҳ бўламиз.

Бу суяклар синиши, инсон таъна аъзолари тўқималарининг шикастланиши, тананинг кўп қисми фалаж бўлиб қолиши, ақлий фаолиятнинг издан чиқиши ва бошқа шикастланишлар хавфи рақобатбардош спорт турларининг бир қисмидир. Жароҳатлар кўп шаклларда ва турли шароитларда намоён бўлиши мумкин, улар жисмоний атроф-муҳит омилларидан тортиб, бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатларидан келиб чиқадиган омилларгача. Шунга қарамай, қачон жароҳат ўйиннинг бахтсиз оқибати бўлади ва қачон бу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка олиб келиши мумкин?

Жавоб «хавфни ўз зиммасига олиш» деб номланувчи мураккаб ҳуқуқий доктрина да ётади. Хавфни ўз зиммасига олиш спортга оид ҳалқаро ҳужжатларда, айниқса спорт ва бошқа юқори хавфли ўйин-кулги фаолияти контекстида асосий тушунчадир. Бу спорт иштирокчилари ушбу фаолият билан боғлиқ бўлган хавфларни тан олишлари ва қабул қилишларини тан оладиган ҳуқуқий принципдир. Бошқача қилиб айтганда, сиз спорт билан шуғулланишни танлаганингизда, у билан бирга келадиган хавфларни ҳам ўз зиммангизга олишни танлайсиз.

Бундай ҳолда, шахслар спорт фаолият билан боғлиқ муайян хавфларни ўз зиммаларига олишга аниқ ва ёзма розилик берадилар. У кўпинча воз кечиш, озод қилиш ёки шартнома орқали расмий келишувни ўз ичига олади, унда иштирокчи ўзи дуч келадиган хавфларни тан олади ва қабул қилади. Оддий ўйин давомида жароҳатлар содир бўлганда, хавфни қабул қилиш ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни чеклайди. Бузилишлар, синишлар ёки чайқалишлар каби умумий спорт жароҳатлари кўпинча ушбу таълимот остида ҳимояланади. Аммо ушбу ҳуқуқий тамойилнинг чегараларини кенгайтирадиган ҳолатлар ҳақида нима дейиш мумкин? Доктринанинг чегараларида қизиқарли ва мураккаб бўлган учта тоифа мавжуд:

- 1) кўпол бепарволик ёки эҳтиётсизлик;
- 2) меъёрдан ташқари хатти-ҳаракатлар;
- 3) нотўғри ҳимоя чоралари.

Биринчидан, кўпол бепарволик ёки эҳтиётсизлик билан боғлиқ ҳолларда, агар ўйинчининг ҳаракатлари қабул қилинган спорт маҳорати меъёрларидан ташқарига чиқса ва кўпол бепарволик ёки эҳтиётсизлик билан боғлиқ бўлса, хавфни ўз зиммасига олиш этарли даражада ҳимоя бўлмаслиги мумкин. Қасддан ва хавфли хатти-ҳаракат, масалан, сабабсиз ҳолатларда шафқатсиз ҳаракат ёки рақибга қасддан зарар етказишга уриниш ёхуд эҳтиётсизлик туфайли рақибни таъна аъзоларига жароҳат етказиш.

Иккинчидан, спортда жисмоний алоқа жароҳатларга олиб келиши мумкинлиги

ҳақида аниқ тушунча мавжуд бўлсада, бу ҳар қандай хатти-ҳаракатлар адолатли ўйин дегани эмас. Спортда белгиланган меъёрлардан четга чиқадиган ва шахсий чегараларни бузадиган хатти-ҳаракатлар хавфни ўз зиммасига олиши мумкин эмас. Бундай хатти-ҳаракатлар тажовуз, ҳужум ёки номақбул хатти-ҳаракатларнинг бошқа шакллари ўз ичига олиши мумкин. Масалан, 2017-2018 йилдаги Миллий хоккей лигасида бир ўйинчи рақибини юзидан номақбул тарзда ўпа бошлайди. Лига буни тўхтатишини айтсада бироқ ўйинчи буни давом эттиради. Гарчи ҳеч қандай айблов қўйилмаган бўлсада, бундай хатти-ҳаракат, албатта, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка олиб келиши мумкин.

Учинчидан, этарли даражада ҳимоя чоралари ёки хавфсизлик стандартлари мавжудлиги хавфни қабул қилиш самарадорлигини шубҳа остига қўйиши мумкин. Агар иштирокчиларни олдиндан айтиб бўладиган зарарлардан ҳимоя қилиш учун оқилона чоралар кўрилмаган бўлса, хавфсизликни таъминлаш учун масъул шахслар жавобгарликдан ҳимояланмаслиги лозим. Хавфсизлик чораларига бепарволик бу ҳолатларда ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин. Мисол учун, агар лига хавфсизлик талаблари ва қоидаларига эътибор бермаса, натижада жароҳатлар бўлса, хавфни қабул қилиш тўғри ҳисобланмайди. Собиқ ўйинчилар 2011 йилдан бери Миллий хоккей лигасига ўйинчиларни бош мия жароҳатлари натижасида юзага келадиган сурункали хавфлардан ҳимоя қилиш вазифалари юзасидан икки юздан ортиқ шикоят қилинган. Демак, ушбу таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда спорт соҳасида вояга етмаганларнинг соғлиғига, ҳаётига етказилган зарар учун жавобгарлик масаласини фуқаролик қонунчилигида белгилаш зарур ҳисобланади. Фикримизжа, жузъий ҳолатдан умумий ҳулоса чиқариш яна ҳам ўринли бўлади. Бошқача қилиб айтганда нафақат вояга етмаганлар балки ёши катта спортчиларнинг ҳам спорт ўйинларида соғлиққа, ҳаётга етказилган моддий ва маънавий зарар учун жавобгарлик масаласини фуқаролик қонунчилигига киритиш ўринли ҳисобланади. Чунки ҳар бир спорт соҳаси бу борадаа ўзининг ички низомларида турлича нормаларни белгилаб олган. Таклиф этилаётган норма эса барча спорт соҳалари учун умумий қоида сифатида белгиланади. Бу борада Хитой фуқаролик қонунчилигидан фойдаланиш асносида амалдаги ФКда спорт фаолияти орқали етказилган зарар учун жавобгарлик нормасини киритиш ўринли ҳисобланади. Шундай қилиб ФКга янги 9991-модда «Спорт фаолияти натижасида етказилган зарар учун жавобгарлик» деб номланган норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ саналади.

Хорижий давлатлар (Япония ва Канада) ҳуқуқий тажрибаси асносида, туғилмаган болага етказилган зарар учун жавобгарлик тушунчаси миллий қонунчиликка имплементация қилиниши лозим деган ҳулосага келинди. Амалиётда, шифокор ҳомиланинг нотўғри даъволаши, улар томонидан туғилиш жараёнида ҳомилага зарар етказилиши, ҳомиладор аёлнинг сифатсиз маҳсулотларни истеъмол қилиши (ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда), унга нисбатан бошқа шахсларнинг қасд ёки эҳтиётсизлик натижасида қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир этилиши, ҳомиладор аёл билан йўл ҳаракати ҳодисаларининг рўй бериши ва бошқа ҳолатларда ҳомилага зарар етиши ҳамда бола турли касалликлар билан туғилиши мумкин.

Амалга оширилган илмий-назарий таҳлиллар асосида вояга етмаганларнинг соғлиғига етиши мумкин бўлган зарарларнинг қонунчиликда кўрсатилмаган турлари аниқланди. Жумладан, спорт соҳасида вояга етмаганларнинг соғлиғига, ҳаётига етказилган зарар учун жавобгарлик масаласини фуқаролик қонунчилигида ўз ифодасини топмаган. Фикримизча, жузъий ҳолатдан умумий ҳулоса чиқариш яна ҳам ўринли бўлади. Бошқача қилиб айтганда, нафақат вояга етмаганлар балки ёши катта спортчиларнинг ҳам спорт ўйинларида соғлиққа, ҳаётга етказилган моддий ва маънавий зарар учун жавобгарлик масаласини фуқаролик қонунчилигига киритиш ўринли ҳисобланади. Чунки ҳар бир спорт соҳаси бу борада ўзининг ички низомларида турлича нормаларни белгилаб олган. Таклиф этилаётган норма эса барча спорт соҳалари учун умумий қоида сифатида белгиланади. Бу борада Хитой фуқаролик қонунчилигидан фойдаланиш асносида амалдаги ФКга «Спорт фаолияти орқали етказилган зарар учун жавобгарлик» деб номланган нормани киритиш ўринли ҳисобланади.



Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқи, ФКнинг 57-боби қуйидаги мазмундаги 999<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

«999<sup>1</sup>-модда. Спорт фаолияти натижасида етказилган зарар учун жабгарлик

Агар шахс ўз ихтиёри билан ўйин ёки спорт фаолиятида муайян хавф-хатар билан қатнашса ва шу билан бошқа иштирокчининг қилмиши туфайли зарар кўрган бўлса, у бошқа иштирокчидан, агар унинг қасддан қилмиши ёки қўпол эҳтиётсизлиги туфайли етказилган бўлмаса, бошқа иштирокчидан ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни талаб қила олмайди. Бундай фаолият ташкилотчисининг жавобгарлиги ушбу Кодекснинг 993, 994, 995, 1008-моддалари қоидалари билан тартибга солинади».

Шунингдек ФКнинг 57 боби қуйидаги мазмундаги 1008<sup>1</sup>-модда билан тўлдирилиши зарур ҳисобланади:

«1008<sup>1</sup>-модда. Туғилмаган боланинг соғлиғига шикаст етказилганда зарарнинг ўрнини қоплаш.

Туғилмаган бола (ҳомила) зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига кўра, аллақачон туғилган деб ҳисобланади. Туғилмаган бола (ҳомила) даврида майиб бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган тақдирда зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт. Жавобгар шахс жабрланувчига соғлиққа шикаст етказилиши туфайли қилинган харажатлардан ташқари, шунингдек туғилмаган боланинг меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонунчиликда белгиланган миқдоридан келиб чиқиб, қоплаши шарт»

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Малеин Н.С. Возмещение вреда при повреждении здоровья несовершеннолетних. Гос. Изд-во юр. лит. М.,1962. С.13.
2. Агарков М. М. Вина потерпевшего в обязательствах из причинения вреда // «Советское государство и право», 1940 г. № 3. С.79.
3. Свердлов Г. М. Охрана интересов детей в советском семейном и гражданском праве. М. 1955. С. 122-126.
4. Тарасова А.Е. Особенности участия несовершеннолетних в гражданских правоотношениях. Дисс... кан. юрид. наук. Ростов-на-Дону 2005 г.С.202
5. Сычева О.А. Регламентация и реализация гражданских и семейных имущественных прав несовершеннолетних в РФ. Дисс...юрид.наук. канд. Москва-2011. С.167.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суд материаллари архиви. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>
7. Беспалов Ю. Возмещение вреда, причиненного жизни и здоровью ребенка // <http://lawlibrary.ru/article1165472.html>
8. Weiler, Karen M. and Catton, Katherine. "The Unborn Child in Canadian Law." Osgoode Hall Law Journal 14.3 (1976): 643-659. DOI: <https://doi.org/10.60082/2817-5069.2154>
9. Lisette ten Haaf. Unborn and Future Children as New Legal Subjects: An Evaluation of Two Subject-Oriented Approaches — the Subject of Rights and the Subject of Interests. German Law Journal. Vol. 18 No. 05. 2017. 1095 p.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

**ХАМРАҚУЛОВ Шавкатжон Салимович**

Адлия вазирлиги Инсон ресурслари бошқармаси бош маслаҳатчиси

E-mail: [shox.21091981@gmail.com](mailto:shox.21091981@gmail.com)

### ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ СУҒУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ХАМРАҚУЛОВ Ш.С. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасининг асосий шартлари: миллий ва хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) В. 17-24.



5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-2>

#### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномасининг асосий шартларига оид миллий ва хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлил қилиб берилган. Бунда миллий қонунчилик бўйича суғуртанинг ушбу тури бўйича фаолият ҳамда етакчи хорижий мамлакатлар, жумладан, Буюк Британия, Хитой, АҚШ, Япония, Малайзия каби бошқа мамлакатлар тажрибаси қиёсий таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада мажбурий суғуртанинг ўрни, қўллашдаги қулайликлар, суғурта муносабатларининг жамиятда тутган ўрни кўриб чиқилган. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш соҳасида ходимнинг соғлиғига меҳнат фаолияти сабабли зарар етишининг оқибатлари, суғурта қўллаш асослари, суғурта қилинмаган ходимнинг зарарни ўрнини қоплашдаги масалалар ҳам таҳлил этиб ўтилган. Суғурта полисларининг расмийлаштирилиши билан боғлиқ таҳлил натижасида Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш Қоидаларига тегишли қўшимчалар кириш ва такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** respondeat superior, жавобгар, даъвогар, иш берувчи, суғурталовчи, жабрланувчи, наф олувчи, викарий жавобгарлик, директор, агент, принципиал шахс, хизматчи.

**КНАМРАКУЛОВ Shavkatjon**

Chief consultant of the Human Resources Department of the Ministry of Justice

E-mail: [shox.21091981@gmail.com](mailto:shox.21091981@gmail.com)

## MAIN TERMS OF THE EMPLOYER'S COMPULSORY CIVIL LIABILITY INSURANCE CONTRACT: COMPARATIVE ANALYSIS OF NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

### ANNOTATION

This article presents a comparative analysis of national and foreign experience regarding the main terms of the contract of compulsory employer's civil liability insurance. At the same time, the activity of this type of insurance is comparatively analyzed in accordance with national legislation and the experience of leading foreign countries, including Great Britain, China, the USA, Japan, Malaysia and a number of other countries. The article also examines the role of compulsory insurance, the convenience of its use, the role of insurance relations in society. In the field of compulsory employer's civil liability insurance, the consequences of harm to the health of an employee due to work activities, the grounds for using insurance, and issues of compensation to an uninsured employee are also analyzed. As a result of the analysis associated with the registration of insurance policies, proposals and recommendations have been developed aimed at introducing and improving changes to the Rules of compulsory employer's civil liability insurance.

**Keywords:** respondeat superior, defendant, plaintiff, employer, insurer, victim, beneficiary, subsidiary liability, director, principal, employee.

**ХАМРАКУЛОВ Шавкатжон**

Главный консультант Управления человеческих ресурсов

Министерства юстиции

E-mail: [shox.21091981@gmail.com](mailto:shox.21091981@gmail.com)

## ОСНОВНЫЕ УСЛОВИЯ ДОГОВОРА ОБЯЗАТЕЛЬНОГО СТРАХОВАНИЯ ГРАЖДАНСКОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ РАБОТОДАТЕЛЯ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО И ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлен сравнительный анализ национального и зарубежного опыта основных условий договора обязательного страхования гражданской ответственности работодателя. Проведен сравнительный анализ этого вида страхования национального законодательства и практики ведущих зарубежных стран, в том числе Великобритании, Китая, США, Японии, Малайзии и ряда других государств. Также в статье рассматривается роль обязательного страхования, удобство его использования, роль страховых отношений в обществе, проанализированы последствия причинения вреда здоровью работника вследствие трудовой деятельности, основания применения страхования, вопросы возмещения незастрахованному работнику. В результате проведенного анализа разработаны предложения и рекомендации, направленные на совершенствование Правил обязательного страхования гражданской ответственности работодателя.

**Ключевые слова:** ответ начальника, ответчик, истец, работодатель, страховщик, потерпевший, бенефициар, субсидиарная ответственность, директор, принципал, служащий.

Хорижий мамлакатларда ижтимоий суғурта ва ҳаёт суғуртаси кенг тарқалган соҳалардан бири ҳисобланади [1], хусусан, Буюк Британия амалиётида Викарий жавобгарлик тамойили кенг қўлланилади, бу “Викариоус жавобгарлик доктринаси” бўлиб, у иш берувчига ходимнинг хизмат мажбурияти доирасидаги нотўғри хатти-ҳаракатлари учун бевосита жавобгарликни юклайди. Викарий жавобгарлик юридик

атама бўлиб “respondeat superior” лотин тилида “устоз жавоб бериши керак” [2] деган маънони англатади. Бу ҳуқуқий таълимот бўлиб, агар хатти-ҳаракат бандлик доирасида содир бўлса, директор агент томонидан қилинган бепарволик ва ҳуқуқбузарлик учун қонуний жавобгар бўлади. Яъни, иш берувчи ходимнинг меҳнат фаолияти давомида бошқа бирор ходимга ўзининг хатти-ҳаракатлари оқибатида зарар етказса жавобгар бўлади. Бундай вазиятда иш берувчига ўзининг айбдор ёки айбсизлиги исбатлаши шарт эмас, шунчаки зарар етказган шахс иш берувчининг буйсинувидаги ходими бўлишининг ўзи уни жавобгарликка тортишга етарли асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу доктринанинг мақсади – жабрланувчиларга тўлиқ товон тўланишини таъминлаш ёки ҳеч бўлмаганда муайян миқдорда моддий компенсация олишга ёрдам беради. Бу ўринда иш берувчи – “принципиал шахс” ҳисобланади, зарар етказган ходим – “агент” деб юритилади ва жабрланган бошқа ходим – “хизматчи” ёки “даъвогар” деб юритилади [3]. Фикримизча, “агент” ҳар қандай ходим эмас, балки иш берувчидан қуйи лавозимда ишловчи ўринбосар ёки бўлим бошлиғи ҳисобланиб, унга ходимларни бошқариш, назорат қилиш функцияси юкланган бўлиши керак. Ушбу доктрина ғарб мамлакатлари амалиётида бизнинг фуқароликдаги умумий деликт тамойили вазифасини ўтайди ва иш берувчини ўз ходимлари устидан доимий назоратини амалга оширишига хизмат қилади.

Хитойнинг “Ping An Insurance” 2023 йил май ойи ҳолатига кўра дунёдаги энг йирик ҳаёт суғуртасини амалга оширувчи компания ҳисобланиб, асосий фаолиятини Хитой, АҚШ, КХДР ва бошқа йирик давлатларда 1 млн.дан ортиқ суғурта агентлари, 5 мингдан ортиқ бўлинмалари ва 218 млн. Мижозга хизмат кўрсатади [4]. Ундан кейинги ўринда “China Life Insurance” суғурта компанияси ҳам дунёдаги йирик суғурта компанияси бўлиб, унинг капитали 131,4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Ушбу суғурта компанияларига рақобатда бўлган АҚШда ҳам йирик ҳаёт суғуртаси фаолияти билан шуғилланувчи бир қатор компаниялар бўлиб, “New York Life”, “MetLife”, “AIG”, “Prudential Financial” ва “Aflac” шулар жумласидандир. Шунингдек, йирик ҳаёт суғурта мукофоти-га эга бўлган дунёнинг етакчи давлатлари қаторида Япония, Германия, Буюк Британия суғурта компаниялари ҳисобланади [5]. Жумладан, дунё бўйича йирик суғурта компанияларидан ҳисобланган Япониянинг “Mercer” ва “Marsh[6]” офисларининг ўзаро бирлашмаси бўлиб, бутун дунё бўйича 135 та мамлакатни ўз хизматлари билан қамраб олган 27 мингта йирик ташкилотларга хизмат кўрсатади. Ушбу компанияда 18 мингдан ортиқ ходим фаолият олиб боради. Худди шундан, “Tokyo International Risk service” компанияси (Япония) Осиё мамлакатлари бўйлаб суғурта хизматларини кўрсатувчи йирик суғурта компанияси бўлиб, дунё бўйича 650 тадан ортиқ мижози бор [7]. Шунингдек, “Tokio Marine Life Insurance [8]” компанияси (Япония) бўлиб, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича асосан Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида фаолият юритади.

Японияда ходимларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш тизимига 1947 йилда асос солинган бўлиб, суғуртанинг мажбурий тури қўлланилади. Ушбу жараёнлар Япониянинг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги томонидан тартибга солиниб, фаолияти Меҳнат стандартлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ белгиланади. Японияда ходимларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш (*меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касбга оид касалликка чалиниши ёки вафот этиши муносабати қоплаб берилади*) ҳамда бандлик суғуртаси меҳнат фаолиятига доир суғурталар ҳисобланади. Японияда айнан меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майибланиши, касбга оид касалликка чалиниши билан боғлиқ ҳодисалар бўйича компенсацияларни тўлиб бериш 1996-2000 йилларда, ҳар йили учун ўртача 600 кишига тўғри келган [9].

Малайзияда 2007 йилдан буён Ижтимоий таъминот ташкилоти (SOCSSO) меҳнатда жароҳатланиш ва ногирон бўлган ходимларни “Ишга қайтиш дастурини” (RTW) ишга туширган. Дастурнинг мақсади – хавфсиз ва самарали меҳнат шароитини яратиш, ногиронлик ҳолатини минималлаштириш ва тиббий хулосага ва кўрсатмасига кўра ходимни иш жойига ва соғлом турмуш тарзига қайтаришдан иборат. Шу билан бирга,



SOCSCO иш берувчилар ҳамда суғурта компаниялари билан ҳамкорликда ҳар йили 2 мингдан 10 минг нафаргача ходимлар ва иш берувчиларни иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш, ишга хавфсиз бориб келиш, иш жойида хавфсизликка риоя этиш ва иш шароитини яратиш бўйича тарғиботлар ва тушунтиришларни амалга ошириб борадилар [10].

Буюк Британиянинг 1969 йилдаги “Иш берувчининг жавобгарлигини суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни [11]га кўра, иш берувчилар иш жойида ва унинг ташқарисида ҳам ходимларнинг соғлиғи ва хавфсизлиги учун жавобгар ҳисобланадилар ҳамда иш берувчилар ўз ходимлари олдидаги иш билан боғлиқ жароҳатлар ва касб касалликлари учун жавобгарлигини мажбурий суғурталашлари шарт. Хаттоки собиқ ходимлар ҳам меҳнат фаолиятини тугатиб кетгандан кейин, агар касаллик корхонадаги иш натижасида юзага келганлигини исботлаб берсалар, иш берувчиларга уларга етказилган зарар учун тавон пули тўлаб беришлари мумкинлиги белгиланган. Бундан ташқари, иш вақтида ходимлар иш берувчининг топшириғига кўра ёки иш билан боғлиқ вазиятларда йўлда автотраспорт ҳодисаси туфайли жароҳатланган ҳолатларда ушбу зарарни қоплаш алоҳида тартибда иш берувчининг автосуғутасига қаратилиши мумкин. Бирлашган Қиролликнинг суғурта қонунчилигига кўра, Қиролликдан ташқарида узоқ муддатли хизмат сафаридида бўлган ходимлар учун иш берувчининг жавобгарлиги суғурта қилинмайди. Бундай ҳолатда иш берувчи ўша мамлакат қонунларида белгиланган қоидаларга мовофиқ масалани кўриб чиқиши керак бўлади. Агар аксинча Бирлашган Қироллик фуқаролари бўлмаган норезидент ходимлар ташкилотга ёки унинг филиалларига ташриф буюриб, кетма-кет 14 кундан ортиқ вақт мобайнида хизмат сафаридида бўлсалар иш берувчи Буюк Британия қонунчилигига асосан ходим олдидаги жавобгарлик суғуртасини расмийлаштириши керак [12].

Европа иттифоқида амалга оширилган тадқиқотларда кўрсатилган сўровномада “ходимларнинг соғлиғи, фаровонлиги ва хавфсизлиги” масаласи муҳим ўрин эгаллайди. “У кўпчилик ходимлар истиқомат қиладиган мамлакатда қайси турдаги давлат соғлиқни сақлаш хизматларини таклиф қилишини ва компания уни тўлдириш учун қандай қўшимча соғлиқни сақлаш имтиёзларини таклиф қилишини сўрайди (масалан, ногиронлик ёки бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, ҳаётни суғурталаш, шахсий тиш суғуртаси ва қўшимча пуллик тиббий суғурта) [13].

Юқоридагиларга қўшимча сифатида Европа мамлакатлари ҳуқуқий тизими зарар етказиш хавфини суғурталашда ўзига хос моделга таянади. Бу модел Бисмарк модели сифатида маълум. Яъни, ходимга зарар етказилганида унинг айби аҳамиятга эга бўлмайди. Албатта бу ўринда қасддан ўзига зарар етказиш истисно қилинади. Шундай бўлсада деликт жавобгарлигини қўллаш имконияти ҳам мавжуд бўлмайди ёки қонун билан чекланади.

Австралия, Буюк Британия, Канада, Италия, Португалия, АҚШ каби давлатларда Беверидж моделига асосланади. Беверидж моделида суғурта ҳам, соғлиқни сақлаш хизматлари ҳам Ҳукумат томонидан тақдим этилади ва солиқлар ҳисобидан молиялаштирилади, шифокор хизматлари одатда аҳоли сонига тўғри келади. Буюк Британия, Испания ва Янги Зеландия каби ушбу моделни қўллайдиган аксарият мамлакатларда давлат суғуртаси эҳтиёткорлик билан чегараланган “муҳим” хизматлар саватини қоплайди, параллел равишда хусусий етказиб бериш тизими (ва суғурта тизими) беморларга тиббий хизматларни олиш имконини беради. Германия, Нидерландия ва Австралияда қўлланиладиган Бисмарк моделида резидентлар суғуртани чекланган миқдордаги юқори даражада тартибга солинадиган хусусий суғурта компаниялари орқали олади, одатда тўғридан-тўғри давлат тўловлари комбинацияси орқали молиялаштирилади, индивидуал бадаллар билан тўлдирилади [14].

Мазкур тизим Америкаликларнинг аксарияти универсал тиббий суғуртани маъқуллаши билан боғлиқ. Аммо бу мақсадга қандай эришиш мумкинлиги ҳақида ноаниқликлар мавжуд. Амалга оширилган суғурта қандай бўлишидан қатъий назар, кўриб чиқиши керак бўлган қўшимча тафсилотларга хизматларнинг кенглиги,

хизматлар ҳажмига чекловлар ва чекловлар, жисмоний шахслар учун харажатларни тақсимлаш ва нархлар борасида аниқлик талаб қилинади. Бунда харажатларни қандай камайтириш мумкинлиги ва қандай соғлиқни сақлаш хизматларини универсал суғурта билан қоплаши кераклигини аниқлаш лозим [15]. Жумаладан, АҚШда иш берувчилар одатда ходимларнинг соғлиғи етказилган зарарнинг ўрнини компенсация қилишни суғурта компаниялари ҳисобидан амалга оширадilar. Суғурта фаолияти алоҳида штатлар томонидан назорат қилинади ва ҳар бирида ўрнатилган тартиб иш берувчининг шахсий тажриба рейтингги ва иш фаолитидаги рисклар тоифасидан келиб чиқиб фарқланади. Суғурта келишуви бўйича ходимларга компенсация тўловларининг 4 та тури қўлланилади:

1. Суғуртани қатъий давлат суғурта фонди орқали амалга ошириш. Бу АҚШнинг 4 та штатида суғуртанинг фақат давлат тури қўлланилиб, хусусий суғурталовчилар билан шартнома тақиқланади.

2. Рақобатбардош суғурта компанияларни танлаш ҳуқуқи. АҚШнинг 18 та штатида давлат фонди билан бир қаторда хусусий суғурта компаниялари тенг ҳуқуқли рақобат асосида суғурта бозорида иштирок этадилар. Иш берувчилар суғурта компанияларининг фаолиятни ҳамда рейтинг кўрсаткичларини баҳолаш орқали уларни мустақил танлаб, суғурталани амалга оширадilar.

3. Хусусий суғурта. Бошқа кўплаб штатларда давлат суғурта фонди қўлланилмайди ва шу сабабли иш берувчилар ходимлар учун суғурта компенсацияларини фақат хусусий секторлар орқали қоплайдилар, бироқ уларнинг фаолияти қонунчиликка мувофиқ штат назорати остида олиб борилади.

4. Ўзини-ўзи суғурта қилиш. АҚШда Шимолий Дакота ва Вайоминг штатларидан ташқари барча штатларда молиявий барқарор ва етарли маблағга эга бўлган иш берувчиларга ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар ўрнини компенсация қилиш учун ўзини-ўзи суғурталашга рухсат берилган. Бунда иш берувчилар келажақда компенсацияни қоплаш учун ўзининг қимматли қоғозларини гаров сифатида қўллайдилар [16].

Буюк Британияда томонидан ижтимоий суғурта бўйича эълон қилинган Беверидж ҳисоботида кўрсатилган бешта йирик масалани ҳал қилиш учун пухта режани таклиф қилди: муҳтожлик, касаллик, бекорчилик, жоҳиллик ва қашшоқлик. Ҳисобот таклиф қилган ғоя бадаллар йиғиш орқали миллий минимал хавфсизлик тармоғини таъминлашни назарда тутди. Бунинг учун ижтимоий хавфларни қамраб олувчи ягона миллий ижтимоий суғурта тизими зарур эди. Ушбу ҳисобот учта катта мақсадни ўз ичига қамраб олди, улар тўлиқ бандликни таъминлаш, оилавий нафақалар ва умумий даромад билан молиялаштириладиган Миллий соғлиқни сақлаш хизмати тизими бутун аҳоли учун бепуллигини назарда тутди [17].

Кам маошли секторни орқага қайтариш, айниқса, паст малакали ишчилар учун камроқ иш ўринлари яратишга олиб келадиган муаммо бўлиши мумкин. Бевериж модели кучли ва сезиларли силжишни кўрсатадиган аксарият секторлар қурилиш ёки савдо каби кам малакали ишчилар ишлайдиган одатий тармоқлардир. Агар ушбу секторлар қисқартирилса, ягона сиёсат воситаси ишчи кучининг малакасини ошириш бўлиши мумкин [18].

Беверидж тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, ходимни хавфсизлигини таъминлаш турли ижтимоий жавобгарлик субъектлари ўртасида тақсимланади. Давлат ўз навбатида минимал тўловларни таъминлайди, иш берувчи ўз ҳисобидан суғурта ҳимоясини таклиф қилади, ходим эса, ихтиёрий шахсий суғурта тизими иштирокчиси бўлади.

Умумий маънода деликт мажбурияти умумий ҳуқуқий асослари рим ҳуқуқидан бери маълум. Фикримизча, иш берувчининг жавобгарлиги деликт ҳисобланади. Бугунги кунда деликтнинг алоҳида турлари вужудга келмоқда. Хусусан, вояга етмаганларнинг жавобгарлиги, ошиқча хавф манбаи воситасида етказилган зарар ва бошқалар. Асосийси деликт жавобгарлигини вужудга келиши учун мутлақ ҳуқуқ бузилиши ва

бунинг натижасида мулкӣ ва маънавий зарар етиши юз беради [19]. Бу ўринда аввало, зарарнинг асос ҳисобланиши, ҳуқуқбузарлик натижасида абсолют ҳуқуқнинг бузилиши ҳақида сўз боради. Унинг шартларини эса, аниқлаш ва татбиқ этиш талаб қилинади.

Ходимнинг соғлиғига меҳнат фаолияти сабабли зарар етиши деликтнинг алоҳида тури ҳисобланади. Суғурта бўлмаганда, зарар қопланадими? деган ўринли савол туғилади. Албатта, чунки, бу ўринда деликт жавобгарлиги ҳуқуқбузарлик факти асосида иш берувчининг шартнома тузган ёки тузмаганлигидан қатъий назар қопланиши шарт. Фақат бу ўринда ўзига хос хавфни тақсимлаш олдиндан қонунчиликда белгиланади. Яъни, давлат қонунчилик орқали ҳуқуқий тартибга солиш, иш берувчи ўз ҳисобидан суғурталаш ва ходим ёки бошқа наф олувчи суғурта манфаатидан баҳраманд бўлади.

Бугунги кунда Қозоғистон, Россия, Белоруссияда иш берувчи ва ходимнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи мажбурий суғурта турлари жорий этилган. Айтиш мумкинки, бугунги кунда Қонун меҳнат шартномасига асосланган ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган фуқаролик жавобгарлигини суғурталашни назарда тутати ва унинг асосий мақсади ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни ундириш бўйича ҳуқуқини амалга оширишга кўмаклашиш, мазкур зарарни қоплаш билан боғлиқ иш берувчининг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек меҳнат шароитларини яхшилаш ва хавфсизлигини ошириш иш берувчининг ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишни ва касб касаллигига чалинишни камайтиришда иқтисодий манфаатдорлигини оширишдир.

Суғурта хизматларининг ривожланиб бориши мамлакатимизда суғурта фаолияти ва суғурта бозорини такомиллаштириш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилиши ҳамда ушбу ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари сифатида кўплаб янги қонунчиликнинг қабул қилиниши суғурта муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солишда янги йўналишларни вужудга келтирди.

Авваломбор суғурта муносабатларини умумий жиҳатдан тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари сифатида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ФК (52-боб 46та модда) ва “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлса, кейинчалик алоҳида фаолият турларидаги хавф-хатарларни суғурталаш ва муайян маънода ижтимоий функцияни амалга ошириш мақсадида қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 октябрдаги ПҚ-5265-сон қарори ижроси бўйича 2022 йил 1 июлидан бошлаб суғуртанинг барча турлари (класслари) электроншаклда амалга ошириб келинмоқда ва суғуртанинг барча турларида суғурта полислари ягона автоматлаштирилган ахборот тизими орқали рўйхатга олинмоқда ва шу муносабат билан 2023 йил 1 январдан бошлаб суғурта полисларини қоғоз бланкларда расмийлаштириш амалиёти тугатилди. Мазкур қарор ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 декабрдаги 694-сон қарори [20] қабул қилиниб, 2022 йилнинг 31 декабрь кунидан барча суғурта полисларини рўйхатга олувчи ҳамда ушбу полисларнинг айланмасини назорат қилувчи ягона ахборот тизими жорий этилди ва суғурта компаниялари мазкур ахборот тизими билан интеграция қилинди. Ушбу норманинг қабул қилиниши мажбурий суғурта шартномаларидаги суғурта полисини йўқолиши билан боғлиқ муаммони ва унинг оқибатида иш берувчи томонидан суғурта полисининг дубликатини олиш учун суғурталовчига тўлаб бериладиган БҲМнинг 10 фоизи миқдоридagi ортиқча ҳаражатларни олдини олишга хизмат қилиши керак [20].

Шу муносабат билан, биринчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори билан тасдиқланган Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидаларининг 14-банди тўлиқ ҳамда 55-банднинг учинчи ва тўртинчи қасмлари ўзининг актуаллигини йўқотиб, уларни Қоидалардан чиқариб ташлаш таклиф этилади (*асос “Электрон рақамли имзо тўғрисида” Қонуннинг 4-моддаси иккинчи қисмига кўра юридик шахсларнинг ЭРИ билан тасдиқланган электрон ҳужжат юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган қоғоз ҳужжатга тенглаштирилади*), иккинчидан, суғурта



мукофотинихисоблашнинг автоматлаштирилган механизми жорий қилиниши керак, бу орқали ходимларнинг ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар солиқ органлари базаси билан интеграция қилинган ҳолда автоматик олиниши, иш берувчининг хавфлилик даражаси эса давлат хизматлари марказлари базаси билан интеграция қилинган ҳолда иш берувчининг фаолият тури автоматик тарзда аниқланиши ва суғурта мукофоти ҳисобланиши керак, учинчидан, ходимларга ўзининг ҳаёти ва соғлиғи иш берувчи томонидан суғурта қилинганлигини онлайн текшириш имконияти яратилиши зарур, чунки, ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бажариш вақтида агар суғурта ҳодисасига учраб, соғлиғи шикастланса, вафот этса ёки бошқача тарзда ногирон бўлиб қолиши юзага келганда унинг қарамоғидаги шахсларни ижтимоий ҳимояси таъминланганлини билиши лозим, тўртинчидан, ходимнинг суғурталанганлигини онлайн кузатиш амалиёти назорат органлари томонидан иш берувчининг суғурта шартномаси тузилганлигини текшириш ва назорат қилиш имкониятини юзага келтиради.

Том маънода, эътироф этиш лозимки, суғуртанинг ихтиёрий ва мажбурий турларининг ўзаро нисбатларини мақбуллаштириш ушбу йўналишдаги фаолиятнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда. Ўтиш даври иқтисодиётига эга давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатларининг ривожланиб бориши шароитида суғурта бозорини шакллантириш даврида мажбурий суғуртанинг катта салмоққа эга бўлиши муқаррардир.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта компаниялари сони 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра 26 та, 2018 йилда 31 декабрь ҳолатига уларнинг сони 30 тага етди. 2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига эса яна 12 тага кўпайиб, 2023 йилнинг 31 июль ҳолатига суғурта компанияларининг умумий сони 42 тани (ёки 2016 йилга нисбатан 38 фоизга кўп) ташкил қилмоқда, шундан 8 таси бевосита ҳаёт суғураси билан шуғилланувчи компаниялар ҳисобланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимиз миллий суғурта бозорини халқаро андозалар асосида ривожлантириб бориш, суғурта бозорида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш, иш берувчининг ўз ходими олдидаги жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мажбуриятини бажариш принципларини таъминловчи сунъий интеллект (рақамли механизмлар)ни жорий этиш ва давлат назоратини таъминлаш долзарб эканлигини кўрсатади. Суғурта бозори ривожланган мамлакатлардаги муҳим суғурта rischi даражаси, асосан, иш жараёнида бахтсиз ҳодисалар (*иш билан боғлиқ касалликка (касб касаллиги) чалиниш, жароҳатланиш ва ўлим ҳолатлари*) юзага келишининг хавфлилик даражасига боғлиқ. Мисол учун офис иши билан банд бўлган шахслар учун суғурта rischi даражаси, шунга мувофиқ суғурта мукофоти миқдори ҳам паст бўлиб, юқори риск даражаси асосан тоғ-кон, кўмир ва металлургия каби оғир саноат соҳаларида мавжуд. Шу сабабли уларда суғурта мукофоти миқдори ҳам баланд ҳисобланади. Айнан мана шу соҳаларда рискнинг юқорилиги сабабли япон иш берувчилари бахтсиз ҳодисалар юз беришининг олдини олиш учун бор куч ва имкониятларини ишга соладилар.

### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Правовое регулирование трудовых отношений в Европе и Центральной Азии: Руководство к Рекомендации № 198 // Департамент управления и трипартизма Международное бюро труда, Женева Европейская сеть трудового права (European Labour Law Network, ELLN) март 2014 г.;
2. Vicarious Liability: A Legal Definition. <https://www.wkw.com/legal-dictionary/blog/vicarious-liability/>;
3. What does it mean by Vicarious Liability in Employment Law? // <https://fotislaw.com/lawtify/vicarious-liability-in-employment-law/>;
4. 01.08.2024 г. Википедию, свободную энциклопедию URL: // [https://ru.wikipedia.org/wiki/Ping\\_An\\_Insurance](https://ru.wikipedia.org/wiki/Ping_An_Insurance);
5. Finance & Insurance. 25.03.2023 г. URL: // <https://www.statista.com/statistics/376359/largest-life-insurance-companies-by-market-cap/>;

6. Mercer marsh benefits. Employee Health & Benefits. 25.03.2023 г. URL: <https://www.marsh.com/jp/en/services/employee-health-benefits.html>;
7. Property and Casualty Insurance. 15.03.2023 г. URL: <http://www.tokyoirs.co.jp/en/products/>;
8. Employer's Liability Protects your business from claims by employees for work related injury and illness. 15.03.2023 г. URL: [https://www.tokiomarine.com/my/en/business/products/liability/employers-liability.html#par\\_container\\_expandable\\_4](https://www.tokiomarine.com/my/en/business/products/liability/employers-liability.html#par_container_expandable_4);
9. Industrial Accidents Statistics in Japan (2020). URL: [https://www.jisha.or.jp/english/statistics/accidents\\_in\\_detail\\_2020.html#f03](https://www.jisha.or.jp/english/statistics/accidents_in_detail_2020.html#f03);
10. Essentials for a successful employment injury insurance system 2021. URL: // [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---asia/---ro-bangkok/---sro-bangkok/documents/publication/wcms\\_800245.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---asia/---ro-bangkok/---sro-bangkok/documents/publication/wcms_800245.pdf);
11. Employers' Liability (Compulsory Insurance) Act 1969 // [https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment\\_data/file/282077/msn757.pdf](https://assets.publishing.service.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/282077/msn757.pdf);
12. Страхование ответственности работодателя. 08.09.2022 г. URL: [https://www.lawfirmuk.net/businessinuk\\_employer\\_liability](https://www.lawfirmuk.net/businessinuk_employer_liability);
13. The International Handbook of Social Enterprise Law. Editors Henry Peter, Carlos Vargas Vasserot, Jaime Alcalde Silva. Benefit Corporations and Other Purpose-Driven Companies. <https://doi.org/10.1007/978-3-031-14216-1>. // Springer. 2023. 288-б.;
14. Den Exter AP, Guy MJ. Market competition in health care markets in the Netherlands: some lessons for England? Med Law Rev. Spring 2014; 22(2):255-73. <https://doi.org/10.1093/medlaw/fwu009>;
15. Cram, P., Selker, H., Carnahan, J. et al. Getting to 100%: Research Priorities and Unanswered Questions to Inform the US Debate on Universal Health Insurance Coverage. J GEN INTERN MED 37, 949–953 (2022). <https://doi.org/10.1007/s11606-021-07234-1>;
16. Essentials for a successful employment injury insurance system 2021. // [https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---asia/---ro-bangkok/---sro-bangkok/documents/publication/wcms\\_800245.pdf](https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/---asia/---ro-bangkok/---sro-bangkok/documents/publication/wcms_800245.pdf);
17. One Hundred Years of Social Protection The Changing Social Question in Brazil, India, China, and South Africa. <https://doi.org/10.1007/978-3-030-54959-6>. 2021. Publisher Palgrave Macmillan Cham. <https://link.springer.com/book/10.1007/978-3-030-54959-6>;
18. Michael Christl, Monika Köppl-Turyňa & Dénes Kucsera. Structural unemployment after the crisis in Austria. IZA Journal of European Labor Studies. 5, 12 (2016). <https://doi.org/10.1186/s40174-016-0062-5>;
19. Мусихина Е.О. Понятие деликтного обязательства в гражданском праве России // Вестник магистратуры. 2017. № 12-3(75);
20. Хамрақулов Ш. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суброгацияни қўллаш масалалари // Юрист ахборотномаси. – 2024. – Т. 4. – №. 1. – С. 58-65.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ИСМОИЛОВА Азиза Алишер қизи  
Тошкент давлат юридик университети таянч докторанти (PhD)  
mail: [aismoilova\\_1989@mail.ru](mailto:aismoilova_1989@mail.ru)

## МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ГЕНДЕР АУДИТИНИНГ РОЛИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** ИСМОИЛОВА А.А. Меҳнат муносабатларида гендер тенглигини таъминлашда гендер аудитининг роли // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) В. 25-31.

 5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-3>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада меҳнат муносабатларида гендер тенглигини таъминлашда гендер аудитининг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинади. Гендер аудити жараёнида ташкилотларда мавжуд гендер тенгсизликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш учун амалий тавсиялар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш масалалари муҳокама қилинган. Мақолада шунингдек, хорижий давлатлардаги илғор тажрибалар ўрганилиб, уларнинг ўзига хос жиҳатлари атрофлича кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** меҳнат муносабатлари, гендер тенглиги, гендер аудити, тенгсизлик, стратегия, гендер статистикаси.

ISMOILOVA Aziza  
Tashkent State University of Law, PhD student  
mail: [aismoilova\\_1989@mail.ru](mailto:aismoilova_1989@mail.ru)

## THE ROLE OF GENDER AUDIT IN ENSURING GENDER EQUALITY IN THE LABOR RELATIONSHIPS

### ANNOTATION

This article analyzes the role and importance of gender audit in ensuring gender equality in labor relations. In the process of gender audit, issues of identifying existing gender inequalities in organizations, developing practical recommendations and measures to eliminate them were discussed. The article also examines best practices in foreign countries and examines their specific aspects in detail.

**Keywords:** labor relations, gender equality, gender audit, inequality, strategy, gender statistics.

ИСМОИЛОВА Азиза  
Докторант (PhD) Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: [aismoilova\\_1989@mail.ru](mailto:aismoilova_1989@mail.ru)

## РОЛЬ ГЕНДЕРНОГО АУДИТА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется роль и значение гендерного аудита в обеспечении гендерного равенства в трудовых отношениях. Рассматриваются вопросы выявления существующего гендерного неравенства в организациях и разработки практических рекомендаций и мер по его устранению. Также обсуждаются лучшие зарубежные практики и их особенности в контексте применения гендерного аудита.

**Ключевые слова:** трудовые отношения, гендерное равенство, гендерный аудит, неравенство, стратегия, гендерная статистика.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда гендер тенглигини ривожлантириш соҳасида маълум ютуқларга эришилди. Халқаро стандартларга мос гендер сиёсатини жорий этиш учун кучли ҳуқуқий асос яратилди. Жумладан, “Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги [1], “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар [2] қабул қилинди. Шунингдек, 2030 йилгача гендер тенглигига етиш учун миллий стратегия [3] ишлаб чиқилди.

Гендер тенглиги — бу эркеклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар, имкониятлар ва масъулиятларни таъминлаш мақсадида жамиятнинг турли соҳаларида кўрилатган чора-тадбирлар мажмуи. Бу тушунча нафақат ижтимоий адолатни таъминлашни, балки иқтисодий самарадорлик ва барқарор ривожланишни ҳам кўзда тутди. Жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий тараққиётда гендер тенглиги муҳим роль ўйнайди, чунки у жамиятнинг бутун потенциалидан фойдаланиш имконини беради.

Меҳнат муносабатларида гендер тенглиги, айниқса, адолатли иш шароитлари, тенг маош ва касбий имкониятларга тенг ҳуқуқни таъминлаш орқали иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ҳамжиҳатликка эришишга ёрдам беради. Бундан асосий мақсад ҳар икки жинс вакиллари учун меҳнат бозорида тенг шароитлар яратиш ва уларнинг профессионал ривожланишига тўсқинлик қилаётган гендер тўсиқларни бартараф этишдир.

Ҳозирги кунда, гендер тенгликни таъминлаш, аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини кучайтириш мақсадида 3 та қонун, 6 та фармон ва қарор, шунингдек, ҳукумат томонидан 16 та қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон ҳукумати гендер тенглигини таъминлаш ва аёллар билан эркеклар учун тенг имкониятлар яратишга қаратилган қатор қонунлар ва стратегияларни амалга ошириб келмоқда. Бунга меҳнат соҳасида гендер аудитларини ўтказиш, гендер тенглигини ривожлантиришга қаратилган миллий стратегиялар ва бошқа ташаббуслар мисол бўла олади.

**Гендер аудити** — бу жамиятдаги гендер тенглигини ошириш мақсадида ўтказиладиган тизимли таҳлилдир. Бу жараён орқали ташкилотлар ва давлат идоралари ўзларининг сиёсатлари ва амалиётларини гендер жиҳатдан қайта кўриб чиқадилар, шу билан бирга гендер тенгсизликларини аниқлаш ва уларга чора кўриш имкониятини беради. Гендер аудити нафақат тенгликни таъминлаш, балки бу тенгликнинг барқарорлигини ҳам кафолатлайди.

Гендер аудити жараёни меҳнат муносабатларида, иш жойларида, ташкилотларда ва давлат органларида гендер адолатлилигини оширишга хизмат қилади. ЮНЕСКОнинг таъкидлашича, гендер аудити “ташкилотларда гендер тенглиги мақсадларига эришиш учун зарур бўлган стратегиялар ва амалиётларни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди” [4]. Бу таҳлиллар натижасида аниқланган муаммоларга қарши самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, бу эса ишчи кучининг тўлиқ салоҳиятини ишга солишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида гендер аудитининг ўрни жуда муҳимдир, чунки давлат миқёсида гендер тенглигини таъминлашга қаратилган кўплаб сиёсий чора-тадбирлар

амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда 2030 йилгача гендер тенглигига эришиш стратегияси доирасида, гендер аудитларини мунтазам равишда ўтказиш орқали гендер сиёсатининг самарадорлигини оширишни мақсад қилинган. Бу каби тадбирлар аёллар ва эркеклар ўртасида ижтимоий ва иқтисодий тенгликни таъминлаш учун зарур шароитлар яратишга қаратилган.

Гендер аудитлари давлат томонидан таъминланган хизматларнинг ҳар икки жинс вакиллари учун бирдек фойдали эканлигини кафолатлайди ва шу тариқа давлат ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида давлатнинг умумий ривожланиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасида аёлларнинг иш билан таъминланишига оид кафолатлар мустақамланган [5]. Хусусан, ҳомиладорлик ёки фарзанд тарбияси сабабли аёлларни ишга қабул қилмаслик, ишдан бўшатиш ёки маошини камайтириш тақиқланган. Бу қоидалар меҳнат бозорида гендер тенглигини таъминлашга қаратилган. Қонунчилик халқаро стандартлар асосида янгиланиб борсада, амалиётда гендер тенгсизликлари ҳали ҳам учраб турибди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) мазкур тенгсизликларнинг қуйидаги шакллари аниқлаб беради:

- Аёлларнинг кўпчилиги болаларни парвариш қилиш ва уй ишлари билан банд бўлсалар, аксарият эркеклар ҳақ тўланадиган ишларда бандлар.
- Миллий иқтисодиётнинг етарлича муносиб иш ўринлари ярата олмаслиги эркекларга қараганда аёлларга кўпроқ таъсир қилади.
- Аёллар асосан кичик лавозимларда меҳнат қиладилар ва болаларни парваришlash ва уй ишлари билан шуғулланадилар.
- Аёллар меҳнатига камроқ ҳақ тўланади ва аёлларга хос деб ҳисобланган касбларнинг қиймати паст баҳоланади.
- Хотин-қизлар жамиятдаги устувор гендер нормалари туфайли асосан оилавий мажбуриятларни бажариш билан банд бўладилар.
- Улар фаолият юритадиган иш жойларининг кўпчилиги норасмий иқтисодиётга тўғри келади.
- Аёллар банд бўлган расмий иш жойларининг асосий манбаи давлат сектори бўлиб қолмоқда.
- Миграциянинг хотин-қизлар ва эркеклар учун аҳамияти бирдек ортиб бормоқда [6].

ХМТ томонидан келтирилган бу маълумотлар, аёллар ва эркеклар ўртасидаги меҳнат бозоридаги тенгсизликларнинг турли кўринишларини очиб бериб, гердер тенгликка эришиш учун амалий чоралар кўриш заруратини тасдиқлайди. Мазкур маълумотлар кўрсатганидек, гендер тенгсизлигининг қатор кўринишлари мавжуд. Мисол учун, кўпчилик аёллар асосан болаларни парваришlash ва уй ишларига жалб қилинган, бу эса уларнинг касбий ривожланиши ва юқори даромадли ишларга эга бўлиш имкониятини чеклайди.

Миллий иқтисодиётнинг етарли даражада расмий иш ўринлари яратиш имкониятларининг чекланганлиги асосан аёлларга салбий таъсир кўрсатади, чунки улар кўпинча паст маошли ва кам қадрланадиган касбларда ишлайдилар. Бу ҳолат аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини чеклайди ва уларни оилавий мажбуриятларга кўпроқ боғлаб қўяди.

Шунингдек, аёллар кўпинча норасмий иқтисодиётда ишлайди ёки давлат секторида банд бўлган расмий иш жойларида фаолият юритади, бу эса уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш имкониятларини чеклайди. Миграция ҳам аёллар учун тобора муҳим бўлиб бормоқда, бу уларнинг иш бозоридаги мавқеини ва ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўзгартириши мумкин.

Бунга исбот сифатида ХМТ қуйидаги статистик маълумотларни тақдим этади: *иқтисодий нофаоллик даражаси меҳнатга лаёқатли аёлларда 33,1 фоизни, эркекларда 18,9 фоизни ташкил этди; 25 – 49 ёшдаги, уч ёшдан катта болалари бор ёки боласи бўлмаган*



аёлларнинг 50,6 фоизи ишламайди, эркаклар орасида бу кўрсаткич 5,9 фоизни ташкил этади, бу эса бола парвариши ва уй-рўзғор ишлари каби ҳақ тўланмайдиган меҳнатда аёллар кўпчиликини ташкил қилишидан далолат беради. Аёллар қунига ўртача 5,27 соатни ҳақ тўланмайдиган уй ишларига сарфласалар, эркаклар бундай ишларга фақат 2,15 соатни сарфлайдилар. Шу билан бирга, аёллар бажарадиган уй ишларининг деярли 70 фоизига ҳақ тўланмайди, эркаклар учун бу кўрсаткич тахминан 28 фоизни ташкил қилади. Болаларни парвариш қилиш ва уй-рўзғор ишлари билан шуғулланганларнинг 90 фоиздан ортиғини аёллар ташкил этади. Бир йил ёки ундан кўпроқ вақт давомида ишсиз бўлган аёллар 50% ни, эркаклар эса 35% ни ташкил этади. 2021 йилда умумий иш ҳақи асосида ҳисобланган аёллар иш ҳақи эркаклар иш ҳақининг 63,4 фоизини (36,6 фоизга кам) ташкил этди [6].

Бу статистик маълумотлар, аёллар ва эркакларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ўртасида катта фарқлар мавжудлигини кўрсатиб, аёлларнинг иқтисодий нофаоллиги анча юқори эканини тасдиқлайди. Бу ҳолат, аёлларнинг ишга жалб қилиниши ва меҳнат бозорида иштирок этиши учун қўшимча чора-тадбирлар кўришни талаб этади, чунки улар ишсизлик ва ҳақ тўланмайдиган уй ишлари билан банд, бу эса уларнинг иқтисодий мустақиллигига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, ушбу статистикалар Ўзбекистондаги меҳнат бозорида гендер тенгсизликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Иқтисодий нофаоллик меҳнатга лаёқатли аёллар орасида 33,1% ни ташкил қилади, бу эркаклардаги 18,9% га нисбатан анча юқори. Шунингдек, 25-49 ёшдаги аёлларнинг ярмидан кўпи ишламайди, бу эса уларнинг асосан уй ишлари ва болаларни парваришлаш билан бандлигини кўрсатади. Бундан ташқари, аёллар орасида ишсизлик даражаси ҳам анча юқори бўлиб, уларнинг ўртача маоши эркакларникидан 36,6% га паст. Бу каби вазиятлар аёлларнинг иқтисодий имкониятларига чекловлар қўяди ва уларни кўпроқ уй ишлари билан боғлайди.

Шу ўринда Э.Аронсоннинг қуйидагича фикрига эътибор қаратиш мумкин: “Аёллар биологик нуқтаи назардан уйда меҳнат қилишга кўпроқ мойил, ва эркакларнинг доминант ўрнига эга бўлган жамият келажакда ҳам аёлларни чангютгичга боғлаб қўйишни истайди” [7]. Э.Аронсоннинг бу фикрига қўшилмаймиз, чунки бу фикр аёлларни фақат уй шароитида ишлашга биологик жиҳатдан мойил деб таърифлайди. Бу тушунча кўпинча маданий стереотипларга асосланади ва аёлларнинг кўп қиррали салоҳиятини чеклаб қўяди.

Замонавий тадқиқотлар кўрсатганидек, аёллар турли соҳаларда, жумладан фан, технология, санъат ва бошқаларда муваффақиятли фаолият юритмоқдалар. Аёлларнинг фақат уй ишларига ёки бола парваришига мойил эканлигини айтиш уларнинг имкониятларини сунъий чеклайди ва гендер тенгсизликни давом эттиради. Шу сабабли, аёллар ва эркаклар ўртасидаги тенгсизликларни камайтириш ва ҳар бир инсоннинг қобилиятини тўлиқ ишга солиш учун жамиятда гендер стереотипларга қарши курашиш ва тенг имкониятлар яратиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бу ҳар бир шахснинг шахсий ва касбий ривожланишига ёрдам беради ва жамиятнинг умумий фаровонлигини оширади.

Гендер сиёсатини яхшилаш мақсадида киритилган янгиликлардан бири гендер қонунчилигига гендер аудити бўйича ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўлди. Гендер аудити гендер сиёсатини самарали амалга ошириш ва гендер бўйича комплекс ёндашувни илгари суришга хизмат қилади.

Энди эса гендерга оид аудитнинг мақсад ва вазифалари ҳақида тўхталсак. **Гендер аудити** — бу ташкилотларда гендер тенглигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган тизимли таҳлил жараёнидир. Унинг асосий мақсади ташкилот ичидаги гендер тенгсизликларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича стратегиялар ишлаб чиқишдир. Бу жараёнда қуйидаги вазифалар бажарилади:

- Ташкилотнинг гендер сиёсати ва амалиётларини таҳлил қилиш;
- Гендер тенглиги мақсадларига эришишда мавжуд тўсиқларни аниқлаш;
- Тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Гендер аудити глобал стандартлар яъни ХМТ каби ташкилотлар томонидан ишлаб

чиқилган қоидалар ўтказилади. Бу стандартлар ташкилотларга гендер тенглигига эришиш йўллари кўрсатиб беради. Миллий қонунчиликда эса бу стандартларни амалга ошириш мажбурияти белгиланган бўлиб, улар гендер тенглигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадамлардир.

Гендерга оид аудитни амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси зиммасига юкланган. Ушбу жараён тасдиқланган уч йиллик режа асосида, давлат идоралари ва муассасаларида жамоатчилик назорати доирасида бажарилиши кўзда тутилган.

Одатда, аудит 10 (ўн) иш куни давомида ўтказилади, аммо бунда тайёрлов даври ҳал қилувчи роль ўйнайди – бутун тадбирнинг муваффақияти унга боғлиқ.

Аудит бошланишидан олдин гуруҳдан қуйидагилар талаб этилади:

- ҳисоботни тайёрлаш схемасини ишлаб чиқиш;
- ҳисоботнинг турли бўлимларини ёзишда мажбуриятларни тақсимлаш тўғрисида келишиб олиш;
- якуний ҳисобот матнида барча қисмларни ягона шаклга келтирувчи гуруҳ аъзосини танлаш [8].

Ишчи гуруҳ шакллантирилганидан сўнг, ҳар бир аъзога вазифа ва топшириқларни аниқ тақсимлаш жуда муҳим. Ишчи гуруҳ аъзолари координатор раҳбарлигида гендерга оид аудит ўтказиш режа-жадвалини ишлаб чиқадилар. Режа-жадвал гендер аудитини ўтказиш кўзда тутилган идора раҳбарияти билан келишилади.

Идора фаолиятини дастлабки ўрганиш ва таҳлил қилишда, идоранинг веб-сайти, фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар, гендер статистикаси, ички қоидалар ва одоб-ахлоқ кодексига эътибор қаратилади. Бу жараёнда гендер тенгликка оид масалаларни ёритиш ва уларни таҳлил қилиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Гендер аудитининг натижалари, шу жумладан ҳужжатлар таҳлили, сўровлар ва суҳбатлар асосида ишчи гуруҳ аъзолари хулосалар ва тавсиялар тайёрлайдилар. Аудитнинг асосий натижаси ҳисобот бўлиб, у ишни яхшилаш учун тавсиялар ва уларнинг амалга оширилишига қаратилган аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олади. Якуний ҳисобот 30 саҳифадан ошмаслиги керак ва у гендер аудитидан сўнг ўн иш куни ичида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш ва гендер тенглик масалалари бўйича республика комиссиясига юборилади. Аудит натижалари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади [9].

Гендерга оид аудит, асосан меҳнат муносабатларини, ташкилотларда хотин-қизлар ва эркеклар учун яратилган имкониятларни, меҳнат шароитларининг тенглигини, кадрлар сиёсатини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, ходимларнинг манфаатини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи касаба уюшмаларининг фаолиятига мос келиши таъкидланди [10].

“Гендерга оид аудитнинг вазифаларидан бири меҳнат жамоасининг гендер таркибини таҳлил қилишдир, бу эса гендер статистикасини тўплашни талаб қилади. Шу тарзда, гендер статистикаси гендер қонунчилиги ва умуман, гендер сиёсатини мониторинг қилиш, шунингдек, интеграциялашган гендер ёндашувини жорий этиш, яъни давлат сиёсатининг барча соҳаларида гендер тамойилларини татбиқ қилиш учун энг муҳим восита ҳисобланади” [11].

Гендерга оид аудит ўтказишда муаммолар ва уларнинг сабабларини аниқлаш, шунингдек, вазиятни яхшилаш учун тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида баҳолаш ва мониторинг қилиш жараёнидир. Баҳолаш ва мониторинг самарадорлиги эса статистик маълумотлар мавжудлигига боғлиқ.

Гендер статистикаси гендер сиёсатини таҳлил қилиш ва баҳолашда муҳим восита ҳисобланади. Ўзбекистонда гендер статистикасини йиғиш тизими такомиллаштирилмоқда, бунинг яққол мисоли сифатида [gender.stat.uz](http://gender.stat.uz) [12] сайтининг яратилишини келтириш мумкин. Ушбу сайт орқали жинсларга бўлинган маълумотлар тезкор ва доимий эълон қилиниб, гендер тенгсизликларини аниқлаш ва самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишда ёрдам беради.



Гендер аудити ташкилотларда гендер тенглигини оширишнинг самарали воситаси сифатида исботланган. Бу аудитлар ёрдамида аниқланган муаммо ва камчиликларга асосланган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиши мумкин.

Келажакдаги чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- Гендер тенглиги мақсадларига эришиш учун стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

- Ташкилотларда доимий гендер аудитларини ўтказишни жорий этиш.
- Гендер тенглиги бўйича масъул шахслар ва бўлимларни ташкил этиш.
- Гендер тенглигини таъминлашда аудитнинг роли ва аҳамияти

Гендер аудити ташкилотларнинг гендер тенглигига эришишдаги саъй-ҳаракатларини баҳолаш ва кучайтиришда муҳим роль ўйнайди. У нафақат мавжуд вазиятни аниқлайди, балки келажак учун тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради. Бу орқали ташкилотлар ўз фаолиятларини такомиллаштириб, гендер тенглигини таъминлашга қўшимча ресурслар ажратишлари мумкин.

Хорижий давлатларда гендер аудити масаласини қисқача кўриб чиқсак: “Швеция ҳукумати гендер тенглигини давлат сиёсатининг муҳим унсури сифатида кўради ва мамлакатда гендер аудитлари мунтазам равишда ўтказилади. Гендер тенглиги бўйича қонунлар иш берувчиларни аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратишга мажбур қилади. Швецияда гендер тенглигини таъминлаш мақсадида олиб бориладиган гендер аудитларни Гендер тенглиги агентлиги (*Swedish Gender Equality Agency*) амалга оширади” [13].

Канадада гендер тенглиги федерал ва провинциялар даражасида кўриб чиқилади. Гендер аудитлари, айниқса, иш жойларида гендер тенгликни таъминлаш учун муҳим ҳисобланади. *Workplace Gender Equality Agency (WGEA)* гендер тенглиги бўйича йиллик ҳисоботларни талаб қилади [14]. Австралияда ҳам гендер аудитларини *Workplace Gender Equality Agency (WGEA)* томонидан бошқарилади [15]. Ушбу агентлик иш жойларида гендер тенглигини таъминлаш бўйича йиллик ҳисоботларни топширишни талаб қилади.

Жанубий Африка Республикасида гендер тенглигини ошириш мақсадида гендер аудитларини қонунчилик даражасида жорий этилган бўлиб, Гендер тенглиги комиссияси амалга оширади [16]. Бу аудитлар, айниқса, давлат ташкилотларида амалга оширилиб, гендер асосидаги камситишни камайтиришга қаратилган.

Филиппин ҳукумати гендер тенглигини таъминлашга қаратилган миллий кодекс (*Gender and Development (GAD)*) ни ишлаб чиққан [17]. Бу кодексда гендер аудитларини ўтказиш мажбурияти белгиланган, бу давлат ва хусусий секторларда гендер тенглиги сиёсатини амалга оширишни таъминлайди. Филиппин ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган гендер ва ривожланиш кодекси гендер тенглигини таъминлашга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, турли давлатлар гендер тенглигини таъминлаш мақсадида гендер аудитларини ўзларининг қонунчилик тизими ва амалиётга жорий этиб, уларни мунтазам равишда амалга ошироқда. Швеция, Канада, Австралия, Жанубий Африка Республикаси ва Филиппин каби мамлакатларда гендер тенглигини таъминлашда гендер аудитлари муҳим аҳамият касб этади, бу эса давлат ва хусусий секторларда тенг имкониятлар яратилишини таъминлашга хизмат қилади. Бу тажрибалардан кўриниб турибдики, гендер аудитлари гендер тенглиги сиёсати самарадорлигини оширишда ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2019 йил 2-сентябрдаги ЎРҚ-562-сон // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й.;

2. “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2019 йил 2 сентябрь, ЎРҚ-561-сон // -// Қонун ҳужжатлари

маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й.;

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси” // URL: <https://lex.uz/docs/-5466673>;

4. Conor, Bridget. Gender & creativity: progress on the precipice, special edition. Progress on the precipice. p.56. ISBN 978-92-3-100444-5 // <https://doi.org/10.58337/TTGU8976>  
<https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000375706>;

5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>;

6. Женщины и сфера труда в Узбекистане На пути к гендерному равенству и достойному труду для всех. 2-е издание, дополненное. МОТ, 2023 // [https://www.ilo.org/sites/default/files/wcmsp5/groups/public/@europe/@ro-geneva/@sro-moscow/documents/publication/wcms\\_907345.pdf](https://www.ilo.org/sites/default/files/wcmsp5/groups/public/@europe/@ro-geneva/@sro-moscow/documents/publication/wcms_907345.pdf);

7. Gender statistikasi // <https://gender.stat.uz/uz/>;

8. Dr.Nargis Qosimova. Silk road and beyond congress series (sircon 2022) belt and road: opportunities and challenges full text book // [https://api.scienceweb.uz/storage/publication\\_files/2287/11401/648af776a4ea5\\_\\_BIROL%20MERKAN.pdf](https://api.scienceweb.uz/storage/publication_files/2287/11401/648af776a4ea5__BIROL%20MERKAN.pdf);

9. Руководство по проведению гендерного аудита. Методология гендерного аудита МОТ, основанного на принципе активного участия. Женева, Международное бюро труда, 2007. – С.29;

10. Гендерга оид аудит ўтказиш бўйича амалий қўлланма // Ф.Хамдамова, Н.Гаибназарова, К.Алиева. – Тошкент: Akademnashr, – 2024. – В.192.;

11. Гаибназарова Н.Б. Гендерга оид аудит давлат органларининг гендер сиёсатини баҳолаш воситаси сифатида номли мақоласи // “Гендерга доир комплекс ёндашув гендер тенгликка эришишнинг самарали воситаси сифатида” мавзусидаги халқаро конференция материаллари тўплами (24 ноябрь, 2023 йил). – В.75;

12. Гендер статистикаси. Амалий қўлланма // Ф.Хамдамова, Х.Сайдивалиева, М.Рахимова, Д.Суфиева. – Тошкент: – 2023;

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти // <https://gender.stat.uz/uz/>;

14. The Swedish Gender Equality Agency is a government agency under the Ministry of Employment, created to contribute to effective implementation of the Swedish gender equality policy. // URL: <https://swedishgenderequalityagency.se/about-us/>;

15. Gender Equality in the Canadian Workplace. // URL: <https://ca.indeed.com/hire/c/info/gender-equality-in-the-canadian-workplace>;

16. Promoting and improving gender equality in the workplace. // URL: <https://www.wgea.gov.au/>;

17. Republic of South Africa Commission for Gender Equality. // URL: <https://cge.org.za/>;

18. Gender and Development Program (GAD). // URL: [https://www.ombudsman.gov.ph/UNDP4/wpcontent/uploads/2013/01/GenderDevCodes\\_Final.pdf](https://www.ombudsman.gov.ph/UNDP4/wpcontent/uploads/2013/01/GenderDevCodes_Final.pdf).

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна**

“Оила ва гендер” илмий тадқиқот институти бўлим бошлиғи,  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)  
E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

## ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАР АСОСИДА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): САЙДИВАЛИЕВА Х.Х.**  
Халқаро-ҳуқуқий стандартлар асосида меҳнат муносабатларида гендер тенгликни таъминлашнинг долзарб масалалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) В. 32-39.

 5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-4>

### АННОТАЦИЯ

Мақола халқаро ҳуқуқий норма ва талаблар асосида меҳнат муносабатлари соҳасида гендер тенглигини таъминлашнинг долзарб муаммоларига бағишланган. Гендер тенглигини таъминлаш борасидаги ва меҳнат соҳасида аёллар ва эркаклар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатлар, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенциялари ва БМТ ҳужжатлари кўриб чиқилади. Гендер тенглигига эришиш йўлидаги мавжуд тўсиқлар, масалан, иш жойидаги гендер дискриминацияси, гендер маошидаги тафовут, касбий ўсиш ва юксалиш учун тенгсиз имкониятлар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилади. Муаллиф халқаро стандартларни турли мамлакатларнинг миллий қонунчилигига жорий этиш жараёнларини ўрганади ва уларни қўллаш самарадорлиги борасида фикр мулоҳазаларни келтириб ўтади. Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўллари, меҳнат соҳасида гендер тенглигига риоя этилишини назорат қилишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш зарурати ҳам муҳокама қилинади.

**Калит сўзлар:** гендер тенглиги, меҳнат муносабатлари, халқаро ҳуқуқий нормалар, дискриминация, аёллар ҳуқуқлари, эркаклар ҳуқуқлари, халқаро меҳнат ташкилоти, меҳнат ҳуқуқлари, гендер тафовут, ҳуқуқий механизмлар.

**САЙДИВАЛИЕВА Хуршида**

Начальник отдела Научно-исследовательского института «Семья и гендер», доктор философии по юридическим наукам (PhD)  
E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

## ВАЖНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ НА ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ СТАНДАРТОВ

### АННОТАЦИЯ

Статья посвящена актуальным проблемам обеспечения гендерного равенства в

сфере трудовых отношений на основе международно-правовых норм и требований. В статье рассмотрены ключевые международные документы, направленные на обеспечение гендерного равенства и защиту прав женщин и мужчин в сфере труда, в том числе конвенции Международной организации труда (МОТ) и документы ООН. Особое внимание уделяется анализу существующих препятствий на пути к гендерному равенству, таких как гендерная дискриминация на рабочем месте, гендерный разрыв в оплате труда, а также неравные возможности карьерного роста и продвижения по службе. Автор изучает процессы внедрения международных стандартов в национальное законодательство разных стран и комментирует эффективность их применения; также обсуждаются пути совершенствования правоприменительной практики, необходимость разработки новых механизмов контроля за соблюдением гендерного равенства в сфере труда.

**Ключевые слова:** гендерное равенство, трудовые отношения, международно-правовые нормы, дискриминация, права женщин, права мужчин, международная организация труда, трудовые права, гендерный разрыв, правовые механизмы.

**SAYDIVALIYEVA Khurshida**

Head of department of the scientific research institute "Family and gender",  
Doctor of Philosophy (PhD) in Law  
E-mail: saydivalievahurshida@gmail.com

## **IMPORTANT ISSUES OF ENSURING GENDER EQUALITY IN LABOR RELATIONS ON THE BASIS OF INTERNATIONAL LEGAL STANDARDS**

### **ANNOTATION**

The article is devoted to current issues of ensuring gender equality in the sphere of labor relations based on international legal norms and requirements. The key international documents aimed at ensuring gender equality and protecting the rights of women and men in the sphere of labor are considered, including the conventions of the International Labor Organization (ILO) and UN documents. Particular attention is paid to the analysis of existing obstacles to gender equality, such as gender discrimination in the workplace, the gender pay gap, as well as unequal opportunities for career growth and promotion. The author studies the processes of implementing international standards in national legislation of different countries and comments on the effectiveness of their application. Also discussed are ways to improve law enforcement practice, the need to develop new mechanisms for monitoring compliance with gender equality in the sphere of labor.

**Keywords:** gender equality, labor relations, international legal norms, discrimination, women's rights, men's rights, international labor organization, labor rights, gender gap, legal mechanisms.

Меҳнат муносабатларида гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ҳужжатлар иш жойида тенг имкониятларни яратишда асосий роль ўйнайди. Халқаро меҳнат стандартлари меҳнат ҳуқуқлари, бандлик, ижтимоий хавфсизлик, ижтимоий сиёсат ва тегишли инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ турли масалаларни қамраб олувчи конвенция ёки тавсиялар шаклида бўлади [1].

Халқаро меҳнат кодекси деб номланган Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) стандартлари таркибига 402 та ҳужжат, шу жумладан 190 дан ортиқ Конвенция, 6 та протокол ва 206 та тавсиялар киради [2]. Ҳар бир Конвенция меҳнатни бошқариш, ижтимоий таъминот ёки инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи ҳуқуқий воситадир.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) конвенцияларининг кўпчилиги иш жойида камситишларни бартараф этиш ва гендер тенглигини тарғиб қилишга қаратилган.



Меҳнат ва гендер тенглиги борасидаги муносабатлар барча учун тенг имкониятларни таъминлаш заруратида намоён бўлади, бу эса ўз навбатида иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликка хизмат қилади. Халқаро нормалар ва стандартлар орқали иш берувчилар ҳар бир ишчи ўз қобилятини гендер тарафкашлик ва тўсиқларсиз рўёбга чиқариши учун шароит яратиш мажбуриятини олади.

Меҳнат муносабатларида гендер тенглигини таъминлашга қаратилган халқаро стандартларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин. Булар норматив характердаги халқаро ҳужжатлар ва дастурий мазмунда ишлаб чиқилган халқаро миқёсда қабул қилинган ҳужжатлар. Шу билан бирга алоҳида гендер тенглигини таъминлашга қаратилган универсал халқаро ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар жамиятни барча соҳасида, шу жумладан меҳнат муносабатларида ҳам гендер тенглигига таъминлашнинг умумий принципларини ўрнатадилар.

Шу аснода халқаро стандартларнинг вужудга келиши ҳам аввал аёл ҳуқуқларини ҳимоясига қаратилиб, кейинчалик инсон ҳуқуқлари принциплари билан уйғунлашган тарзда шаклланди. Аёллар ҳуқуқлари бир қатор халқаро анжуманлар ва конференцияларнинг марказида бўлиб келди. 1975 йил Халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилиниб, Мехико Бутунжаҳон конференцияга мезбонлик қилди, Бутунжаҳон ҳаракатлар режаси қабул қилинди. 1975-1985 йиллар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аёллар учун ўн йиллиги сифатида белгиланди. 1980 йилда Копенгагенда аёллар бўйича яна бир халқаро конференция бўлиб ўтди ҳамда “Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция имзоланиш учун йўл очди. 1982 йилда Аёллар бўйича учинчи Бутунжаҳон конференцияси Найробида бўлиб ўтди, унда Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш кўмитаси ўз ишини бошлаган. Ушбу учта жаҳон конференцияси фавқулодда фаолликка гувоҳ бўлди бутун дунё бўйлаб аёллар томонидан ва 1990 йилларда аёллар ҳуқуқларини ҳал қилиш бўйича жаҳон конференциялари, шу жумладан 1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган Аёллар бўйича тўртинчи Жаҳон конференцияси учун замин яратди. Бундан ташқари, алоҳида гуруҳларга мансуб аёлларнинг ҳуқуқлари, кекса аёллар, этник озчиликни ташкил қилган аёллар ёки ногиронлиги бўлган аёллар, шунингдек, Қариш бўйича халқаро ҳаракат режалари (Вена, 1982 ва Мадрид, 2002), Дурбан декларацияси ва Ҳаракат дастури каби бошқа халқаро сиёсий ҳужжатларда ҳам аёллар ҳуқуқлари кўриб чиқилган [3, Б.3-16].

БМТ Бош котиби Антонио Гутерреш 2019 йил 11-17 мартда бўлиб ўтган БМТ Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясида қайд этганидек, «Қаердаки сиёсат ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда [4] ». Бу ерда ҳам кўриш мумкинки, БМТ аёллар ҳуқуқларини таъминлаган ҳолда тенгликка эришиш мумкинлигини ҳамда бунинг бир неча йўналишларда амалга оширилишида деб билади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги БМТ конвенцияси аёлларнинг барча сайловларда овоз бериш, давлат сайловларини талаб қиладиган миллий қонунчиликда белгиланган барча институтларга сайланиш ҳуқуқини, аёлларнинг эркаклар билан тенг шароитларда, ҳеч қандай камситишларсиз давлат хизматида лавозимларни эгаллаш ҳуқуқини эълон қилди.

БМТнинг 1979 йилдаги “Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги (CEDAW) Конвенцияси иштирокчи-давлатларни аёлларнинг эркаклар билан тенг шароитларда ҳуқуқат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш ҳамда давлат лавозимларини эгаллаш ҳуқуқига эга бўлишини таъминлашга чорлайди. Конвенциянинг 11-моддаси [5] хотин-қизларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини кенгроқ тарзда ифодалайди:

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 21-сессиясида қабул қилинган) унда иштирок этувчи давлатларни эркаклар ва аёлларнинг барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишда



тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга мажбур қилди. Найробининг 2000 йилгача Аёлларни ривожлантириш бўйича истиқболли стратегияси 372 та бандда аёллар фаолиятининг тўлиқ спектрини қамраб олган. 1995 йилда Пекин Жаҳон конференциясида Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини қабул қилган 12 та асосий муаммоли йўналишлар, жумладан, ҳокимиятни тақсимлаш ва барча даражадаги қарорлар қабул қилишда эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгсизлик белгиланди. Ҳаракатлар платформасида кўплаб сиёсий партиялар ва давлат тузилмалари хотин-қизларнинг жамият ва сиёсий ҳаётдаги иштирокига тўсқинлик қилишда давом этаётгани қайд этилган. Айрим мамлакатларда қонун чиқарувчи органлардаги аёллар сони сезиларли даражада камайган.

Ҳаракатлар платформаси қуйидагиларни тавсия қилади:

- аёллар ва эркаклар тенг вакилликка эришиш, шу мақсадда барча давлат бошқарув лавозимларида, зарур ҳолларда, квота киритиш орқали аёллар сонини сезиларли даражада ошириш;

- сайлов тизимлари доирасида сиёсий партияларни аёлларни сайланадиган ва тайинланадиган давлат лавозимларига эркаклар билан бир хил нисбатда ва бир хил шароитларда жалб этишни рағбатлантириш чораларини кўриш;

- сайлов тизимларининг хотин-қизларнинг сайланадиган органлардаги сиёсий вакилликка дифференциал таъсирини ҳисобга олиш ва зарурат туғилганда ушбу тизимларни тузатиш ёки ислоҳ қилиш масалаларини кўриб чиқиш;

- аёллар ва эркакларнинг сиёсий иштирок этиш ва уюшмалар эркинлиги, шу жумладан сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларига аъзолик бўйича тенг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш механизминини яратиш.

Ушбу Платформада сиёсий партияларга гендер масалаларини ўз сиёсий дастурларига киритиш ва аёлларнинг сиёсий партиялар етакчилигида эркаклар билан тенг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриш тавсия этилади.

Кўриб турганингиздек, ушбу ҳужжатлар аёлларнинг ижтимоий мавқеини яхшилаш ва гендер тенглигини таъминлаш бўйича бир қатор жуда аниқ мажбуриятларни бажаришни талаб қилади. 30 мингдан ортиқ фаоллар иштирок этган конференция натижасида 189 давлат вакиллари бир овоздан Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформасини қабул қилди [6]. Ҳаракатлар платформаси қабул қилинганидан буён хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтиришда маълум ютуқларга эришилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари, БМТ-Аёллар ташкилоти ижрочи директори Пхумзиле Мламбо таъкидлаганидек: “1945 йилда БМТнинг ташкил этилиши жуда муҳим ва жасоратли қадам бўлди. Ўша пайтда ҳукумат ва давлатлар раҳбарлари орасида бирорта ҳам аёл йўқ эди. 1995 йилда Пекин декларацияси қабул қилинган вақтда ҳукуматлар ва мамлакатларни бошқарган аёллар сони 12 нафар эди [7].

Меҳнат ҳуқуқларига оид нормаларни белгилангунига қадар хотин-қизларнинг сиёсат ва сайлов жараёнларидаги иштирокига оид халқаро эътироф ва уни халқаро норма шаклида мустаҳкамланиши талаб қилинди. Масалан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да аёлларнинг сиёсий ва сайлов жараёнларида тенг иштирок этиши камситилмаслик ва сиёсий ҳуқуқлардан тенг фойдаланиш тамойиллари асосида белгилаб қўйилган бўлса, “Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция ва бошқа бир қатор Минтақавий конвенцияларда бундай ҳуқуқларнинг амалга оширилиши жинсга кўра камситилмасдан таъминланиши кераклиги белгилаб қўйилган.

Кўриб турганимиздек, аёл ҳуқуқлари кўпроқ инсон ҳуқуқларининг ажралмас элементи ҳисобланиб, кўп ҳолатларда эътибор марказига аёлларга қарши қаратилган ҳар қандай камситишни бартараф этиш бўлган. Гендер тенглиги эса бу инсоният эришишга интилаётган эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятлари мажмуидир. Шу жиҳатдан гендер тенглиги бу эришилиши лозим бўлган мақсад ҳисобланса, унга эришишда кўпроқ камситишга учраётган жинс вакиллари яъни аёллар ҳуқуқлари-

ни таъминлаган ҳолда эришиш восита бўлиб ҳисобланмоқда. Гендер тенглигини бир стратегия деб олиб қарайдиган бўлсак, аёллар ҳуқуқларини таъминлаш унинг асосий чораларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Гендер тенглигини таъминлаш борасида халқаро ҳужжатлар қуйидагилар бўлиб уларни жаҳоннинг 100 дан ортиқ мамлакатлари ратификация қилган:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1948 йил;
2. Инсон ҳуқуқлари ва фундаментал эркинликлар тўғрисида Европа Конвенцияси, 1950 йил;
3. Аёллар ва эркаклар учун тенг қийматли иш ҳамда тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги Конвенция, 1951 йил;
4. Қулликни бекор қилиш, қул савдоси ва қулликка ўхшаш институтлар ва одатлар тўғрисидаги қўшимча Конвенция, 1956 йил;
5. Никоҳга розилик бериш, никоҳ ёши ва никоҳларни қайд этиш тўғрисидаги Конвенция, 1962 йил;
6. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пакт, 1966 йил;
7. Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг давлат кафолатлари тўғрисидагинамунавий Қонун (МДҲга аъзо давлатлар парламентларо ассамблеясининг 18 ноябр 2005 йилдаги йигирма олтинчи ялпи мажлисда қабул қилинган).

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ижтимоий адолат ва халқаро миқёсда тан олинган инсон ва меҳнат ҳуқуқларини илгари суриш орқали бутун дунёда меҳнат шароитларини яхшилашда муҳим роль ўйнайди. 1919 йилда ташкил этилган мазкур ташкилот барча учун муносиб меҳнатга эришишга қаратилган меҳнат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида ҳукуматлар, иш берувчилар ва ишчиларни бирлаштиради. Унинг фаолияти кенг қўламли масалаларни қамраб олади, жумладан, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлаш, камситиш ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш. ХМТ янги иш ўринлари яратиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш орқали қашшоқликни камайтириш бўйича фаол иш олиб боради ҳамда меҳнатга оид низоларни ҳал қилиш ва самарали сиёсатни ишлаб чиқиш учун ижтимоий шериклар ўртасидаги мулоқотни рағбатлантиради. Ташкилот мунтазам равишда миллий меҳнат қонунлари ва сиёсатлари учун асос бўлган конвенциялар ва тавсияларни ишлаб чиқади ва қабул қилади.

ХМТ Конвенциялари ва тавсияларнинг аксарияти ҳам эркакларга, ҳам аёлларга тенг қўлланилади. ХМТ стандартлари ишлайдиган аёлларга таъсир қилувчи янги иқтисодий ва ҳуқуқий нормалар қуйидаги соҳаларни қамраб олади:

- иш ҳақининг тенглиги;
- бандлик ва касбда камситишни олдини олиш;
- оналикни ҳимоя қилиш;
- оилавий мажбуриятлари бўлган ишчилар;
- тунги ишлар, ер ости ишлари билан боғлиқ махсус чоралар;
- ярим кунлик иш ва бошқа соғлиқ билан боғлиқ муаммолар.

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг меҳнат муносабатларида гендер тенглигини таъминлаш борасидаги асосий конвенциялари:

- Тенг иш ҳақи тўғрисида (100-сон, 1951 йил);
- Дискриминация (меҳнат ва касб) тўғрисидаги (111-сон, 1958 йил);
- Ишлаётган аёллар ва эркаклар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар (156-сон, 1981 йил);
- Бандликка қўмаклашиш ва ишсизликдан ҳимояланиш тўғрисидаги (168-сон, 1988 йил);
- Тўлиқсиз иш куни тўғрисида (175-сон 1994 йил);
- Касаначилик тўғрисида (177-сон 1996 йил);
- Тазйиқ ва зўравонлик тўғрисида (190-сон 2019 йил);

Шу билан бирга ХМТнинг конвенцияларини қабул қилишини эволюцион таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, 1950 йилларнинг бошларида меҳнатда эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгликни таъминлашга ҳамда тенглик оилавий масъулиятни тенг тақсимлашни назарда тутадиганини тан олишга эътибор қаратилганлигини кўришимиз мумкин. 1951 йилдаги 100-сонли конвенция ва 90-сонли Тавсия жинсидан қатъи назар, тенг қийматдаги иш учун тенг ҳақ тўлаш тамойилларини белгилаб берди. 1958 йилда 111-сонли Конвенция ва 111-сонли Тавсия қабул қилинган, касбий таълим олиш, ишга жойлашиш ва меҳнат шароитларида турли сабабларга кўра, жумладан, жинсга боғлиқ камситишларга йўл қўймаслик принципини ўрнатишга қаратилган.

Аёлларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини тартибга солишга қаратилган конвенцияларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси таҳлил этилганда улар ўртасида айрим тафовутлар борлиги аниқланди. Масалан, Ўзбекистон қонунчилигининг аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш билан боғлиқ кафолатлари Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияда назарда тутилганидан кўпроқ имтиёزلарни назарда тутди. Жумладан, 103-конвенциянинг 3-моддаси 2-қисмида ҳомиладорлик ва туғиш таътили камида 12 ҳафта этиб белгиланган. Миллий меҳнат қонунчилигимизда эса бу давр 18 ҳафтага тенг. Шунингдек, конвенциянинг 5-моддасида назарда тутилган болани овқатлантириш билан боғлиқ танаффус болани эмизадиган оналаргагина тааллуқли бўлса, бизда мазкур танаффус болани эмизадиган ёки овқатлантирадиган барча оналарга татбиқ этилади [8].

М.Исаев 103-конвенция ҳақида фикр юритиб, Ўзбекистондаги бир қатор жамоа шартномалари ва келишувларида ҳомиладор ва вояга етмаган боласи бор аёлларга қўшимча кафолатлар назарда тутилганини қайд этади [9, Б. 26].

“Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги халқаро конвенция ва Халқаро меҳнат ташкилотининг “Уй хизматчилари учун муносиб меҳнат тўғрисидаги 189-сонли Конвенция”си ўрганилиб, ушбу конвенцияларни ратификация қилишнинг мақбуллиги тўғрисида Миллий ҳаракатлар режаси 10-бандининг (1) бажарилишига оид қўйидаги таклифлар келтирилади:

Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция иштирокчи давлатлар фуқароларининг ишчи мигрант сифатида ўз оила аъзолари билан чет элга меҳнат қилиш вақтида уларнинг ишчи мигрант сифатидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан бир қаторда, уларнинг оила аъзоларининг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқларининг таъминланиши, шунингдек, жинсий жавобгарлик ҳолатлари юзага келган чоғдаги ҳуқуқларини белгилаб берган. Конвенциянинг 7-моддаси талабига кўра, иштирокчи давлатларга халқаро ҳужжатларга мувофиқ ишчи мигрантлар ва уларнинг оилаларини ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳурмат қилиш мажбурияти юкланган. Ўзбекистон фуқаролари бугунги кунда Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар жумладан Туркия, Корея, БАА каби давлатларга меҳнат қилиш учун кетмоқдалар. Мазкур миграция жараёнлари оилавий муносабатларга ўзининг таъсирини ўтказиб келмоқда. Хусусан, меҳнат қилишга кетган ишчи мигрантлар амалиётда ёлғиз оиласиз кетишга мажбур бўладилар. Бунинг асосий сабаби уларнинг оила аъзолари учун мезбон давлатда ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларининг таъминлаш кафолатларининг яратилмаганлиги, уй-жой ижарасининг қимматлиги, болаларнинг таълим тарбия олиши, тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари ва мазкур ҳуқуқларга эга бўлиш имкониятини туғдирувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг чекланганлиги ёки ҳаражатли эканлиги, ишчи мигрантларнинг меҳнат ҳуқуқларини тўла равишда муҳофаза қилилмаганлиги, суғурта имкониятларининг чекланганлиги каби қатор сабаблар мавжуд. Бундан ташқари, маданият ва менталитет, урф одат шунингдек диний эътиқодларнинг турли туманлилиги ҳам ишчи мигрантни оила аъзоси билан кетишдан кўра, ишчилар гуруҳи билан бирга кетишни афзаллигини юзага келтиради. Натижада бугунги кунга келиб Республика ҳудудларидан эркакларнинг гуруҳ бўлиб ишлашга кетганликлари кузатилади, оила иқтисодиётига фойда келтириши билан бирга, уларнинг ёлғиз аёллари болалар тарбияси ва уй юмушлари билан банд

эканликлари, эр ва ота ролини чекланиши каби салбий ижтимоий оқибатлар (ажрим, хиёнат, таъминотсиз ташлаб қўйиш)ни ҳам юзага келтирмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда “Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция”ни ратификация қилиниши ишчи меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларининг таъминлаш имкониятларини юзага келтиради. Жумладан Конвенциянинг 3-қисмида ишчи мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлари баён қилинади. 29-30-моддаларида бола ҳуқуқлари жумладан, шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва таълим олиш имкониятлари кафолатланган.

Барча меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро Конвенция иштирокчи давлатларга баъзи талаб ва мажбуриятларни юклайди, улар орасида ўз фуқароларини мезбон давлат ҳудудида ҳуқуқларини таъминлаш ва муҳофаза қилиш имкониятлари ҳамда ишчи мигрантлар, уларнинг оила аъзоларининг зарурий ахборот билан таъминланиши, мезбон давлатлар ўз фуқаролари билан ишчи мигрантлар ва улар оила аъзоларининг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишини таъминлашлари, давлатдан чиқариб юбориш тартиб қоидаларига амал қилиниши ва оқибатларини инobatга олиниши ва х.к. шунингдек Конвенцияга аъзо давлатларнинг ҳисобдорлик мажбуриятини ҳам юклайди. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конвенция иштирокчиси сифатида қатнашишга имкониятлари етарли.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Уй хизматчилари учун муносиб меҳнат тўғрисида”-ги 189-сонли Конвенциясини ратификация қилиш норасмий аёллар бандлиги, яширин иқтисодиётни олдини олишга ва бартараф этишга маълум даражада кўмаклашади. Бугунги кунда аёлларнинг қўшни республикалар ва узоқ хорижий мамлакатларга уй ишчиси сифатида кетаётганликлари, лекин мазкур уй хизмати иш сифатида ҳеч қандай тарзда муҳофаза этилмаётганлиги, аёлларнинг меҳнат шароитлари, иш вақти, иш ҳақларига оид ҳуқуқларни талаб қила олмаслик, айрим ҳолларда зўрлик ва тажовузларга учраши, ҳуқуқларни тиклаш имкониятининг мавжуд эмаслик ҳолатлари учрамоқда. Бу муаммолар замирида нолегал миграциянинг кенг тус олаётганлиги, мезбон давлат ҳудудига киришда “туризм” важи билан кетиб, иш берувчи билан ўзаро оғзаки тарзда келишиб ишлаш каби сабаблар ҳам мавжуд. Шунинг учун Конвенциянинг қабул қилиниши нафақат ушбу конвенция иштирокчиси сифатида ўз фуқароларимизни ҳуқуқларини таъминлаш балки, ички қонунчилик нормаларини ҳам мазкур конвенциялар доирасида такомиллаштиришга эришилади.

Ўзбекистон 2024 йил 19 июнда Халқаро меҳнат ташкилотининг 1981 йил 23 июнь “Ишлаётган аёллар ва эркаклар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ишчилар тўғрисида”ги 156-сонли Конвенциясини ратификация қилди. Конвенциянинг 7-моддасига кўра, миллий шароит ва имкониятларга мос келадиган барча чора-тадбирлар, шу жумладан касбга йўналтириш ва ўқитиш чоралари оилавий мажбуриятлари бўлган ишчиларга ушбу мажбуриятлар туфайли ишдан бўшатиладиган кейин ишлашга киришиш, ишлашни давом эттириш ёки қайта тиклаш имконини бериш учун кўрилади. Конвенция 8-моддасида оилавий мажбуриятларнинг ўзи меҳнат муносабатларини тугатиш учун асос бўла олмайди деб белгиланган. [10]

Уй меҳнатида тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тўғрисидаги қоида гендер тенглиги ва ижтимоий адолатга эришишнинг асосий жиҳати ҳисобланади. У тарихан аёллар томонидан бажариб келинган уй вазифаларини тақсимлашдаги номутаносибликни бартараф этишга қаратилган. Ушбу норманинг аҳамиятини тан олиш бир нечта муҳим элементларни ўз ичига олади.

*Биринчидан*, эркаклар ва аёллар ўртасида уй вазифаларини тенг тақсимлаш янада уйғун оилавий муносабатларни яратишга ёрдам беради ва барча оила аъзоларининг ҳаёт сифатини яхшилайдди. Иккала шерик ҳам уй хўжалигини юритишда фаол иштирок этса, бу нафақат уларнинг ҳар бирига юкни камайтиради, балки уларга бир-бирининг ҳиссасини яхшироқ тушуниш ва қадрлаш имконини беради.



*Иккинчидан, уй меҳнати қимматли ва мазмунли меҳнат деб эътироф этиш, бундай ишларни бажариш вақт, куч ва маҳорат талаб этиши, улар оила ва бутун жамият фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Уй меҳнати ҳақ тўланадиган иш билан тенг равишда қадрланиши муҳимдир.*

Хулоса қилиб айтиб ўтадиган бўлсак, гендер бўйича халқаро меҳнат стандартлари иш жойида тенглик ва адолатни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Улар камситишни бартараф этиш, тенг иш учун тенг ҳақ тўлашни тарғиб қилиш ва жинсидан қатъи назар, барча ишчилар учун хавфсиз ва қўллаб-қувватловчи меҳнат шароитларини таъминлашга қаратилган. Ушбу стандартларга риоя қилиш янада инклюзив ва самарали меҳнат муҳитини яратишга ёрдам беради ва бу ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу стандартларни самарали амалга ошириш учун нафақат қонунчилик базаси, балки иш берувчилар, ходимлар ва давлат органларининг фаол иштироки ҳам талаб этилади.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. International Labour Standards // URL: <https://www.ilo.org/international-labour-standards>;
2. Recommendations // URL: <https://www.ilo.org/resource/international-labour-standards-glossar/Recommendations>;
3. Каширкина А. А., Морозов А. Н. Права женщин в современном обществе: результат генезиса или объективная необходимость? // Женщина в российском обществе 2020. № 1. С. 3—16 // URL: <https://womaninrussiansociety.ru/article/kashirkina-a-a-morozov-a-n-prava-zhenshin-v-sovremennom-obshhestve-rezultat-genezisa-ili-obektivnaya-neobxodimost-str-3-16/>;
4. В Международный женский день в ООН призывают активнее бороться с гендерной дискриминацией // URL: <https://news.un.org/ru/story/2019/03/1350491>;
5. Хотин-қизларни камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида 18.08.1995 // URL: <https://lex.uz/docs/2685528>;
6. Пекинская декларация // URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/declarations/womdecl.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/womdecl.shtml);
7. Gender equality: Women's rights in review 25 years after Beijing // URL: <https://www.unwomen.org/sites/default/files/Headquarters/Attachments/Sections/Stories/2020/Womens-rights-in-review-RU.pdf>;
8. Ayollar mehnati: xalqaro va milliy qonunchilik // URL: <https://huquqburch.uz/ayollar-mehnati-xalqaro-va-milliy-qonunchilik/>;
9. Исаев М. Оналикни муҳофаза қилиш ҳақидаги Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияси ва миллий қонунчилик. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. –№11 (131), 2017. –26-б.;
10. Ишлаётган аёллар ва эркаклар учун тенг муносабатлар ва тенг имкониятлар: оилавий мажбуриятларга эга ишчилар тўғрисидаги Конвенция // URL: <https://www.lex.uz/docs/7100069>.



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## СУД ҲОКИМИЯТИ. ПРОКУРОР НАЗОРАТИ. ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ҲАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ТАЖИБОЕВ Маъруфжон Маматожиевич  
Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

### СУДЬЯНИНГ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ МУСТАҚИЛЛИГИ: ЮТУҚЛАР ВА ТАКЛИФЛАР

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ТАЖИБОЕВ М.М.  
Судьянинг қарор қабул қилишдаги мустақиллиги: ютуқлар ва таклифлар // Юрист  
ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) Б. 40-45.

 5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-5>

#### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясидаги суд ва судьялар мақоми, айрим хорижий давлат судьясининг қўрган иши ҳақида, суд мустақиллиги билан судьяларнинг қарор қабул қилишдаги мустақиллигини таъминловчи қонун нормалари, суд қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатли қабул қилишлиги “Адолат қўрғони”ги бўлган ишончни кучайтирилишининг муҳим аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** Конституция, суд ва судья мустақиллиги; суд қарорлари, суд қарорларини қонунларга мувофиқлиги, ўғрилиқ ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий ва жинойий жазолар.

**TAJIBOEV Marufjan**

Doctor of Philosophy (PhD) in Law, Associate professor

### JUDICIAL INDEPENDENCE IN DECISION MAKING: ACHIEVEMENTS AND PROPOSALS

#### ANNOTATION

In this article, the status of courts and judges in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the work done by judges of some foreign countries, the legal norms that ensure the independence of judges and the independence of judges in decision-making, the importance of strengthening trust in the «Fortress of Justice» in the legality, validity and fairness of court decisions. is talked about.

**Keywords:** Constitution, Court and judicial independence; Court decisions, legality of court decisions, administrative and criminal penalties for the offense of theft.

## НЕЗАВИСИМОСТЬ СУДЕБНЫХ ОРГАНОВ ПРИ ПРИНЯТИИ РЕШЕНИЙ: ДОСТИЖЕНИЯ И ПРЕДЛОЖЕНИЯ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются статус судов и судей согласно Конституции Республики Узбекистан, практика судей некоторых зарубежных стран, правовые нормы, обеспечивающие независимость судей и независимость судей в принятии решений, важность укрепления доверия к «Крепости правосудия» в законности, обоснованности и справедливости судебных решений.

**Ключевые слова:** Конституция, суд и независимость судебной власти; судебные решения, законность судебных решений, административная и уголовная ответственность за кражу.

Хорижий давлатлардан бирида бўлган суд мажлисида судья ёш йигитчанинг нон ўғирлаганлиги учун унга нисбатан юритилган ишени кўриб, иш юзасидан қабул қилинган қарор ва уни ижросини таъминланиши эътиборимизни тортиши табиий.

Суд жараёнида кўриб чиқилган воқеа шундан иборатки, бир бола новойхонадан нон ўғирлаганлиги учун, нонвойнинг талаби билан полиция томонидан унга иш қўзғатилиб, болага нисбатан тегишли жазони қўллаш мақсадида ишени кўриб чиқиш учун суд иш юритувига қабул қилинган.

Судья, ишени кўриш жараёнида, боладан нега ўғирлик қилдинг?, деган саволига, бола, оч қолган эдим, нон сотиб олишга пулим йўқ эди, энди бундай ҳаракатни қилмайман, - деб жавоб беради.

Судья процесс иштирокчилари нонвой ва полициячини фикрларини эшитгандан сўнг, қарорини эълон қилади.

Судьянинг қарор уч қисмдан иборат бўлиб,

**биринчидан:** бола айбли деб топилиб, унга жарима белгиланади ва жаримани тўлаши билан озод қилинишини таъкидлайди;

**иккинчидан:** шундай жамиятда яшаб келаётган болаларни оч қолдириб, ўғирликка мажбур қилганлиги учун, жамият ва унинг аъзолари ҳам айбдор деб белгиланади;

**учинчидан:** болага солинган жаримада, жамият аъзолари вакиллари – ўзи(судья) ва суд залида иштирок этаётган шахсларнинг ҳам айблари борлиги сабабли солинган жаримани қоплашда уларнинг ҳам хиссалари борлиги кўрсатиб ўтилади.

Судья суд мажлисини ёпиқ деб эълон қилади ва жамият аъзоси сифатида биринчи бўлиб, болага солинган жаримани бир қисмини ўз хисобидан стол устига қўяди, буни кўрган суд мажлисида иштирок этган фуқаровий даъвогар бўлган нонвой ҳам ўз ёнидан жаримани бир қисмини беради. Шунингдек, суд жараёнида иштирок этган қолган шахслар ҳам бирма-бир келиб жаримани қоплашга ўз хиссаларини қўшишади.

Судья йиғилган пулни хисоблаб кўриб, солинган жаримага етадиган қисмини суд ижросисига, қолган қисмини эса жаримага тортилган болани қўлига тутқазади ва “Сеннинг шундай юришинга жамият аъзоси бўлган барчамиз айбдормиз, шунинг учун жаримани тўладик, қолган қисми эса, сенга аванс сифатида ва тўғри йўлга киришинг учун бераман, ўзинга лойиқ иш топ ёки болалар муассасаларига бориб жойлашгин, келгусида бундай хатоликларга йўл қўймагин”, деб, уни суд залидан озодликка қўйиб юборди.

Суд залида қарсақлар янграйди.

Суд жараёнини ўтказган ва шундай қарор қабул қилган судья, ўзи фаолият кўрсатаётган мамлакатнинг қонунларига тўлиқ мос равишда ҳаракат қилганлиги,

кейинчалик мазкур қарорга нисбатан келтирилган шикоят асосида юқори инстанция суди судьялар унинг келган хулосаси билан келишиш масалалар бизга маълум эмас.

Бироқ, масалани иккинчи томонига эътибор берилса, айнан шу суд процессида раислик қилган судья суд мажлисини ўтказишда ва кўрилатган низо юзасидан қарор қабул қилишда ўзининг ҳақиқий мустақиллигини намоён қилиш билан бир вақтда, судья (ишни жиноят ёки маъмурий суд кўрганлиги муҳим эмас) ишни кўриб чиқиш натижасида одил судлов учун муҳим аҳамият касб этувчи қуйидаги омилларни намоён этган:

- судьянинг ҳақиқий мустақиллиги;
- ҳуқуқбузарлик учун жазонинг муқаррарлиги;
- қонун устуворлиги;
- судьянинг адолатлилиги;
- судьянинг ишни кўриб чиқиш жараёнини жуда таъсирли ва тарбиявий ташкил этиши, яқуни хулосага келишди ҳуқуқбузарликни содир этилишига сабабчи бўлган омилларни эътиборга олганлиги;
- судьянинг барча олиб борган ҳаракатлари суд ҳокимиятини фақат жазоловчи ҳокимият эмаслиги, амалда уни “Адолат кўрғони” эканлигини намоён қилишга қаратилганлиги ва суд ҳокимиятига нисбатан жамият аъзоларнинг ишончини орттиришга хизмат қилганлиги билан аҳмиятлидир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам суд – ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш ҳақида гапирар экан, “Асосий мақсадимиз, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимида бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат кўрғони”га айлантиришдан иборатдир” эканлигини бежиз таъкидламаган. Адолат кўрғони қачон пайдо бўлади? Қачонки, суд органлари, судьялар қонунга, одиллик тамойилларига қатъий амал қилиб, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этса, бунга эришиш мумкин [1].

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатда суд ҳокимиятининг чинакам мустақил бўлиши, унинг фақат амалдаги қонунларга бўйсунган ҳолда ишларни кўриб чиқиши одил судловнинг ютуғи бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга мамлакатга чет эл инвестициясини бемалол киришига, ҳар бир фуқаронинг қонун устуворлигига ишонч ҳосил қилган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиб, мулкдор бўлишига, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қонунлар ҳимоясида эканлигига ишонч ҳосил қилишида ҳам намоён бўлади.

Албатта, бизнинг қонунчилигимизга хорижлик судьянинг процессуал ҳаракатлари ва қабул қилган қарори ғайри табиий туйилиши мумкин. Чунки, судья бундай қарор қабул қилиши натижасида:

биринчидан, суд мажлиси иштирокчилари жамият иштирокчилари сифатида болага солинган жаримада уларнинг ҳам улушлари мавжуд эканлигини хис қилиш ўрнига, судьяга нисбатан ўзларининг эътирозларини билдирган бўлар эди;

иккинчидан, агар мазкур қарорга нисбатан шикоят келтирилган тақдирда юқори инстанция судида кўрилса, ишни кўриб яқунлаган қуйи инстанция судьясининг ички кечирмаларини хис қилган бўлармиди ва унинг бундай хулосага келганлигини, “қонуний ва адолатли” қарор деб, кучда қолдирган бўлармиди, билмаймиз, бу масала юзасида аниқ тўхтамга келиш мушкул, албатта.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (кейинги ўринларда МЖТК деб юритилади) “Ҳақорат қилиш” деб номланган 41-моддасида белгиланган, ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситганлик учун, ҳуқуқбузарга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган [2].

Бизнинг фикримизча, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган

судья ички ишлар нозирини “А” исмли фуқарога нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорида маъмурий жазо чора сифатида жарима солиш юзасидан тузган маъмурий баённомасини кўриб чиқиб, агар ўзгаришсиз қолдирса, яъни маъмурий баённомада сўралган МЖтКда белгиланган ўттиз баравари миқдорида жарима ундириш ҳақида қарор қабул қилса, ҳуқуқбузарликни аниқлаш соҳасида фақат ички ишлар нозирининг билим ва тафаури даражасидаги билимга эга бўлган судья иш ҳолатини холис ўрганмасдан, фақат тақдим этилган ҳужжатлар ва асослар билан (айрим ҳолларда тарафларнинг иштироки ва тушунтиришларини шахсан олмасдан) кифояланган ҳолда тўхтамга келган ҳисобланади.

Аксинча, судья фуқарога нисбатан МЖтКда белгиланган жарима жазосини эмас, балки фақат маъмурий иш материалларидаги мавжуд ҳужжатларини таҳлил этиш билан чегараланмасдан, қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларидан фойдаланган ҳолда, фуқаро “А” нинг тушунтиришини эшитиб, зарурат бўлса, қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиб, ҳуқуқбузарликка тортилаётган фуқаронинг ёшини, уни муқаддам жавобгарликка тортилмаганлигини, ўзи содир қилган ҳуқуқбузарлигидан, яъни бошқа шахсни шаънини камситганидан чин дилдан пушаймон эканлиги, ундан узр сўраганлиги каби бир қатор энгиллаштрувчи ҳолатларни эътиборга олиб, фуқаро “А”га нисбатан жарима жазоси эмас, фақат огоҳлантириш билан кифояланиш ҳақидаги қарорни қабул қилса, демак, судья ўзининг қонунларни яхши билишлиги билан бир қаторда, ўзининг адолатли судьялигини намоён этган бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган хорижий давлат судида кўриб чиқилган иш бўйича яқуни қарорга эътиборни қаратадиган бўлсак, ўша мамлакатнинг қонунчилигида майда ўғирлик учун энгил жазо бериш нормаси мавжуд бўлиб, мамлакатимиз Жиноят кодексининг [3] 169-моддасида “Ўғрилиқ”, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш нормаси мавжуд бўлиб, модда тўрт қисмдан иборат бўлиб, энг энгил жазо тури базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш белгиланган. Ўғирлик содир этганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарлик МЖтКда [2] нормаларида белгиланмаган бўлиб, арзимаган, хусусан, битта нон ўғирлаганлиги учун ЖК нормаси билан жавобгарликка тортилиши лозим бўлиб қолган.

Адолатлилик, инсонпарварлик масалалари мамлакатимизнинг барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топганлигини кўриш мумкин, хусусан МЖтКда унинг ҳуқуқбузарлиги юзасидан белгиланган жазога қараганда энгилроқ жазо турини қўллаш ёки энгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий жазодан озод қилиш юзасидан белгиланган нормалар мавжуддир.

Қолаверса, МЖтКда белгиланган ҳуқуқбузарлик учун қўлланилиши белгиланган жазолар, нафақат ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни маъмурий жазога тортишга қаратилмаган бўлиб, бирвақтнинг ўзида бундай ҳуқуқбузарликларнинг бошқаша шахсларни содир этишларни олдини олиш юзасидан фуқароларни ҳуқуқий маданиятларини оширишга ҳам қаратилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 4-моддаси иккинчи қисмида, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган [4].

Шунингдек, МЖтКнинг 2-моддасида ҳам, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш, 22-моддасида эса, маъмурий жавобгарлик маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши кўрсатилган.

Фақат, судьяларимиз амалиётида, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб баҳолашлари лозимдир (12-модда);

шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин зарурий муҳофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки муҳофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий муҳофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмаслиги (18-модда) белгиланган.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, МЖТКни “Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” ҳақидаги VII бобига янги ўғрилиқ (киссавурлик) деб номланган 61<sup>1</sup>-моддани киритиш таклиф этилади.

Хусусан:

*“61<sup>1</sup>-модда. Ўғрилиқ (киссавурлик).*

*Жабрланувчига тегишли бўлган моддий ёки қўл юкидаги ашёни ўғирлаш (киссавурлик)*

- базавий ҳисоблаш миқдорининг базавий ҳисоблаш миқдорининг элликдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

*Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса —*

- базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

Хорижий судья билан бир қаторда амалиётда учраётган мисолимизда жарима жазосини огоҳлантиришга ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилган судьянинг суд ҳокимиятини ҳақиқий “адолат кўрғони”нига айлантиришда ва фуқароларнинг суд ҳокимиятига нисбатан ишончини оширишга қўшган хиссаси нақадар салмоқли эканлигини англаш қийин эмас, албатта.

Айниқса, судья ишни кўриш жараёнида: айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши; етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши; ҳуқуқбузарликни кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши; ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс ёки ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилганлигини ҳуқуқбузарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топилди [2].

Яна бир мулоҳаза, айнан юқорида қайд этилгандек ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича судьяларни қонунларимизда тоб маънода мустақиллиги таъминланганлиги сабабли, улар қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилишга эришлари лозим.

Россия Федерациясининг “Россия Федерацияси суд тизими тўғрисида”ги [5] Конституциявий қонунининг 1-моддаси 1-бандида суд ҳокимиятини Россия Федерациясида судлар томонидан фақат судьялар орқали ва суд маслаҳатчилари орқали амалга ошири-



лиши, қонуннинг 5-моддаси 1-бандида, судлар суд ҳокимиятини мустақил, бирон-бир ташқи аралашувларсиз, фақат Россия Конституция ва қонунларига асосланган ҳолда, амалга оширишлари, мазкур модданинг 2-бандида, одил судловни амалга оширишда иштирок этаётган судья, суд маслаҳатчилари мустақилдирлар ва Россия Конституцияси ва қонунларга бўйсундилар, деб суд ва судьянинг мустақиллигига алоҳида – алоҳида таъриф берилган.

Мамлакатимизда суд ва судьянинг мустақиллиги ҳақида гап кетганда, албатта суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва судьянинг мустақиллиги бир - бири билан чамбарчас боғланган бўлса-да, бироқ суд ва судья мустақиллигини таъминлаш бўйича алоҳида-алоҳида нормалар мавжуд.

Суд мустақиллиги – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси [6] 130-моддасида, Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади, бошқа бирон - бир идора судьяларга юклатилган вазифаларни ва масъулятни, қолаверса берилган юсак ваколатларидан фойдаланиши мумкин эмас.

Судьянинг мустақиллиги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунида ҳам кафолатланган бўлиб, унга кўра, судьялар мустақилдир, фақат қонунга бўйсунилари, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади, судьяларнинг мустақиллиги қарорларни чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши ва судьяга давлат ҳисобидан унинг юсак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериши орқали таъминланади.

Мухтасар қилиб айтганда, Суд, том маънода халқнинг суянчиғига айланмоғи даркор. Судьялар Янги Ўзбекистон Республикасини Конституцияси ва қонунларини устуворлиги ва тўғри қўлланилишини таъминлашлари, адолатни қарор топтириш йўлида виждонан меҳнат қилишлари, “ҳамма учун **қонун олдида тенглик ва ижтимоий адолатни сўзсиз таъминлаш**”, **қонун нормалари** жазо турини белгилашгина эмас, балки фуқароларни Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилганлигини биринчи галдаги вазифа ва масъулиятлари деб қабул қилишлари талаб этилади.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // <https://uza.uz/uz/posts/bilimli-avlod-buyuk-kelazhakning-tadbirkor-khal-farovon-ayet-08-12-2018>;
2. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664>;
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453>;
4. Ўзбекистон Республикасининг 28.07.2021 йилдаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/5534923>;
5. Федеральный конституционный закон от 31.12.1996 N 1-ФКЗ (ред. от 16.04.2022) «О судебной системе Российской Федерации» (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.01.2023) // [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_12834/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_12834/);
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ТОШТЕМИРОВ Баҳром Байитович

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги  
Мажбурий ижро бюроси бўлим бош инспектори

## ЖИНОЯТГА ОИД МАЪЛУМОТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ТОШТЕМИРОВ Б.Б. Жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиш устидан прокурор назоратини амалга оширишнинг муҳим вазифалари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) В. 46-51.

 5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-6>

### АННОТАЦИЯ

Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳал этиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг асосини ташкил қилади. Ушбу мақолада ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотларини юритишга бевосита масъул бўлган ички ишлар органларида жиноятга оид аризалар, хабарлар, бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал қилишдаги айрим қонунбузилишлар, уларнинг оқибатлари ҳамда бу соҳада прокурор назоратини амалга оширишнинг муҳим вазифалари хусусида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** прокурор, ички ишлар органлари, ваколатли органлар, қонунчилик ижроси устидан назорат, жиноятчилик, ҳуқуқий статистика, тезкор маълумот, жиний гуруҳ, криминоген вазият, жиноятни ҳисобдан яшириш, жиний жавобгарлик.

**TOSHTEMIROV Bakhrom**

Chief Inspector of the Department at the Bureau of Compulsory Enforcement

## IMPORTANT TASKS OF EXERCISING PROSECUTORIAL OVERSIGHT OVER THE REVIEW OF INFORMATION RELATED TO CRIMES

### ANNOTATION

The receipt, registration, and resolution of statements, reports, and other information on planned or committed crimes form the basis of law enforcement activities. This article examines specific legal violations committed by internal affairs bodies responsible for maintaining legal statistics and operational records in receiving, registering, and resolving statements, reports, and other crime-related information, their consequences, as well as the critical tasks of prosecutorial oversight in this area.

**Keywords:** prosecutor, internal affairs bodies, authorized bodies, oversight of law enforcement, crime, legal statistics, operational data, criminal group, criminogenic situation, concealment of crime, criminal liability.

## **ВАЖНЫЕ ЗАДАЧИ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА НАД РАССМОТРЕНИЕМ ИНФОРМАЦИИ, СВЯЗАННОЙ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ**

### **АННОТАЦИЯ**

Прием, регистрация и разрешение заявлений, сообщений и другой информации о готовящихся или совершенных преступлениях являются основным направлением деятельности правоохранительных органов. В данной статье рассматриваются отдельные нарушения закона, допущенные органами внутренних дел, ответственными за ведение правовой статистики и оперативно-учетных данных при приеме, регистрации и разрешении заявлений, сообщений и другой информации о преступлениях, их последствия, а также важные задачи прокурорского надзора в этой области.

**Ключевые слова:** прокурор, органы внутренних дел, уполномоченные органы, надзор за исполнением законодательства, преступность, правовая статистика, оперативные данные, преступная группа, криминогенная ситуация, сокрытие преступления, уголовная ответственность.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жиноятчилик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш борасида ваколатли органлар ва мутасадди идоралар олдига аниқ вазифалар қўйиб, “Ўзини “кўча” деб атайдиган жинойи гуруҳлар бўладими, коррупцияга берилган мансабдор шахслар бўладими, ким қонунга беписанд қараб, давлат ва жамиятга зарар етказадиган бўлса, биз бунга ҳеч қачон жим қараб туролмаймиз. Кўчаларимиз, маҳаллаларимиз, ҳаётимиз том маънода тинч ва тоза, жиноятдан холи бўлиши керак. Янги Ўзбекистонда қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар бўлиши шарт. Ва, албатта, шундай бўлади” – дея таъкидлаган эди [1].

Дарҳақиқат, мамлакатимизда стратегик тараққиёт дастурлари доирасида ҳуқуқбузарлик, қонунбузилиши ҳолатлари, жиноятчиликни барвақт аниқлашга қаратилган ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда, ҳуқуқ-тартибот тизимини халқ манфаатларига хизмат қилувчи профессионал тузилмага айлантириш чоралари кўриб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021 йилдаги “Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони асосида ташкил қилинган Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларига жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар статистикасини юритиш, жиноятчилик ҳолатини, шу жумладан ҳудудлар ва ҳуқуқбузарликлар турлари кесимида статистик таҳлилни амалга ошириш асосий вазифалардан бири сифатида мустаҳкамланди [2].

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш вазифа сифатида қўйилган. Жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилмоғи лозимлиги қайд қилинган [3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида терговга қадар текширувнинг мақсади, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар аниқлаштирилган, уларнинг ваколатлари ва мажбуриятлари, прокурорнинг ёзма кўрсатмаси улар учун мажбурийлиги белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинадиган қарорлар санаб ўтилган [4].

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонунчиликда белгиланган процессуал тартибига риоя қилиниши ҳолати прокурор назорати предмети ҳисобланиши ва бу соҳада прокурорнинг ваколатлари кўрсатилган [5].

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 22.02.2016 йилдаги “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 129-сон буйруғида ваколатли органлар томонидан жиноятга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал қилишнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлаш, мунтазам текширувлар ўтказиб бориш ва аниқланган қонунбузарликларга муросасиз чоралар кўриш вазифаси қўйилган [6].

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ички ишлар вазирининг 26.11.2018 йилдаги “Жиноятларни ҳисобга олишда қонунийликни таъминлаш ва ходимларнинг масъулиятини янада ошириш ҳақида” 73-ҚҚ/76-сон Қўшма қарорида жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш ёки жиноятни ҳисобга олишдан яширишда ифодаланган қонун бузилиши деб топиладиган ҳолатлар аниқ кўрсатиб берилган, жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш ҳолатларининг олдини олишда ходимлар масъулиятини янада оширишга доир чоралар белгиланган [7].

Амалий-услубий қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг 28.06.2019 йилдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлашга доир амалий-услубий қўлланма”да ички ишлар органларининг навбатчилик қисми фаолиятида, шунингдек тизимда жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал қилишда қонунларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини таъминлаш механизмлари ёритилган, жиноятни ҳисобга олишдан яшириш ҳолатини фож этишнинг асосий манбалари қайд қилинган [8].

Санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қатъий қоидалар жиноятга оид маълумотларни кўриб чиқиш устидан прокурор назоратини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқот жараёнида миллий ва хорижий тажрибани чуқур ўрганган ҳолда соҳага доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириш, назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш мақсад қилинди.

Маълумки, прокурор назорати ҳужжатлари қонун бузилишини амалда бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, қонунга зид бўлган ҳужжатни бекор қилиш, қонун бузилишининг моҳиятини тушунтириш, уларга барҳам бериш чорасини кўриш, айбдор шахслар доирасини аниқлаш ва қонун бузилишининг хусусиятига қараб айбдорларнинг жавобгарлик масаласини белгилаш, профилактик таъсир ўтказиш ва жамоатчилик фикрини шакллантиришга йўналтирилади.

Ички ишлар органларида жиноятга оид аризалар, хабарлар, бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал қилиш, жиноятчилик статистикасини юритиш, мазкур фаолият устидан прокурор назоратини таъминлаш масалалари, соҳадаги муаммолар мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан илмий тадқиқ қилинган.

Б.А.Саидов илмий мақоласида содир этилган жиноятларни қасддан яшириш орқали жиноятчиликка қарши курашиб бўлмаслиги, аксинча, бу ҳол жиноятчилик кескин ошиб



кетишига сабаб бўлиши ҳақида фикр билдирган [9].

Соҳада илмий тадқиқот ўтказган хорижлик ҳуқуқшунос олима Е.М.Головащук ҳар бир яширилган жиноят уни фoш этилмаслиги, уни содир этган шахс жазосиз қолиши, жиноятдан жабрланган шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилиши, жиноятларни яшириш амалиёти турли даражадаги бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳақида хулосага келган [10].

Албатта, бу соҳада илмий тадқиқот ўтказган бу олимларнинг фикрига қўшилиш мумкин, зеро жиноятларни ҳар қандай ҳолатда ва усулда яшириш жиддий салбий оқибатларга сабаб бўлади.

Қозоғистон полицияси амалиётини илмий жиҳатдан тадқиқ қилган Б.М.Нурғалиев, М.А.Арыстанбеков ва А.К.Кусаиновалар жиноятни ҳисобдан яшириш сабаблари ва омилларини, шу жумладан, навбатчилик қисмида аризани қайддан ўтказишдаги қонунбузарликларни санаб ўтишган [11]. Ушбу тадқиқотчилар томонидан келтирилган қонунбузилиши ҳолатлари мамлакатимиз ваколатли органлари фаолиятида ҳам учрайди.

Айни вақтда, жиноят қонунчилигимизда 2018 йилда жиноятлар тўғрисидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши учун қатъий жавобгарлик белгиланди, бу ҳам жиноятни яшириш ҳолатлари бироз камайишига олиб келган бўлсада, мақсадга тўлиқ эришилди, деб бўлмайди [12].

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан яқин ҳамкорликда ишлашининг ҳуқуқий чоралари кўрилди, фаолиятга рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш, ходимларнинг дунёқараши, сиёсий онги, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Маълумки, жиноятчилик ҳолати ва криминоген вазиятни таҳлил қилиш – жиноятчилик ҳолатининг диагностикаси, прогнозлаш ва унинг оқибатларини минималлаштириш чораларини кўриш каби жараёнларни қамраб олади, бу босқичлар жинoий-ҳуқуқий статистиканинг ҳаққонийлигига бевосита боғлиқ.

Бу мавзунинг тадқиқ қилишда прокуратура органларининг ҳисобдан яширилган жиноятларни аниқлаш ва ҳисобга қўйишдаги роли ҳамда мақсадини англаш приципиал муҳим жиҳат ҳисобланади. Фикримизча, прокурорнинг бу борадаги фаолияти фақат жиноятларни аниқлашга эмас, балки, энг аввало, қонун устуворлигини ва адолат тантанасини таъминлашга, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилиши зарур.

Ўрганишлар кўрсатмоқдаки, ички ишлар органларида жиноятга оид хабарларни кўриб чиқиш тартибини бузиш ҳолатларига батамом чек қўйилмаган, идоравий ва прокурор назоратини таъминлаш фаолиятида ҳамон камчиликлар мавжуд, буни қуйидаги айрим омиллар билан изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

Зарур амалий тажрибага эга бўлмаслик, тегишли қонунчилик ва соҳага доир идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки раҳбарий кўрсатмалар билан чуқур танишмаслик оқибатида жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш ёки жиноятни ҳисобга олишдан яширишда ифодаланган қонун бузилиши деб топиладиган ҳолатлар, шунингдек латент жиноятларни фарқлашда хатоликка йўл қўйилади.

Айрим прокурор ходимларда соҳадаги назоратни таъминлашдаги муҳим вазифа сифатида эътибор ички ишлар органларининг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговга доир ишларини ўрганиб боришга қаратилади, профилактика ёки тезкор-қидирув хизматларининг фаолияти асосан юқори турувчи прокурорнинг топшириғи ёхуд режавий тадбирлар бўйича ўрганилади.

Ҳисобга олинмаган жиноятлар аксарият ҳолларда жабрланган жисмоний ва юридик шахснинг аризаси ёки шикоят асосида ўтказиладиган тадбирда аниқланади, ички ишлар органининг навбатчилик қисмига содир бўлган жинoий ҳодиса ҳақида хабардор қилувчи тармоқ сифатида қаралади.



Прокурор назорати ҳужжатини ўрнатилган талаб бўйича қонуний, асосли ва сифатли тарзда тайёрламаслик, унинг муҳокамаси натижаларига ўз вақтида ҳуқуқий баҳо бермаслик ҳам соҳадаги назорат фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Амалий тажриба ва илмий материалларни ўрганиш натижасида фикр билдириш мумкинки, соҳада қонунлар ижроси устидан назоратни таъминлаш зиммасига юклатилган прокурор ходимлар кундалик фаолиятини ички ишлар органи навбатчилик қисмида юритилган рўйхатга олиш китоблари ҳамда содир этилган жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги кунлик тезкор маълумот билан танишишдан бошлаши керак.

Кунлик тезкор маълумотда аниқланган қуйидаги қонунбузилишларни шаклланган “салбий амалиёт” сифатида келтириш мумкин:

оғир ёки ўта оғир, айниқса, фош этилмаган бундай жиноят тафсилотини хавфлилик даражаси паст жиноятлар тоифасида нотўғри кўрсатиш;

жиноят ёки ҳодиса содир этилган санани нотўғри кўрсатиш;

моддий зарар миқдорини сунъий камайтириб нотўғри кўрсатиш;

жиноят содир этган ёки жабрланган шахсга доир муҳим жиҳатлар, жумладан, ёши, бандлиги, муқаддам судланганлиги, профилактика ҳисобида бўлганлиги, фуқаролиги каби маълумотларни нотўғри кўрсатиш.

Кўрсатиб ўтилган бу каби ҳолатлар назоратни таъминлаш, жиноятчилик ҳолати ва криминоген вазиятни тезкор таҳлил қилиш ва баҳолашда чалкашликка олиб келади.

Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ва жиноятни ҳисобдан яшириш жабрланган шахсининг конституциявий ҳуқуқлари поймол қилинишига сабаб бўлади, давлат органлари ва қонунларга ишончсизлик муҳити юзага келади, айни вақтда, қилмиши фош этилмаган ва жазодан қутулиб қолган жиноятчи бундан “янги куч” олади, охир-оқибат бу жиний гуруҳлар шаклланишига замин яратади.

Фикримизча, ички ишлар органлари тизимида ходимларнинг фаолиятига жиноятчилик статистикасига қараб баҳо бериш амалиётидан воз кечиш, соҳани рақамли трансформация қилиш жараёнларида жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва қайд этишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимининг (102-тизими) функционал ва технологик имкониятларини янада кенгайтириш чораларини кўриш зарур.

Яна бир мулоҳазали масала, Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги Қонуни, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Қонунда ҳуқуқий статистика тушунчасига таъриф бериб, уни ҳуқуқий ахборот сифатида кўрсатиш ва бу соҳага масъул давлат органларини ҳамда уларнинг вазифаларини аниқлаштириш **таклиф қилинади**. Бу орқали жиноятчилик ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти каби муҳим маълумотлар юзасидан хабардорлик доираси кенгаяди, таҳлилий фаолият юритувчи профессионал ходимлар таркиби ортади, илмий-тадқиқот ишлари аниқ мақсад сари йўналтирилади, энг муҳими, соҳадаги шаффофлик аҳолининг ҳуқуқий онги юксалишига хизмат қилади.

**Хулоса** ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимиз қонун ҳужжатларида жиноят ҳақидаги аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, мазкур фаолиятда йўл қўйилган қонунбузилишларнинг хусусиятига қараб жавобгарликни белгиловчи нормалар мустақамлаб қўйилган.

Жиноятга оид ариза, хабар ёки бошқа маълумотни ҳар қандай усулда ёхуд мотив асосида қайд қилмаслик жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш деб топилиши муқаррар, жиноятни яширишдан кўзланган мақсад эса – жиноятчилик статистикасини яхшилаш ва сохта обрў олиш эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Соҳага масъул давлат органлари ходимлари жиноятларни, уларни содир этган шахсларни, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар ҳамда суднинг процессуал қарорларини ҳисобга олиш бўйича

яратилган электрон тизимни тўлиқ ва аниқ юритилишини таъминлашлари лозим.

Назоратни таъминловчи прокурорлар томонидан ички ишлар органларида жиноятга оид хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал қилишнинг қонунийлигини кўшимча манбалардан маълумот олиб, солиштириш йўли билан текшириш фаолиятига янада масъулият билан ёндашишлари талаб этилади.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Маънавият ҳақида кучли нутқ: Президент Шавкат Мирзиёев зиёлилар олдига қандай вазифаларни қўйди? 22.12.2023 й. // <https://hudud24.uz/news/>;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2021 йилдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.01.2024 й., 06/24/10/0031-сон;

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент. 22.09.1994. ЎРҚ-2013-ХП // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2024 й., 03/24/915/0160-сон;

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Тошкент. 22.09.1994. ЎРҚ-2013-ХП // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2024 й., 03/24/915/0160-сон;

5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. Тошкент. 29.08.2001. ЎРҚ-257-II // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.08.2024 й., 03/24/943/0616-сон;

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 22.02.2016 йилдаги “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 129-сон буйруғи;

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ички ишлар вазирининг 26.11.2018 йилдаги “Жиноятларни ҳисобга олишда қонунийликни таъминлаш ва ходимларнинг масъулиятини янада ошириш ҳақида” 73-ҚҚ/76-сон Қўшма қарори. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъатининг 28.06.2019 йилдаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида қонунчилик ижроси устидан назоратни таъминлашга доир амалий-услубий қўлланма”;

8. Саидов Б.А. Ички ишлар органлари фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2020), Б. 104-109;

9. Головащук Елена Михайловна. Процессуальное противодействие укрыванию преступлений органами внутренних дел: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09: Красноярск, 2003 237 с. // <https://www.dissercat.com/content/protsessualnoe-protivodeistvie-ukrytiyu-prestuplenii-organami-vnutrennikh-del?ysclid=m31yz8y48n384698629>;

10. Нурғалиев Б. М., Арыстанбеков М. А., Кусаинова А. К. Укрытие преступлений в полиции Казахстана: опыт и стратегии // Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2014. №5-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ukrytie-prestupleniy-v-politsii-kazahstana-opyt-i-strategii> (дата обращения: 03.11.2024);

11. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.10.2024 й., 03/24/974/0804-сон.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНО- ЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

**ХАЙДАРОВ Шухратжон Джумаевич**

Тошкент давлат юридик университети Жиноят ҳуқуқи, криминалогия ва коррупцияга қарши курашиш кафедраси профессори, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>

E-mail: [Xaydarovshuxrat@mail.ru](mailto:Xaydarovshuxrat@mail.ru)

### ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ХАЙДАРОВ Ш.Д.** Хавф остида қолдириш жиноятининг объекти // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) В. 52-59.



5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-7>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хавф остида қолдириш жиноятининг объекти ва унинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, мақолада хавф остида қолдириш жиноятининг объекти жиноят ҳуқуқи мутахассислари фикрлари асосида таҳлил қилинган ва муаллиф ушбу олимлар фикрларига илмий ёндашиб, ўз фикрларини илмий таҳлил қилиш асосида ёритган. Бундан ташқари, мақолада хавф остида қолдириш жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси очиб берилган. Мақола хавф остида қолдириш жиноятининг объекти яъни, бевосита асосий объекти ҳамда бевосита кўшимча объекти илмий асосда таҳлил қилиб берилган. Шунингдек, мақолада хавф остида қолдириш жиноятида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган ҳолатларни вужудга келтирувчи манбалар очиб берилган ҳамда хавф остида қолдириш жинояти билан боғлиқ илмий асослантилган хулоса ва таклифлар берилган.

**Калит сўзлари:** жиноят, жавобгарлик, хавф, қилмиш, ёрдам, айбдор, жабрланувчи, оғир, шикаст, оқибат, ожиз.

**KNAYDAROV Shukhratjon**

Professor at Tashkent State University of Law,  
Doctor of Philosophy in Law (PhD)

<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>

E-mail: [Xaydarovshuxrat@mail.ru](mailto:Xaydarovshuxrat@mail.ru)

## OBJECT OF THE CRIME OF ENDANGER

### ANNOTATION

This article describes the object of the crime of endangerment and its specific features. Also, in the article, the object of the crime of endangerment is analyzed based on the opinions of experts in criminal law, and the author takes a scientific approach to the opinions of these scholars and illuminates his opinions based on scientific analysis. In addition, the article reveals the level of social danger of the crime of endangerment. The article analyzes the object of the crime of endangerment, that is, the direct main object and the direct additional object on a scientific basis. In addition, the article reveals the sources that create dangerous situations for the victim's life or health in the crime of endangerment, and provides scientifically based conclusions and suggestions related to the crime of endangerment.

**Keywords:** crime, liability, risk, deed, help, guilty, victim, heavy, injury, consequence, helpless.

**ХАЙДАРОВ Шухратжон Джумаевич**

Профессор Ташкентского государственного юридического университета,  
доктор-философии по юридическим наукам (PhD)

<https://orcid.org/0000-0002-8188-7410>

E-mail: [Xaydarovshuxrat@mail.ru](mailto:Xaydarovshuxrat@mail.ru)

### ОБЪЕКТ ПРЕСТУПЛЕНИЯ - ОСТАВЛЕНИЕ В ОПАСНОСТИ

#### АННОТАЦИЯ

В данной статье раскрыт объект преступления угрозы и его особенности. В статье объект преступления, представляющий угрозу, анализируется на основе мнений экспертов по уголовному праву, а автор на основе проведенного анализа мнения этих ученых приводит своё заключение. Кроме того, в статье раскрывается уровень общественной опасности преступления, создающего угрозу; анализируется объект преступления, представляющий угрозу, то есть непосредственный основной объект и прямой дополнительный объект; раскрываются источники, создающие опасные ситуации для жизни или здоровья потерпевшего при преступлении, создающем угрозу. На основании вышеизложенного, приводятся научно обоснованные выводы и предложения, связанные с преступлением, создающим угрозу.

**Ключевые слова:** преступление, ответственность, риск, поступок, помощь, виноватый, жертва, тяжёлый, травма, последствие, беспомощный.

Хавф остида қолдириш “Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавfli жиноятлар” туркумига мансуб ижтимоий хавfli қилмишлардан бири ҳисобланади. “Хавф остида қолдириш жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири бўлиб, инсон ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган жиноят турини ифодалайди. Хавф остида қолдиришни жиноят-ҳуқуқий тартибга солиш шахсни ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди” [1].

С.Р.Давлетмуратов хавф остида қолдиришга “шахс ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўла туриб, унга ёрдам кўрсатмаслиги ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчини хавfli аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келган, одам, одамлар ўлими ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлган ижтимоий хавfli қилмиш” [2] сифатида таъриф беради.

Я.А.Мыц эса, “хавф остида қолдириш жинояти деганда, ожиз аҳволда бўлган шахснинг



ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларни уларга қонун билан кўзда тутилган ёрдамни кўрсатиш мажбуриятини бажармаслик орқали содир этиладиган айбли ҳуқуққа хилоф ҳаракатни тушуниш мумкин” [3], деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш лозимки, жиноят қонунининг кўплаб нормалари ўзбек жамиятининг кўп асрлик ахлоқий қоидалари ва кўрсатмаларига асосланган. Худди шунингдек, хавф остида қолдириш учун жинойи жавобгарлик ҳам яқинларига, ҳаёти хавф остида турган шахсларга ёрдам кўрсатиш мажбуриятини таъминлаш мақсадида киритилган. Ахлоқ нормасининг жиноят қонунига кўчиши қилмишни нафақат ахлоққа зидлиги, балки жиноят эканлигини ҳам англатади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хавф остида қолдириш учун жавобгарлик ахлоқий асосларга таяниши бошқа ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳам эътироф этилади.

Масалан, Н.Г.Александрова ҳам ушбу жиноят учун жавобгарликни жамиятда ахлоқий нормаларнинг қонунийлаштирилиши билан боғлайди. Унинг ёзишича, “жамият ривожланиб боргани сари инсонлар ҳаётида ахлоқий асосларнинг роли ва фуқароларнинг ҳуқуқий онги тобора ошиб боради. Зеро, тараққиёт бошқа инсонларга, айниқса, ёш болалар, қари ота-она, ногиронлиги бўлган шахслар ва кўмаксиз, қўлловсиз ташлаб кетилган бошқа шахсларга нисбатан шафқатсиз, бефарқ муносабатга нисбатан тоқатсизликни келтириб чиқаради. Хавф остида қолдирганлик учун жинойи жавобгарликнинг келиб чиқиши ҳам давлатнинг ахлоқий нормаларни жиноят қонуни даражасига кўтарилишига яққол мисол ҳисобланади” [4].

С.Р.Давлетмуратов ҳам “хавф остида қолдириш масаласи ахлоқ нормалари билан боғлиқлигини таъкидлаб ўтган. Ахлоқ жиноят ҳуқуқи нормаларининг мазмунига анча кучли таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, жиноят-ҳуқуқий нормалар ҳам ахлоқ нормаларига ўз таъсирини кўрсатади. Қайси зарарли қилмишларни давлат ўта хавфли деб ҳисоблашини кўрсатиш орқали у айни пайтда уларни ахлоққа зид деб ҳам эътироф этади. Шу тариқа жиноят қонунчилиги ахлоқ нормалари учун аниқ мўлжал бўлиб хизмат қилади” [5].

Я.А.Мыц таъкидлаганидек, “ўзаро ёрдам муносабатларини жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан кўриб чиқишда бир қатор омилларни инобатга олиш талаб этилади. Бир томондан, бошқа шахсларга ёрдам кўрсатиш мажбурияти таҳдидга нисбатан зарурати ва асосланганлиги, аҳамияти нуқтаи назаридан юқорироқ даражада бўлиши лозим. У ўзида инсонинг жисмоний мавжудлиги учун хавфни мужассам этиши ва ҳаёт ва соғлиқ каби олий қадриятларга дахлдор бўлиши лозим. Акс ҳолда жиноят қонунда назарда тутилган мажбурлов чоралари оғирлик даражасига кўра ёрдам кўрсатмасликнинг оқибатларига, яъни жабрланувчига етказилган зарар ҳажмига нисбатан мутаносиб бўлмайди. Бошқа томондан ушбу мажбурият жиноят ҳуқуқи нуқтаи назардан асосли бўлиши учун ушбу муносабатлар субъектларининг яқин алоқаларда эканлигидан келиб чиқиши керак. Яъни, бундай субъектлар сифатида давлат ёки унинг номидан вакил қилинган ваколатли шахслар ёхуд шахс билан қариндошлик ёки шахсий яқинлик ҳолатидан келиб чиқувчи алоқаларга эга бошқа инсонлар намоён бўлади” [3].

Хавф остида қолдириш жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси бир қатор омиллар таъсирида шаклланади. Хусусан, аксарият жиноят ҳуқуқи бўйича олимлар хавф остида қолдириш жиноятининг ижтимоий хавфлилигини авваламбор, ушбу жиноят тажовуз қиладиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамияти, шу жумладан, жабрланувчи шахсининг ўзига хос хуссиятлари билан боғлайдилар.

Масалан, Л.М.Назмутдинова “хавф остида қолдириш инсон ҳаёти ва соғлиғи сингари ўта муҳим объектга тажовуз қилади, яъни энг муҳим ижтимоий қадриятга тиклаб бўлмас зарар етказади. Шу билан бирга ушбу жиноят жамиятнинг энг кам ҳимояланган қатлами бўлган шахсларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларнинг тўғри амал қилишига путур етказади” [6], деб таъкидлайди.

Ёки бўлмаса Я.А.Мыц эса, “хавф остида қолдиришнинг ижтимоий хавфлилигини белгиладиган дастлабки, бирламчи омил бу – унинг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун



хавф солиши, шунингдек, объектив ҳақиқат шароитида вужудга келган аралашмаслик натижасида етказилиши мумкин бўлган зарар билан белгиланади” [7], деб ёзади.

Шу билан бирга муаллифнинг қайд этишича, “ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини унинг жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларига таъовуз қилиши билан боғлайди. Хусусан, унинг ёзишича, “жамиятнинг нормал ривожланиши ва мавжуд бўлиши учун ўзаро муносабатларда бир-бирига ёрдам кўрсатишнинг ўрни ва роли жуда муҳим бўлиб, у одатда ҳуқуқдан ташқарида (ахлоқ доирасида – муаллиф) тартибга солинади. Шу билан бирга уни рад этишнинг айрим хавфли шакллари ҳуқуқ билан тартибга солиниши лозим бўлиб, улар жамият ҳаётини бошқаришнинг, унинг ички алоқаларини тартибга солишнинг, жамият аъзолари манфаатлари ва ижтимоий аҳамиятга эга қадриятларини ҳимоя қилишнинг энг таъсирчан ва асосий воситаси сифатида намоён бўлади” [8].

Яна бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар эса, ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини жиноятчи шахсининг хусусияти билан боғлайдилар. Хусусан, А.Р.Маликова ва А.А.Ивановалар “ҳалокат ёқасида турган шахсга ўз ҳаёти учун хавф туғдирмайдиган тарзда ёрдам қўлини чўзмаслик ўзининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жиноят ҳисобланиши лозим” [9],[21] деб қайд этадилар.

Ю.А.Власов ҳам “ҳар қандай инсонга қарши жиноят бутун жамиятга зарар етказиши, зеро, жамиятнинг бир аъзоси мисолида барча инсонларнинг ҳуқуқларига путур етади. Шунга кўра, фақатгина субъект ғамхўрлик қилиши лозим бўлган шахсни эмас, балки ҳар қандай инсоннинг ҳаётини хавф остида қолдириш, башарти, бу инсон ўлимига сабаб бўлса, жиноий ҳаракатсизлик ҳисобланиши лозим. Умумий субъект учун хавф остида қолдириш бўйича жиноий жавобгарликни киритиш орқали фуқароларни бир-бирини ҳурмат қилиш руҳида ахлоқий тарбиялаш ва қонунни онгли равишда ижро этиш амалга оширилади” [10].

Шунга кўра муаллиф “жिनот қонунида хавф остида қолдириш учун жавобгарлик белгиланган нормаларнинг мавжуд бўлиши ижтимоий асосланган бўлиб, ўзини ҳимоя қилиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш имкониятидан маҳрум бўлган инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг муҳим воситаси ҳисобланади” [11], деб ёзади.

А.К.Оспан ва К.А.Бакишевлар фикрича эса, “хавф остида қолдиришнинг ижтимоий хавфлилиги, авваламбор, жабрланувчининг жисмоний хусусиятлари, яъни ўзгалар кўмагига муҳтожлиги (ёш бола, қари, ожиз аҳволда), ўзини ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказишдан қутқариб қолиш ҳолатида бўлмаслиги билан изоҳланади” [12].

Бошқа адабиётларда, хавф остида қолдиришнинг ижтимоий хавфлилигини белгиловчи омил сифатида жиноятчи субъектининг хусусиятлари ҳам эътироф этилади. Хусусан, А.С.Некознинг ёзишича, “хавф остида қолдиришнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, айбланувчи ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган аҳволда бўлган шахсга ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўла туриб, бу борадаги ўз мажбуриятини бажармайди” [13].

Бизнинг фикримизча эса, хавф остида қолдиришнинг ижтимоий хавфлилиги биринчи навбатда жабрланувчининг ҳамда унинг ёрдамсиз аҳволининг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади.

Хавф остида қолдиришда жабрланувчи иккита мажбурий белгига эга бўлиши керак:

1) ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган ҳолатда бўлиши;

2) ўзини ўзи ҳимоя қилиш ва сақлаб қолиш чораларини кўриш имкониятидан маҳрум бўлган бўлиши.

Бунда ушбу белгилардан қай бири дастлаб вужудга келганлиги аҳамиятга эга эмас: яъни, жабрланувчи ожиз аҳволдалиги сабабли ўзини ҳимоя қила олмайдиган хавфли вазиятга тушиб қолиши мумкин ёхуд аксинча, у хавфли вазиятга тушиб қолиб, ўзини ҳимоя қилиш қобилиятидан маҳрум бўлиши мумкин.

Хавф остида қолдиришнинг объекти масаласи ушбу қилмишни тўғри малакалашда, умуман, қилмишни жиноят деб топишда муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, хавф остида қолдиришнинг махсус объекти адабиётларда кўп ўрганилмаган ҳамда “шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар” [14], “инсоннинг нормал ҳаётининг фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар” [15] сифатида таърифланади.

Бизнинг фикримизча, эса, мазкур жиноятнинг махсус объекти ЖК Махсус қисми I бўлимидан ўрин олган барча жиноятлар сингари шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Хавф остида қолдиришнинг турдош объекти сифатида эса, “шахснинг ҳаёти ва соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар” [14], “инсон ҳаёти, соғлиғи ва уларнинг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар” [15] кўрсатилади.

Бизнинг фикримизча эса, мазкур жиноятнинг турдош объекти ЖК Махсус қисми III бобидан ўрин олган барча жиноятлар сингари инсон ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Хавф остида қолдиришнинг бевосита объекти сифатида адабиётларда икки хил ёндашув бор: “ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш имкониятига эга бўлмаган (ўзини ўзи ҳимоя қилиш бўйича чораларни кўришга қодир бўлмаган, жиддий хавф остида бўлган, хавф остида қолдириш жинояти бўйича жабрланувчи хусусиятига эга бўлган муайян тоифа) шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар” [16] ҳамда “ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлиги ҳимояга муҳтож бўлган шахс ҳамда унга ғамхўрлик қилиш бўйича норматив мажбуриятга эга бўлган ёхуд жабрланувчинини хавфли аҳволга солиб қўйган шахс ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар” [10] кўрсатилади.

Биз хавф остида қолдиришнинг бевосита асосий объекти ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган, ҳаёти ёки соғлиғи учун реал хавф остида қолган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар, бевосита қўшимча объекти эса, бошқа шахсга ғамхўрлик қилиш, унинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган касбий, меҳнат, шартномавий, оилавий муносабатлар, деб ҳисоблаймиз.

Хавф остида қолдириш жиноятида жабрланувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, яъни ЖК ушбу моддаси бўйича барча шахслар ҳам жабрланувчи бўлавермайди.

Хавф остида қолдиришда жабрланувчи “ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли ҳолатга” тушган бўлиши талаб этилади. “Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли ҳолат” тушунчаси жабрланувчининг руҳий-физиологик хусусиятлари билан изоҳланадиган, ўз ички ҳолатига (ёш болалиги, қариллиги, касаллиги) кўра, хавфли вазиятга тушиб қолганлик хусусияти сифатида намоён бўлади. Башарти хавфли ҳолат ташқи омиллар таъсирида вужудга келса, хавф ташқи муҳитнинг таҳдид қилувчи хусусияти билан тавсифланади.

Хавф остида қолдириш жиноятига оид 30 та жиноят иши таҳлил қилинганда, жабрланувчилар асосан машина йўловчиси, пиёда, велосипедчи бўлишининг (73 фоиз) гувоҳи бўлди. Шу билан бирга жабрланувчи сифатида судланувчининг яқин қариндоши, спиртли ичимликларни биргаликда истеъмол қилган шахслар ҳам бўлган.

Хавфли ҳолатнинг вужудга келиши механизмлари бир қатор омиллар мажмуидан ҳосил бўлиб, улар биргаликда ушбу ҳолатнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Хусусан, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган ҳолатларни вужудга келтирувчи манбалар сифатида қуйидагилар намоён бўлади:

- 1) инсоннинг психофизиологик ҳолати (ёш болалик, қариллик, касаллик, ожиз аҳвол);
- 2) жабрланувчининг хулқ-атвори (суза олмаслик ва б.қ.);
- 3) ташқи омилларнинг салбий таъсири (ҳароратнинг паст ёки юқорилиги, йўлнинг қатнов қисми ва б.);
- 4) айбланувчининг хатти-ҳаракати.

Шахс ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли вазиятнинг вужудга келиш ва тамом бўлиш вақти аниқ вазиятдан келиб чиқиб баҳоланади. Бунда хавфли вазият юқоридаги омиллардан бирининг юзага келиши билан бошланади ва унинг жабрланувчига таъсири тугагунга ёки салбий оқибатлар келиб чиққунга қадар амал қилади.

Ю.А.Власов тўғри таъкидлаганидек, “жабрланувчи учун хавфли ҳолат белгисининг йўқлиги жиноий ҳаракатсизликни рад этади. Жиноятнинг бошланиш вақти жабрланувчи учун хавфли ҳолатнинг юзага келиши ҳамда унинг хавфсизлигини таъминлаш мажбуриятига эга субъект томонидан унинг англаниши билан боғлиқ. Хавф остида қолдиришнинг объектини жабрланувчига хос бўлган белгилар очиб беради: ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган ҳолат, яъни ёш болалиги, қарилиги, касаллиги ва ожизлиги. Ушбу белгилар тегишли мажбуриятга эга шахслар томонидан ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги ҳақида ғамхўрлик кўрсатилиши лозим бўлган шахсларнинг доирасини кўрсатади” [17].

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолат ва унинг ожиз аҳволи жиноятни ташкил этувчи белгиларнинг ўзига хос тизимини акс эттиради: у ёки бу белгининг бўлмаслиги жиноят таркиби бўлмаслигини англатади.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли ҳолат сифатида муқобили:

а) жабрланувчининг ўлими;

б) аъзо ва тўқималари анатомик яхлитлиги ёки физиологик функциялари бузилиши билан яқунланиши мумкин бўлган ҳолат тан олинishi мумкин.

Бунда таъсир омиллари жадаллиги етарлича юқори бўлиши, ўлим ёки баданга оғир шикаст етказишнинг реал хавфини келтириб чиқариши керак.

Хавф ҳолати жабрланувчи организмга икки гуруҳ омилларнинг интенсив таъсирини назарда тутади:

- ташқи муҳит омиллари (масалан, ёнғин, сув тошқини, zilзила, айбланувчи хулқ-атвори ва б.);

- жабрланувчи организмда рўй бераётган патологик жараёнлар (масалан, касаллик).

Шу билан бирга хавфли ҳолатни вужудга келтирган омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1) жиноят субъектининг айбли ҳаракатлари билан боғлиқ бўлмаган манбалар (табиат кучлари таъсири ва б.қ.);

2) хавф ҳолати вужудга келишига бевосита сабабчи бўлган жиноят субъектининг онгли хулқ-атвори.

Иккинчи ҳолатда жиноятчининг ҳаракатларида бошқа қасддан содир этиладиган жиноят таркиби йўқлигига аниқлик киритиш лозим бўлади.

“Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахс ушбу жиноят бўйича жабрланувчи бўлиши учун у ўзини сақлаш (ҳимоя қилиш) бўйича чораларни кўра олмайдиган бўлиши керак. Бундай ҳолатга ёш болалик ёки қариллик, касаллик ёхуд бошқача ожиз аҳвол, масалан, жабрланувчининг кўр, кар, соқов, ногирон, руҳий ривожланишдан ортда қолган вояга етмаганлиги кабилар сабаб бўлиши мумкин” [15].

Хавф остида қолдириш жиноятида жабрланувчиси учун икки муҳим белги хосдир:

1) хавф остида қолдириш вақтида жабрланувчи ўзининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган аҳволда бўлиши, яъни ҳали тирик бўлса-да, соғлиғига ҳар қандай зарар етиш ёки ўлимига сабаб бўлишнинг реал таҳдиди вужудга келган ҳолатда бўлиши керак;

2) жабрланувчида хавф олдида ожизлиги, яъни ўзини вужудга келган хавфдан ҳимоя қилиш имкониятининг йўқлиги.

Н.В.Самойлюк қайд этганидек, “жабрланувчининг ожиз аҳволи унинг ёш бола эканлиги, қарилиги, касаллиги ва бошқалар ёрдамига муҳтожлигини назарда тутувчи бошқа ҳолатлар билан белгиланади” [18].

“Ожизлик кучли кўрқув, шок ҳолати, жабрланувчида тегишли билим ва кўникмаларнинг мавжуд эмаслиги (масалан, йўл топишни билмаган ҳолда ўрмонда адашиб қолиш ёки сузишни билмаган ҳолда сувга тушиб кетиш) натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин” [19].

Касаллик белгисига кўра ожизлик айнан шу касаллик туфайли жабрланувчини ўзини ўзи сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлиши тушунилади.

Хавф остида қолдиришда жабрланувчи ўз ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфни бошқаларнинг ёрдасиз бартараф эта олмайди.

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолат:

а) жабрланувчига боғлиқ субъектив ҳолатлар, яъни, вояга етмаганлик, қариллик, ноғиронлик, оғир касаллик, ўзини идора этолмайдиган гиёҳванд ёки алкоголь мастлик ҳолати ёки бошқача ожиз аҳволда бўлишлик;

б) объектив омиллар, масалан, ҳаво ёки сувнинг паст ҳарорати;

в) айбдорнинг хатти-ҳаракати билан вужудга келган ташқи муҳит омиллари (масалан, йўл ҳаракати ҳодисаси натижасида жабрланувчининг йўлнинг қатнов қисмида беҳуш ҳолатда қолиб кетиши) билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Юқоридаги омиллар жабрланувчи учун оғир оқибатларга, яъни баданига ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига ёхуд ўлимига сабаб бўлади. Жабрланувчи ушбу вазиятда ташқаридан ёрдамсиз хавфни бартараф эта олишга, шунингдек, ўзига зарар етказиши мумкин бўлган вазиятни ҳал қилишга қодир бўлмайди. Жабрланувчига ёрдам кўрсатиш салбий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олишнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Бунда хавфли ҳолатда ташқаридан аралашув жабрланувчи аҳволига ва юзага келган вазиятга мутаносиб бўлиши керак [20].

Юқоридагилардан хулоса қилиб, хавф остида қолдириш жинояти бўйича қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, хавф остида қолдириш жиноятининг бевосита асосий объекти ўзи ҳақида ғамхўрлик қилиш, ўзини ўзи ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган, ҳаёти ёки соғлиғи учун реал хавф остида қолган шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади;

иккинчидан, хавф остида қолдириш жиноятининг бевосита қўшимча объекти, бошқа шахсга ғамхўрлик қилиш, унинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган касбий, меҳнат, шартномавий, оилавий муносабатлар ҳисобланади;

учинчидан, хавф остида қолдириш жиноятининг махсус объекти шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

тўртинчидан, хавф остида қолдириш жиноятининг турдош объекти инсон ҳаёти ёки соғлиғининг хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

бешинчидан, жиноят қонунда хавф остида қолдириш жиноятининг такроран содир этилиши бўйича қонунда ҳеч қандай ечим кўрсатилмаган. Бу ўз навбатида мазкур моддани квалификация қилишда муаммо келтириб чиқаради. Шундан келиб чиқиб, хавф остида қолдириш жиноятида “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан” жиноят содир этишни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритиш мақсадга мувофиқ.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Соловей Л.В. Уголовно-правовая характеристика оставления в опасности // Сборник статей XXIV Международного научно-исследовательского конкурса (30 апреля 2019 г., г. Пенза). – Пенза: Наука и просвещение, 2019. – С.140-141.
2. Давлетмуратов С.Р. Хавф остида қолдиришнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Юрид. фан. ... фал. докт. (PhD) дисс. автореф. – Тошкент: ТДЮУ, 2020. – Б. 18.
3. Мыц Я.А. Понятие оставления в опасности // Федерация. – 2005. №9(11). – С.41-42.
4. Александрова Н.Г. Ответственность за оставление в опасности по уголовному праву: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2000. – С.12-13.
5. Давлетмуратов С.Р. Нравственные и правовые предпосылки ответственности за оставление в опасности // Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари илмий-амалий конференция материаллари 2-тўплами. – Тошкент, ТДЮИ, 2010. – Б. 315-316.
6. Назмутдинова Л.М. Ответственность за неоказание помощи в уголовном праве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Казань, 2018. – С.21-22.
7. Мыц Я.А. Оставление в опасности (социальная обусловленность криминализации, понятие, виды, уголовно-правовая характеристика). Монография. Отв. ред А.И.Чучаев. – Владимир, 2006. – С.23-24.
8. Микитчик О.В. Субъективная сторона оставления в опасности // Адвокат. – 2009.



– № 5. – С. 18.

9. Маликова А.Р. Спорные вопросы оставления в опасности // Вестник Башкирского университета. – 2015. – №2. – С. 26.;

10. Власов Ю.А. Уголовная ответственность за оставление в опасности: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Омск, 2004. – С.14-16.

11. Власов Ю.А. Проблемные вопросы уголовно-правовой охраны объекта при оставлении в опасности // Научный вестник Омской академии МВД России. – 2002. – №1. – С. 12-13.

12. Оспан А.К., Бакишев К.А. Уголовно-правовой анализ оставления в опасности // Молодой ученый. – 2019. – №16(254). – С. 113-115.

13. Некоз А.С. Уголовная ответственность за оставление в опасности: вопросы правоприменительной практики // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. – 2022. – №3. – С.148-149.

14. Давлетмуратов С.Р. Объект в составе оставления в опасности и признаки потерпевшего // ТДЮИ Ахборотномаси. – Тошкент, 2010. – №3. – Б.104 – 107.

15. Молчанова С.И. Преступное бездействие, посягающее на личную безопасность: Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Тамбов: Тамб. гос. ун-т им. Г.Р. Державина, 2009. – С.21.

16. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Ж.2. – Тошкент: ЖХУ, 2021. – Б.117.

17. Власов Ю.А. Опасное для жизни или здоровья состояние как конструктивный признак ст. 125 УК РФ // Научный вестник Омской академии МВД России. – 2002. – № 2. – 24-25.

18. Самойлюк Н.В. Проблемы квалификации оставления в опасности // Вестник Дальневосточного юридического института МВД России. – 2016. – С. 61.

19. Горбатова М.А. Потерпевший при оставлении в опасности: некоторые вопросы теории и практики // Вестник ЮУрГУ. – 2018. – Т.18. №2. – С. 13-20.

20. Мыц Я.А. Оставление в опасности в уголовном праве России: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ульяновск, 2007. – С. 20.

21. Иванова А.А. Оставление в опасности: социальная обусловленность, проблемы законодательного закрепления и квалификации // Аллея Науки: научно-практический электронный журнал. – 2022. – №9(72). – С. 34-35.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АБДУРАШИДОВ Абдурауф Абдурашидович  
Тошкент давлат юридик университети  
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси  
E-mail: abdurashidovabdurauf1991@gmail.com

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН “ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ” ЖИНОЯТЛАРИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования):** АБДУРАШИДОВ А.А. Вояга етмаганлар томонидан “Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш” жиноятларини келиб чиқиш сабаблари // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) В. 60-67.

 5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-8>

### АННАТОЦИЯ

Вояга етмаганлар томонидан “Ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларини” содир этилишининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар, ушбу жиноятларнинг сабаблари сифатида абсолют назоратсизлик; носоғлом оилавий шароитлар (ота-оналардан бирининг ичкиликка берилганлиги; улардан бирининг асоциал хулқ-атвори (бекорчилик, тиламчилик, ўғирлик, фоҳишалик); номақбул атроф-муҳитдаги муомала ва алоқалар, телефон (интернет); катталар томонидан жиноятга жалб қилиниши; ҳуқуқий онг ва саводхонликнинг пастлиги; мактабларда ҳуқуқий таълим талаб даражасида эмаслиги ва бошқа салбий сабаблар ҳам келтирилган.

Шунингдек, ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларга қарши курашишни тартибга солувчи қонунчилик нормалари ва унинг амалий ижроси ҳамда ваколатли органлар томонидан амалга ошириладиган илғор методлар ва уларнинг ижобий натижалари юзасидан фикрлар билдирилган. Ушбу фикрлар асосида Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** вояга етмаганлар, жиноятчилик, қонунчилик, жиноятлар профилактикаси, илғор методлар, тажриба, ўғирлик, безорилик, фирибгарлик жиноятчилиги даражаси.

АБДУРАШИДОВ Абдурауф Абдурашидович  
Преподаватель кафедры уголовно-процессуального права  
Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: abdurashidovabdurauf1991@gmail.com

## ПРИЧИНЫ ВОЗНИКНОВЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ “ХИЩЕНИЕ ЧУЖОГО ИМУЩЕСТВА” НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИМИ

## АННАТОЦИЯ

Причины совершения несовершеннолетними преступлений в виде “хищения чужого имущества” и условия, способствовавшие этому, включают в себя следующее: абсолютную бесконтрольность; неблагополучные семейные условия (алкоголизм одного из родителей; асоциальное поведение одного из них (праздность, попрошайничество, воровство, проституция)); неприемлемое общение и связи в окружающей среде, телефон (интернет); вовлечение взрослыми в преступную деятельность; низкий уровень правосознания и грамотности; недостаточный уровень правового образования в школах и другие причины негативные причины.

Также рассмотрены нормы законодательства в развитых зарубежных странах, регулирующие борьбу с преступлениями, совершенными несовершеннолетними, их практическое исполнение, а также передовые методы, реализуемые компетентными органами, и их положительные результаты. На основе этих результатов представлены предложения и рекомендации по борьбе с преступлениями, совершаемыми несовершеннолетними в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** Несовершеннолетние, преступность, законодательство, профилактика преступности, передовые методы, опыт, воровство, хулиганство, мошенничество, уровень преступности.

**ABDURASHIDOV Abdurauf**

Lecturer at Tashkent State University of Law  
E-mail: abdurashidovabdurauf1991@gmail.com

## REASONS FOR THE EMERGENCE OF THE CRIME OF “EMBEZZLEMENT THEFT OF ANOTHER’S PROPERTY JUVENILES

### ANNOTATION

The reasons for committing crimes by minors in the form of “stealing other people’s property” and the conditions that contributed to this include the following: absolute lack of control; dysfunctional family conditions (alcoholism of one of the parents; asocial behavior of one of them (idleness, begging, stealing, prostitution)); inappropriate communication and connections in the environment, telephone (Internet); involvement of adults in criminal activities; low level of legal awareness and literacy; insufficient level of legal education in schools Also considered are the norms of legislation in developed foreign countries regulating the fight against crimes committed by minors, their practical implementation, as well as best practices implemented by the competent authorities and their positive results. On the basis of these considerations, proposals and recommendations for combating crimes committed by minors in Uzbekistan are presented

**Keywords:** Juveniles, crime, legislation, crime prevention, advanced practices, experience, theft, bullying, fraud, crime rate.

Жамиятда вояга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилиши давлатнинг келажаги учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради.

“Вояга етмаганлар томонидан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларини содир этилишининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар” деб номлаганимизга сабаб Ўзбекистон Республикасининг мазкур йўналишдаги статистик маълумотларида вояга етмаганлар томонидан талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар ўсиб бораётганлиги ушбу жиноятларни келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни илмий томондан ўрганиш долзарб аҳамиятга эга.

Мазкур йўналишни нафақат илмий назарий ўрганиш, балки амалий жиҳатларини

ҳам ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Жиноят сабаблари нима-ю, унинг омиллари деганда нимани тушуниш лозим, деган масала криминологик адабиётларимизда, афсуски, ҳанузгача аниқ ҳал қилинмаган. Профессор Н.Салаевнинг фикрича аксарият ҳолларда бу тушунчалар адаштирилади ёки бир-бирига тенглаштирилади [1].

Айтилган ҳолатлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг сабаблари ва омиллари муаммосига ҳам тааллуқли. Ушбу масалага нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Айрим олимлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари жумласига қуйидагиларни киритади: яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири; ўқиш-ни ташлаб кетган ўсмирлар узоқ вақт муайян иш билан шуғулланмаслиги; ўсмирнинг нотўғри тарбияланишини белгилловчи шарт-шароит омиллари; ёши катта жиноятчиларнинг далолатчилиги; зўравонлик ва қонунсизликни ифодаловчи китоблар ва фильмлар таъсири [1].

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг омиллари сифатида қуйидагилар қайд этилади: назоратсизлик; умумий таълим мактаблари ва коллежларда таълим-тарбия ишларида мавжуд камчиликлар; ишга жойлаштиришда ҳамда ишлаб чиқаришда тарбия ишларини ташкил этишда мавжуд камчиликлар; маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар; вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда унга қарши бевосита кураш олиб бориш вазифалари зиммасига юкланган органлар фаолиятидаги камчиликлар. Айримлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари қаторига қуйидагиларни киритади: ўсмирнинг кайфияти ва руҳиятига таъсир кўрсатувчи ҳаётдаги муваффақиятсизликлар; маънавий ва ахлоқий мўлжалларнинг беқарорлиги; шахслар жинойий гуруҳи билан яқин алоқада бўлиш ёки муайян шароитда улар ўсмирга салбий таъсир кўрсатиши; руҳиятининг айрим хусусиятлари; оила ёки жамоадаги ноқулай шарт-шароитлар [1].

Олиб борилган изланишлар ва ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, вояга етмаганлар жиноятчилигига қуйидагилар ҳам сабаб бўлмоқда:

абсолют назоратсизлик;

носоғлом оилавий шароитлар (ота-оналардан бирининг ичкиликка берилганлиги; улардан бирининг асоциал хулқ-атвори (бекорчилик, тиламчилик, ўғирлик, фоҳишалик);

номақбул атроф-муҳитдаги муомала ва алоқалар, телефон (интернет);

катталар томонидан жиноятга жалб қилиниши;

ҳуқуқий онг ва саводхонликнинг пастлиги;

мактабларда ҳуқуқий таълим талаб даражасида эмаслиги ва бошқалар.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг шароити деганда улар содир этадиган жиноятларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ёки барҳам топиши билан боғлиқ омиллар йиғиндиси тушунилади. Мазкур шароит ҳисобланувчи имкониятларнинг (омилларнинг) ҳақиқатга айланишини таъминловчи, яъни оқибатни келтириб чиқарувчи элемент сабаб ҳисобланади. Вояга етмаганлар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарлигини аниқлашда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий структураси, мазкур структурани келтириб чиқарадиган алоқа ва муносабатлар билан бирга жамиятнинг ахлоқий – тарбиявий муҳити, вояга етмаганлар ижтимоий – руҳий ҳолатининг ўзига хосликлари алоҳида эътиборга олиниши мумкин. Вояга етмаганлар жиноятчилигини ўрганишда шароит ва сабабларни ўрганишда микромуҳитнинг ролига ҳам эътибор қаратиш лозимдир. Микромуҳитни ўрганишнинг муҳимлиги шундаки, ҳар бир ўсмир ўзи яшаётган макон микромуҳитида шакилланади. Микромуҳит доирасига оила, таниш – билишлар, қўшнилар, ўртоқлар, иш жойи, кабилар кириб, улар вояга етмаган ўсмирларнинг шахс сифатида шакилланишининг энг муҳим фактори ҳисобланади. Шунингдек, вояга етмаганлар жиноятчилигининг шароит ва сабабларини аниқлашда шахснинг генетик хусусиятларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Генетик хусусиятлар ҳеч қачон вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаби бўлмаса-да, лекин криминоген микромуҳитда ўсмирдаги ёмон сифатларнинг ривожланиши учун қулай шароит вужудга келтиради. Умумий олиб қараганда, вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари катта ёшдагилар жиноятчилигига таъсир қиладиган сабаблар ҳисобланади.



Криминолог олимлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари сифатида қўйидаги ҳолатларни кўрсатиб ўтадилар: оиладаги ва турмушдаги салбий таъсирлар; носоғлом турмуш тарзи; ёмон ҳулқли шахслар билан алоқада бўлиш; ўқимайдиган вояга етмайдиганларнинг ўзоқ вақт мобайнида муайян фойдали машғулот билан шуғилланмаганлиги; ўсмирнинг нотўғри қабул қилишга сабаб бўладиган ҳолатларнинг вояга етмаган шахсида жуда қийин кечиши; катта ёшдаги жиноятчилар томонидан ҳуқуқбузарликларга ва турли ғайриижтимоий хатти – ҳаракатларга жалб қилиниши; зўрлик ишлатишлар ёзилган турли китоб ва видеофильмларнинг таъсири; ҳаётдаги омадсизликлар ва ахлоқий эътиқодларнинг турғун эмаслиги; руҳий ҳолатдаги айрим сифатлар; айрим ҳаракатларга нисбатан романтик қарашлар ва шундай ҳаракатларни содир этишга мойилликнинг кучайишидир [1].

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг бошқа сабабларига боланинг кайфияти ва руҳий ҳолатига таъсир қиладиган ва муайян из қолдирадиган ҳаётдаги омадсизлик; ахлоқий ва этик эътиқодларининг турғун эмаслиги, жиний гуруҳлар билан бевосита алоқада бўлиш ёки муайян шароитларда бундай гуруҳ аъзоларининг болага таъсири, руҳий ҳолатдаги айрим сифатлар, айрим ҳаракатларга нисбатан романтик қарашлар ва шундай ҳаракатларнинг содир этишга мойилликнинг кучайиши кабиларни айтиш мумкин. Ўсмирлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқ бўзишининг сабаблари оиладаги, турмушдаги, жамоадаги носоғлом муҳит кабилар бўлиши мумкин. Лекин бундай ҳолатлар болага ҳуқуқ бўзишларнинг сабаби сифатида фақат муайян шароитлардагина таъсир қилиши мумкин, яъни вояга етмаганларнинг иродаси бўш ёхуд ўз ижтимоий-этик ҳаракатларини назорат қилолмаслиги мумкин.

Вояга етмаганлар томонидан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятларини содир этилиши (2021-2023 йиллар январь-декабрь ойлари учун, ҳолатлар) қўйидаги рақамларда ўз аксини топган.

**Хусусан, 2021 йилда ўғирлик** – 1230 та, 2022 йилда 1581 та, 2023 йилда 1602 та, 2021 йилда **безорилик** – 239 та, 2022 йилда 284 та, 2023 йилда 543 та, 2021 йилда **фирибгарлик** – 119 та, 2022 йилда 134 та, 2023 йилда 135 тани ташкил этган.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича 2023 йилнинг январь-декабрь ойларида 2022 йилнинг шу даврига нисбатан ўғирлик – 1,0 мартага, фибгарлик – 1,0 мартага, безорилик – 1,6 мартага, ўсган.

Жиноят содир этилган пайтда бандлиги бўйича вояга етмаганлар ўртасида 2 730 нафар ўқиётганлар, 510 нафар ишчи, 148 нафар меҳнатга лаёқатли (ишламайдиган ва ўқимайдиганлар), 8 нафар ходим ва 190 нафар қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётганлар ҳисобга олинган [2].

2023 йилнинг январь-декабрь ойларида 2022 йилнинг шу даврига нисбатан жиноят содир этганлиги аниқланган вояга етмаганлар сони 15,6 % га, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида нисбатан эса 1,4 баробарга ошган. Вояга етмаганлар энг кўп Фарғона (700 киши), Наманган (451 киши) ва Тошкент (345 киши) вилоятларида, Тошкент шаҳрида (545 киши) қайд этилган. Шу билан бирга, Жиззах (54 нафар), Хоразм (66 нафар), Сирдарё (77 нафар), ва Навоий (62 нафар) вилоятларида энг кам ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганлар қайд этилган [2].

Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганлар томонидан ўзгалар мулкани талон-торож қилиш жиноятлари тизимида **“ўғирлик, безорилик ва фибгарлик”** жиноятлари ортиб бораётганлигидан келиб чиқиб, ушбу жиноятларнинг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларини илмий томондан ўрганиш қанчалик муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Хўш бу турдаги жиноятларнинг вояга етмаганлар томонидан содир этилиши нима сабабдан ортиб бормоқда? Вояга етмаганлар томонидан жиноятларни содир этилишини олдини олиш бўйича қонунчилигимизда уларни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган норма ва қоидаларнинг қанчалик даражада етарли эканлиги тўғрисида савол туғилади? Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан ушбу йўналишда жиноятларни олдини олиш ва келиб чиқишини ўрганиш тўғри ҳамда

самарали механизмлари ишлаб чиқилганми?

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 29.09.2010 йилдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича ишлар амалга оширилмоқда [3].

Бироқ, юқоридаги статистик маълумотлар вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни олдини олишда амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслиги, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жиноятчиликни олдини олишда аниқ механизмлар кўрсатилмаганлиги ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан мавжуд ҳужжатлар етарли даражада ижроси таъминланмаётганлигидан далолат беради.

Айнан вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш муҳим. Масалан, мазкур йўналишда Америка Қўшма Штатларининг ўзига хос тизим ва илғор тажрибага эга давлат ҳисобланади. Мазкур давлатда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишга қаратилган ўзига хос норматив база шакллантирилган бўлиб, бу борада АҚШнинг “Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари профилактикаси ва судлови тўғрисида”ги Қонунини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки АҚШда вояга етмаганлар ҳуқуқларини кафолатлашга оид қонунларнинг кодификация қилинганлиги бу борадаги масалага давлатнинг аниқ позицияси мавжудлигини яққол кўрсатади.

Хусусан, Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари тўғрисидаги федерал кодексда. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни суд тартибида ҳал этиш механизмлари белгилаб қўйилган.

А.Б.Гусейновнинг таъкидлашича АҚШнинг Флорида штати ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ишлаб чиқилган ва кўпгина давлат ва хусусий мактабларда жорий қилинган юридик таълим дастури диққатга сазовордир. 7-8-синф ўқувчилари учун мўлжалланган ушбу дастурнинг мақсади — вояга етмаганларни жамиятдаги мавжуд қадриятлар тизими, жиноят ҳуқуқи асослари ва фуқаронинг бурчлари билан таништириш, шунингдек, ҳуқуқбузарларни нима кутаётгани ҳақида ғояларни шакллантиришдан иборат [4].

АҚШнинг юқори урбанизациялашган шаҳарлари қаторида учинчи ўринни эгалловчи Virjiniya-Vich шаҳрида полиция департаменти асосий эътиборни вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш, болалар ва ўсмирлар билан ишлаш муаммосига қаратади. Ёш авлодни тарбиялашга бўлган эътиборни кучайтириш учун қуйидаги дастурдан фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, бошланғич мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган ўқув курси бўлиб, унда болалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий вазифалари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан, шунингдек, шахсий ва коллектив хавфсизликни таъминлаш чоралари билан таништирилади. Курс 4-синф ўқувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ўзида қонун ва жиноятчилик, яшаш жойининг хавфсизлиги, маиший ўғирликлар, вандализм ва шахсий хавфсизлик мавзуларини ўз ичига олган. Курс охирида ўтилган мавзуларнинг ўзлаштирилганлиги текширилади ва барча болаларга махсус гувоҳнома ва кўкрак нишонлари тақдим этилади. Ўқув курси 45 дақиқадан давом этадиган 6 машғулотдан иборат. Машғулотлар 3 ҳафта давомида педагогик маҳоратга эга бўлган полиция ходимлари томонидан олиб борилади. Полиция ходимлари дарс машғулотларида албатта хизмат кийимида бўлишлари шарт.

Бу, албатта ижобий ахлоқий-руҳий таъсир кўрсатишга муҳим шароит яратади. Чунки, айнан бошланғич синф ўқувчиларида ноодатий равишда таъсирчанликнинг юқорилиги ва мустақил бўлишга интилиш кузатилади. Ўқув материали ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб тузилган бўлиб, ўқитиш жараёнида ўйинлардан ва қисқа метражли фильмлардан кенг фойдаланилади.

Дастур яратувчиларининг фикрича, болани ёшлигидан бошлаб ижтимоий ҳодисаларни тўғри тушуштириш орқали тарбиялаш, полицияга нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш ҳамда эҳтимолий ва хавfli вазиятлардан ўзини сақлашни

ўргатиш зарур. Таъкидлаб ўтиладики, курсни ўтаган болада келгусида жиноятчи ёки жабрланувчи бўлиш имкониятлари камаяди.

АҚШда жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг учта модели ташкил қилинган:

- 1) жамоат ташкилотларининг модели;
- 2) индивид хавфсизлиги модели;
- 3) атроф-муҳит орқали таъсир кўрсатиш модели.

Жиноятларнинг олдини олиш дастури федерал ва маҳаллий даражада амалга оширилади. Айрим штатларда ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг иштироки талончилик жинояти сонини 30 фоизга камайишига ёрдам берган. Тезкор-профилактик аҳамиятдаги маълумотларни етказганлик учун мукофотлаш усулидан фойдаланилади.

АҚШ тажрибасини таҳлил қилган ҳолда, жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг юқоридаги уч моделини мамлакатимизда қўллаш ўзини самарали натижаларини олиб келиши мумкинлигини ҳақида фикр билдиришимиз мумкин.

Шунингдек, Буюк Британияда криминал хавфсизликнинг минимал стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолини полиция билан ҳамкорликка жалб қилиш усулидан кенг фойдаланилмоқда (патруллик қилиш, жиноят кўпроқ бўлган туманларда навбатчилик ва бошқ.). Францияда “Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш тўғрисида”ги қонун (2007 й.) билан болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари кузатилганда тезкорлик билан давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш лозим эканлиги белгиланган. Ушбу маълумотларни била туриб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаган шахслар 3 йилгача озодликдан махрум қилиниши ёки 45 минг евро миқдориде жаримага солиниши мумкин. Бундан ташқари, Францияда бир қатор аёллар ёки вояга етмаганлар мурожаат қилиши мумкин бўлган марказлар мавжуд бўлиб, уларга мурожаат қилиш учун “3919-ишонч телефони”га кўнғироқ қилиш амалиёти мавжуд. Агарда, оиладаги ҳолат шуни талаб қилса, зўравонлик қурбонига ташкил этилган уйларга бориб яшаш таклиф қилинади [5].

Юқоридаги хорижий мамлакатларнинг ушбу йўналишдаги амалиётдан келиб чиқиб, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятга олдини олишда жамоатчилик кўмагидан кенг фойдаланиш ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳақида алоҳида мурожаат марказлари ташкил этиш амалиётини қўллаш ўз ижобий самарасини беради деб ҳисоблаймиз.

Г.А.Мирсалихованинг фикрича, таълим тизимининг барча босқичларида вояга етмаганларнинг психологик ҳолати диагностикасига ихтисослашган психолог кадрлар ҳамда ташкилотлар мавжуд бўлсада, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни амалга оширадиган ягона тузилманинг мавжуд эмаслиги психологик хизматлар фаолияти самарадорлигининг паст даражада қолишига сабаб бўлаётганлиги; шунингдек, таълим муассасаларида профилактика инспекторлари ва маҳалла вакилларининг хизмат хоналари ташкил этилган бўлсада, уларнинг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик йўналишлари ҳамда фаолияти самарадорлигини баҳолаш механизмлари белгилаб берилмаганлигини; аҳолига психологик хизмат кўрсатиш етарлича йўлга қўйилмаганлиги оқибатида жамиятда ижтимоий-психологик, жумладан оилавий муаммолар (ажримлар, оиладаги низолар, ота-она ва фарзанд муносабатлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта туғруқ), “оммавий маданият”нинг салбий таъсирларига тобелик, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари давом этмаётганлигини таъкидлаган [6].

Биз ҳам юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда “Жиноятларни оқибати билан эмас, балки уни олдини олиш билан илмий ва амалий жиҳатдан шуғулланиш зарур” дир. Чунки амалиётда жиноят содир этган шахсни жазолаш билан чекланиб қолинмоқ. Аслида жиноят ҳар-ҳил сабабларга кўра содир этилади. Биз ушбу сабабларни илмий томондан ва амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилган ҳолда ўрганиш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш жиноятлари жамиятда кўп учрайдиган ҳолатлар бўлиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари кенг қамровли

ва кўп омилларга боғлиқдир. Бу жиноятларнинг пайдо бўлишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Тадқиқот натижасида вояга етмаганлар томонидан содир этилган “ўзгалар мулкани талон-торож қилиш” жиноятларининг келиб чиқиш сабабларини чуқурроқ англаш учун илмий тадқиқотларга, статистик маълумотларга ва социология соҳаларидаги назарияларга, шунингдек, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига асосланиб, қуйидаги фикрларни келтиришимиз мумкин.

Жумладан, жиноятчиликни ўрганувчи тадқиқотларда кўрсатилишича, иқтисодий жиҳатдан ночор оилаларда ўсган вояга етмаганлар, одатда, моддий етишмовчилик сабабли жиноят содир этиш эҳтимолига кўпроқ дуч келади. Бу омиллар, жумладан, ёшларнинг пул топиш йўллари қидиришга мажбур эканлигини кўрсатади. Социологларнинг фикрича жиноятчиликка оид тадқиқотларда муҳит ва оилавий муносабатлар жиноятлар келиб чиқишига асосий сабаб сифатида келтирилади. Кам таъминланган оилалар ёки ижтимоий назоратсизлик болаларда хатти-ҳаракатларни назорат қилишга қодир бўлмаган муҳитга айланади.

Кейинги ўринда, болаларнинг руҳий ҳолати ва уларнинг ҳаётга муносабати, хусусан, эмоционал ёки психологик жараёнлар жиноятчиликка йўналтириши мумкинлиги ҳақидаги гипотезалар мавжуд бўлиб, бу ерда болалардаги агрессия ва ёшликдаги психологик муаммолар уларни жиноятга ундаши мумкинлигини кўрсатувчи далилларни жиноят ишларини таҳлилларида кўриш мумкин.

Вояга етмаганлар ўзларини ижтимоий гуруҳларда “қаҳрамон” кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳолатлар уларнинг руҳий ҳолатига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Яна бир ҳолат мактаблардаги назоратнинг пастлиги ёки тарбия ишларининг етарли эмаслиги болаларнинг хатти-ҳаракатлари учун назорат механизмларининг йўқлигини кўрсатади.

Бу ҳолат назоратига Миллий гвардия ходимлари жалб қилинганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мактаб ёки оилавий назорат етишмовчилиги ёшларни жиноятга ундайди. Умумий таълим сифати ва ёшларнинг таълимдан узоқлашиши ўртасида жиноятчилик ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. Моддий имконияти бор оилалар болаларини қўшимча курсларга жалб қилмоқда, қолган ҳолларда билим даражаси ўқишга кириш имкониятини қисқартирмоқда.

Шунингдек, муҳим масалалардан бири, жамиятда ишсизлик даражаси ёшлар ўртасида иш билан банд бўлмаслик ҳолатини яратади, бу эса, ўз навбатида, жиноятчиликка йўналтириш хавфини оширади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, меҳнат бозорида ёшлар учун етарли имкониятлар бўлмаслиги уларни ноқонуний фаолиятга йўналтириши мумкин.

Жумладан яхши яшаш, тенгдошларида ўртасида тафоввуд уларни ушбу жиноятларни содир этишига замин бўлиши мумкин. Ҳозирги кунда ҳуқуқий билимлар мактабларда берилаётган бўлсада, таълим сифатидаги муаммолар ёшларнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорларига салбий таъсир кўрсатади. Бу уларнинг жиноят йўлига тушиш эҳтимолини оширади.

Шунга ўхшаш ҳолатлар бўйича олиб борилган тадқиқотлар ўрганилиши шуни кўрсатадики, ахлоқий тарбиясизлик ёки ҳуқуқий билимларнинг йўқлиги ёшларнинг хато қарорлар қабул қилишларига сабаб бўлади. Бу ҳолат кўпинча уларни ижтимоий тармоқларда оқибатини ўйламасдан амалга ошираётган ҳаракатларида ҳам кўришимиз мумкин. Юқоридаги барча фикрлар асосида келтирилган фактлар ва гипотезалар таҳлил қилинганда, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабаблари жуда кенг ва мураккаб эканлигини кўришимиз мумкин. Бу жойда илмий асосга эга бўлган тадқиқотлар, ижтимоий ва психологик назариялардан фойдаланиш, шунингдек, реал ҳаётдаги маълумотлар ва амалиётлар далил сифатида қўлланилиши муҳимдир.

Бизнинг фикримизча вояга етмаганлар томонидан жиноятларни содир этилишидаги сабабларни мақоламизда кўрсатиб ўтдик. Мазкур сабабларни илмий томондан ўрганган ҳолда, амалиётга жорий қилиш бўйича қуйидаги таклифларимизни келтириб ўтамиз.

Хусусан, оиладаги ва турмушдаги салбий таъсирлар – яъни ота-она фарзандига



етарлича эътибор бермаслиги унинг ҳаётдаги мақсади ва орзулари билан қизиқмаслиги ҳамда фарзандларини бир-биридан устун қўйиши, уларни доимий назорат қилиб бормаслиги, шунингдек ота-она ўртасида доимий равишда келишмовчиликлар жанжаллар бўлишини олдини олиш; носоғлом турмиш тарзи – Ота-онанинг доимий равишда спиртли ичимликлар ёки гиёвандлик воситаларини истеъмол қилишини олдини олиш ва соғлом турмушга қайтариш; ёмон хулқли шахслар билан алоқада бўлиш – вояга етмаганларнинг ёмон хулқли шахслар билан дўст бўлмаслигини, агар дўст бўлган тақдирда ўзига нисбатан келгусида салбий оқибатлар вужудга келишини ҳаётий мисоллар билан тушунтириш; вояга етмаганларни таълим муассасалари томонидан уларнинг дарсдан ташқари вақтларини самарали ўтказиш мақсадида қизиқарли тўғарақларни шунингдек касбга, хунарга ўргатиш марказларини ташкил уларнинг фаолиятини доимийлигини таъминлашда давлат томонидан молиявий қўллаб-қўвватлаш тизимини яратиш зарур.

Жиноятларнинг олдини олиш учун, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш уларнинг ҳар бир ҳолатдаги аниқ сабабларини аниқлаш ва энг самарали профилактика чораларини ишлаб чиқиш учун жиноятчилик таҳлили ва социологик тадқиқотлар зарур деб ҳисоблаймиз.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Н.Салаев. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари нимада? 30.08.2024 // URL: <https://yuz.uz/news/voyaga-etmaganlar-jinoyatchiligining-sabablari-nimada>;

2. <https://stat.uz>;

3. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-263-сон 30.09.2010 // URL: <https://www.lex.uz/uz/docs/1685726>;

4. Гусейнов А.Б. Профилактика право нарушений несовершеннолетних за рубежом // Теория и практика общественного развития, 2010. №3. – С.186;

4. Juvenile Justice and Delinquency Prevention Act of 2002 // URL: <https://ojjdp.ojp.gov/>;

5. Г.А.Мирсалихова “Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши” INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION International scientific-online conference. 2024 й.;

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

**БОБОМУРОДОВ Фарход Боймуротович**

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ягона тезкор бошқарув марказининг  
масъул ходими, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: [farxodbobomurodov663@gmail.com](mailto:farxodbobomurodov663@gmail.com)

### ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): БОБОМУРОДОВ Ф.Б.**  
Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари-  
ни таъминлашнинг ташкилий асосларини такомиллаштириш // Юрист ахборотномаси  
– Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) В. 68-74.

 5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-9>

#### АННОТАЦИЯ

Мақолада тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда амалиёт ходимларининг ташкилий фаолияти замон талабига тўлиқ жавоб бермаслиги, эмпирик материаллар ва амалиётда учраётган муаммоларни ўрганиш асосида таҳлил қилинган. Тезкор ходимларнинг иш тартиби, вазифаси такрорланмаслигини олдини олиш учун янги бўлинмаларни ташкил этиш зарурати асослантирилган. Ҳозирда энг кўп содир этилаётган жиноятларнинг тури, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда, кунлик (жорий) функциялар тақсимланиши, мазкур жараёни назорат қилиш ваколатини прокурорга берилиши, инсон ҳуқуқларига риоя қилинишига таъсири ижобий баҳоланган. Ушбу ислохотлар ходимларнинг штат бирлигини қайта кўриб чиқиш, кунлик ишлаш тартибини ва моддий базаларини такомиллаштириш билан узвий боғлиқлиги таъкидланган. Бундан ташқари тезкор бўлинмаларнинг фаолиятини рақамлаштириш орқали ички, ташқи ва халқаро ҳамкорлик масалаларига эътибор қаратиш лозимлиги асослантирилган.

**Калит сўзлар:** инсон ҳуқуқлари, тезкор-қидирув фаолияти, тезкор бўлинмалар, жиноятларнинг олдини олиш, терговга қадар текширув, тезкор-қидирув тадбирлари, рақамлаштириш.

**БОБОМУРОДОВ Фарход Боймуротович**

Ответственный сотрудник Единого центра оперативного управления  
Главного управления внутренних дел г. Ташкента,  
доктор философии по юридическим наукам (PhD)

E-mail: [farxodbobomurodov663@gmail.com](mailto:farxodbobomurodov663@gmail.com)

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННЫХ ОСНОВ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВ, СВОБОД И ЗАКОННЫХ ИНТЕРЕСОВ ЧЕЛОВЕКА В ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

### АННОТАЦИЯ

В статье проведен анализ на основе эмпирического материала и изучения практических проблем организационной деятельности персонала по обеспечению прав, свобод и законных интересов человека в оперативно-розыскной деятельности, которая не в полной мере отвечает требованиям времени. Обоснована необходимость создания новых подразделений для предотвращения дублирования порядка работы и задач, поставленных перед сотрудниками. Обосновано что реформы неразрывно связаны с пересмотром штатов работников, совершенствованием распорядка дня и материальной базы, а также обоснована необходимость сосредоточения внимания на вопросах международного сотрудничества посредством цифровизации деятельности оперативных подразделений.

**Ключевые слова:** права человека, оперативно-розыскная деятельность, оперативные подразделения, предупреждение преступлений, досудебное расследование, оперативно-розыскные мероприятия, оцифровка.

**BOBOMURODOV Farkhod**

Doctor of philosophy in law (PhD)

E-mail: [farxodbobomurodov663@gmail.com](mailto:farxodbobomurodov663@gmail.com)

## IMPROVING THE ORGANIZATIONAL FRAMEWORK FOR ENSURING HUMAN RIGHTS, FREEDOMS AND LEGITIMATE INTERESTS IN OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITIES

### ANNOTATION

The article was analyzed on the basis of the fact that the organizational activities of internship personnel in ensuring human rights, freedoms and legitimate interests in operational-search activities do not fully meet the requirements of the time, empirical materials and studies of the problems encountered in practice. The order of work of operational personnel, the need to establish new units to avoid the repetition of the task is justified. It is noted that these reforms are inextricably linked with the revision of the state unit of employees, the improvement of the daily routine of work and material bases. In addition, it is justified that by digitizing the activities of operational units, attention should be paid to issues of domestic, foreign and international cooperation.

**Keywords:** human rights, operational-search activities, operational units, crime prevention, pre-investigation investigation, operational-search activities, digitization.

Дунёда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муносиб таъминлаш, давлатларнинг хавфсизлик ва жиноятчилик кўрсаткичлари, фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда уларнинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулкни ҳимоя қилиш масаласи Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларнинг демократик ривожланиш даражасига, одил судловнинг самарадорлик кўрсаткичларига тааллуқлидир. Статистик маълумотларга кўра, дунёда қарийб 1 миллиард 500 миллион инсонлар бузилган ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга эмас [1]. Бу ҳар бир давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг хизмат фаолиятини ташкил этиши билан боғлиқ. Хусусан, 2024 йилнинг июль ойи бўйича ҳар 100.000 аҳолига нисбатан Венесуэлада 82,1 та, Янги Гвинейда 80,4 та, Жанубий Африкада 75,5 та, Сурияда 69,1

та, энг паст даражада Швейцарияда 24,9 та, Японияда 22,9 та, Қатарда 14,3 та [2] жиноятлар қайд этилган. Бунинг асосий сабаби бевосита ушбу давлатларнинг ҳуқуқ тартибот органлари мунтазам равишда самарали фаолият кўрсатишидир. Зеро, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиб бораётган глобаллашув жараёнларида ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини адолат тамойилига асосан ҳимоя қилиш [3], жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида адолат устувор бўлишини таъминлашда ички ишлар органлари кундалик хизмат вазибаларини масъулият билан бажаришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлигини тўлиқ таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларни қонуний асослар ва шартларга амал қилган ҳолда ўтказиш, бу борада қонунни бузган ҳар бир мансабдор шахсни жавобгарликка тортиш, турли тажовузлар оқибатида фуқароларга етказилган жисмоний, маънавий ва моддий зарарларни қоплаш юзасидан кенг қамровли ислохотлар ўтказилмоқда. Жумладан, 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларида: “мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни назарда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилининг белгилангани; 16-мақсадида: “қонун устуворлигига қўмаклашиш, барча учун одил судловдан фойдаланиш бўйича тенг имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилганлиги” [4]; “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 87-мақсадида: “ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш” [5] га урғу берилган бўлиб, бунда далилларни йиғиш ва расмийлаштиришда замонавий ахборот технологиялари ва илмий ютуқларни жорий қилиш орқали фаолиятнинг рақамлаштирилиши, тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

2023 йил 28 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида ИИВнинг 2023 йилда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси борасида тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бажарилган ишлар атрофлича муҳокама қилиниб, унга кўра, 2023 йилда содир этилган умумий жиноятларнинг 87,7 фоизи фош этилганлиги, қидирувда юрган жами 7563 нафар шахслар ушланганлиги, бедарак йўқолган 450 нафар шахс топилгани, тезкор-қидирув тадбирлари натижасида ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиб содир этилган 6455 та жиноят аниқланганлиги [6] ташкил этиши алоҳида таъкидланиб, мазкур вазибаларни сифатли бажаришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш белгиланди. Тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг ташкилий механизмининг яратилиши, тезкор бўлинмаларнинг ишини самарали ташкил этишга ҳуқуқий асос бўлади. Ташкилий механизм дейилганда Тезкор-қидирув фаолияти соҳасига тегишли қонунлар ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган идоравий ҳужжатларни қўллаш механизминини тушуниш лозим.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси учинчи хатбошида: *“жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларни фош этиш, шунингдек, жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш”* [7] каби муҳим вазибалар белгиланган бўлиб, амалиётда тезкор бўлинмалар томонидан жиноятларни аниқлаш, уларни фош этиш, жиноятларни тайёрлаш ва содир этишга дахлдор шахсларни аниқлаш ҳамда топиш каби вазибалар амалга оширилмоқда.

Статистик маълумотлардан шу аёнки, 1991–2023 йилларда содир этилган жиноятларнинг 75 фоизи ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, 10 фоизи жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши, 8 фоизини оилага, ёшларга ва ахлоққа ва 7 фоизини шахсга қаратилган жиноятларни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, энг кўп содир этиладиган жиноятлар ўзганинг мулкини турли усуллар билан



талон-торож қилиш ҳисобланиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ дахлсизлик ҳуқуқининг бузилишига олиб келмоқда. Терговга қадар текширувда кўриб чиқилаётган мурожаатларнинг 3/4 қисми замонавий усулда фуқароларнинг мол-мулкига моддий зарар етказилганлиги аниқланмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳолати давом этаётган экан ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларнинг штат бирликларидан келиб чиққан ҳолда янги бўлинмаларни ташкил этиш лозим. Бунда маъмурий ҳудудларнинг географик тузилиши, аҳоли сони, фуқароларнинг қонунларга бўлган муносабати, ҳудудларнинг ижтимоий-криминоген вазиятини инобатга олиш лозим.

Ҳозирда шаҳар (туман)ларда фаолият кўрсатаётган тезкор ходимлар ички ишлар органи раҳбарининг буйруғи билан маҳаллаларга бириктирилиб, хизмат раҳбари томонидан тасдиқланган функционал вазифалари бўйича жиноят-қидирув ва терроризмга қарши курашиш йўналишида жиноятларни аниқлаш ҳамда фош этиш билан шуғулланмоқда. Аксарият ҳолларда шаҳар (туман)ларда фаолият кўрсатаётган тезкор ходимларининг тезкор-қидирув фаолиятининг вазифаларини такроран вилоят ёки вазирликнинг ходимлари томонидан амалга ошириш ҳолатлари кузатилмоқда. Ички ишлар органлари тезкор хизматларининг вертикал тизими ва тузилиши (даражаси, мақоми)дан келиб чиқиб хизмат вазифаларини аниқлаштириш лозим. Яъни, вазирлик, бош бошқарма ва бошқарма таркибидаги бўлинмаларнинг тезкор ходимлари, содир этилиб фош этилмасдан қолаётган, шов-шувли, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни фош этишда туман (шаҳар)ларда фаолият кўрсатаётган тезкор ходимларга амалий жиҳатдан, яъни, жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва фош этишни тактик жиҳатлари ҳақида маслаҳатлар ҳамда маҳорат билан (мастер класс) тезкор-қидирув тадбирлари ўтказилиб, ёш жиҳатдан амалий тажрибаси етарли бўлмаган тезкор ходимларнинг соҳага оид кўникмасини оширишга ҳисса қўшишлари лозим. Мисол учун бир туманда 15 нафар тезкор ходимлар фаолият кўрсатадиган бўлса, ушбу ходимларга бириктирилган маҳаллалар кесимида жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш, шунингдек, кунлик (жорий) иши ҳисобланган терговга қадар текширув ишларини амалга ошириш вазифаларини дақиқалар ва соатлар бўйича чуқур ўрганиш орқали хизматни тўғри ташкил этиш лозим.

Эксперимент тариқасида энг кам (3 нафар), ўртача (15 нафар) ва кўп (60 нафаргача) тезкор ходимлар фаолият кўрсатаётган туман (шаҳар)ларда Ички ишлар органлари Жиноят қидирув хизматида “Жиноятларни олдини олиш”, “Жиноятларни аниқлаш ва барҳам бериш”, “Жиноятларни фош этиш” ва “Терговга қадар текширувни амалга ошириш” номли бўлим ва бўлинма (гуруҳ)лар ташкил этиш лозим, агарда ижобий самарага эришилса, бошқа ҳудудларда ҳам ушбу амалиётни кенг жорий этиш керак. Асосан тўрт йўналишларда тезкор-қидирув фаолияти вазифаларини самарали ҳал этишга эътибор қаратилиб, туман (шаҳар)даги ижтимоий-криминоген вазият оғир бўлганида кўшимча равишда ИИВнинг бошқа соҳавий хизматларидан ёки юқори турувчи тезкор бўлинмаларидан ходимларни ҳудудий ИИОлари раҳбарининг фармойишига асосан “Жиноятларни олдини олиш”, “Жиноятларни аниқлаш ва барҳам бериш”, “Жиноятларни фош этиш” бўлинмаларига кўшимча куч сифатида жалб этилиши, *биринчидан*, тезкор ходимлар ТҚФ вазифаларини ҳал этишга ихтисослашади; *иккинчидан*, тезкор ходимлар томонидан жиноятларнинг олдини олиш вазифаси таъминланади; *учинчидан*, тезкор ходимнинг иши самарали ташкил этилади; *тўртинчидан*, фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқи ва ундан эркин фойдаланиши таъминланади.

Мазкур ислоҳотларни амалга оширишда тезкор-қидирув фаолиятини идоравий назорат қилувчи раҳбарлар, ходимларни суткалик навбатчиликка тушиши ва эртаси куни дам олиши; касал бўлиши ва меҳнат таътилига чиқишини инобатга олиши лозим. Шунингдек, терроризмга қарши курашиш, қидирув ишини ташкил этиш ишлари ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Бунинг учун соҳада бюрократия, йиғилишбозликдан воз кечилиб, ходимларнинг вақтини олмаслик керак. Масалан, йиғилиш ҳар куни эрталаб соат 08:30 дан 09:00 гача ташкил этилиб, бажарилган ишлар

натижасини (кечқурун йиғилишга чақирмасдан) онлайн режимда масофадан туриб сўраш, ўрганиш, терговга қадар текширув ишларнинг реал ҳолатни “Е – материал” тизими орқали ўрганиш; тезкор ходимларни хизмат ҳудудига бориб кунлик ишини назорат қилиш орқали ижобий самарага эришилади. Бундан ташқари, тезкор ходимнинг фаолиятига доир махсус балл йиғишга оид йўриқномасига зарурат бўлганида ўзгартириш киритиш талаб этилади. Шунингдек, ҳозирда ахборот технологиялари соҳасида (кибер) жиноятлар салмоғи жиҳатдан ошиб бораётгани, кибержиноятларни аниқлаш ва фош этиш билан шуғулланувчи ходимлар бор-йўғи 5-10 фоизни ташкил этаётганлигини инобатга олиб, туман(шаҳар)ларда ИТ соҳасида билимга эга мутахассисларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тезкор бўлинмаларнинг жиноятларни олдини олиш, аниқлаш, барҳам бериш ва фош этиш фаолиятини назорат қилиш ҳар ой ҳудудий прокурорлар томонидан амалга оширилиши тўғри бўлади. Ойида бир маротаба тезкор бўлинмалар томонидан ўтказилган тадбирлар ҳақида ҳисоботни прокурорга тақдим этилиши, ушбу ҳисоботлар қуйидаги: 1) ўтказилган умумий, махсус, яққа ва профилактик тадбирлар сони; 2) профилактик тадбирлар ўтказилган жойи ва иштирокчилар сони; 3) жиноятларнинг сабаб ва шароитлари ўрганилганлиги; 4) аниқланган жиноятларнинг сони ва жойи; 5) олди олинган жиноятларнинг фош этилганлик сони ва жойи; 6) жиноят содир этган шахсларнинг шахсига оид маълумотлар; 7) ўтказилган ТҚТларининг номи ва сони; 8) ўтказилган махсус профилактик тадбирларининг номи ва сони; 9) тадбир давомида аниқланган нарса буюмлар сони (миқдори); 10) тадбир давомида қидирувдаги ушланган шахсларнинг сони; 11) тадбирда иштирок этган ходимлар ва фуқароларнинг сони; 12) тадбир натижалари юзасидан қабул қилинган қарорлар сони (жиноят ишини қўзғатишдан рад этилди; тергов органига тақдим этилди; тегишлилиги бўйича юборилди) каби йўналишларда тузиб, прокурорга тақдим этилади. Прокурор тезкор хизмат томонидан тақдим этилган ҳисоботни таҳлил қилиб, ходимнинг фаолиятига объектив баҳо бериши, яхши натижаларга эришишга ҳисса қўшган субъект (ходим ва фуқаро)ларни рағбатлантириш, кўрсаткичлари қониқарсиз деб топилган ходимларга нисбатан тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳақида ҳудудий ички ишлар органи раҳбарига таклифлар ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар ҳақида кўрсатмалар юбориши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ички ишлар органлари тезкор хизматларининг замонавий қиёфасини яратишда, ушбу фаолиятни босқичма босқич рақамлаштириш [8]; ТҚФда ахборот коммуникациялари ва технологияларидан кенг фойдаланилиши лозим. Тизимда электрон рақамли имзонинг замонавий усулларида (*қўл бармоқ изи; QR-код ва бошқ.*) фойдаланиш шунингдек, таҳлил ишларини амалга ошириш орқали тезкор бўлинмаларнинг келгусидаги 5-10 йиллик фаолиятни прогноз, башорат қилиш ва жиноятларнинг самарали фош этишда сунъий идрокнинг [9] имкониятларидан кенг қўллаш зарурдир.

Фаолиятни рақамлаштиришда тезкор бўлинмаларнинг кундалик иш фаолиятини онсон ва қулай бўлишига катта эътибор қаратиш, масалан барча журналларни, тезкор карточкаларни электрон шаклда юритилиши ва ўзаро ёзишмаларни махсус ёпиқ локал тармоқ асосида юборилишини йўлга қўйиш. ИИВнинг соҳавий хизматлари ҳамда бошқа давлат органлари билан логин ва парол билан электрон почта орқали ёзишмаларни амалга ошириш керак.

Статистик маълумотларнинг таҳлиliga кўра, 2018 – 2023 йилларда Республикамиз ҳудудида кибермаконда содир этилаётган жиноятларнинг салмоғи жуда ошиб бораётганлиги туфайли, тезкорлик билан фуқароларнинг банк пластик карталарининг ҳисобидан пул ечиб олинishi (ўғирланиши)ни зудликда тўхтатиш учун ҳозирда банк муассасалари билан электрон шаклда ёзишмаларни амалга оширишни талаб этмоқда. Ушбу жараён жиноятиши қўзғатилганидан кейин ўтказилаётгани тезкор ҳаракатланишга салбий таъсир кўрсатмоқда, оқибатда жабрланган фуқароларга етказилган мулкый зарар қопланмасдан [10] қолишига олиб келмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун банк сирига оид маълумотни тўплаш тезкор-қидирув тадбирини электрон

шаклда терговга қадар текширувдан бошлаб яъни, ариза ва хабар келиб тушган заҳоти банкга юборишни таъминлашда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг қуйи тизими (шаҳар ва туманлар)да “ИО TQFda yozishmalar” номли платформа асосида банк, прокуратура, суд органларининг ходимлари билан логин, парол асосида сўровнома, хат ёзишмаларини йўлга қўйилиши, тезкор-қидирув фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳар томонлама фойдали амалиёт бўларди деб ҳисоблаймиз.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар органи тезкор хизматида ахборот таҳлил фаолияти самарали ташкил этилиши зарур. Бунинг учун соҳада таҳлил иши билан шуғуланадиган тезкор ходим сунъий интелект технологияларининг имкониятларидан унумли фойдаланишлари [11] (масалан, жиноятларнинг содир этиш вақти, шароити, жойи, усуллари, шахси ҳақида маълумотларнинг базаларини яратиш), шу орқали, тезкор-қидирув фаолияти соҳада айниқса, кибержиноятларга қарши курашишда, жамоат жойларида, хусусий, давлат объектларида, ўтган (15-20) йилларда содир этилиб қош этилмасдан қолаётган мулкӣ турдаги жиноятларни қош этишда тўғри қарорлар қабул қилиниб, тезкор-қидирув фаолияти вазифалари ижобӣ ҳал этилишига эришилади.

Шунингдек, ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларига Тезкор (ягона) бошқарув марказининг ахборот тизимларидан тезкорлик билан фойдаланиши учун имконият яратиш. Натижада содир этилаётган барча турдаги (*жиноят қидирув; иқтисодӣ ва бошқ.*) жиноятларнинг “иссиқизи” да қош этишга, содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг барвақт олдини олиш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланиши мумкин. Бунинг учун ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари таркибида Тезкор бошқарув маркази билан тезкор ҳамкорлик қилувчи штат бирликларини жорий этиш ва марказга келиб тушаётган маълумотларни зудликда таҳлил қилиш асосида идоравӣ назорат қилувчи орган раҳбарига тақдим этиш лозим.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ваколатли давлат органлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбирлари (*банк сирига оид маълумотларни тўплаш; турар жойларни текшириш; почта, куръерлик жўнатмалари ва телеграф хабарларини назорат қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш; абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш*)ни ўтказишда жиноят ишлари бўйича ваколатли судьядан рухсат (санкция) олишда қандай ҳужжатлар тузилиши ва қанча муддатда ҳужжатлар тақдим этилиши, кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда тадбирни ўтказишга ким рухсат бериш тартибини тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг идоравӣ ҳужжатларида конкрет белгилаш талаб этилади.

Бундан ташқари, ҳамкорлик масаласига ҳам алоҳида эътибор берилиб, ушбу ишларни масофадан туриб, электрон тарзда амалга ошириш лозим. Бунинг учун ИИВнинг соҳавӣ хизматлари билан *ички*, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа давлат (ТҚФ) органлари билан *ташқи*, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари ва турдош халқаро ташкилотлар ходимларининг жиноятчиликка қарши курашишда *халқаро* ҳамкорликдаги махсус тадбирларнинг самарали ўтказилишида ахборотлар алмашинувининг тезкорлигини таъминлашга аҳамият бериш лозим. Мазкур масала бўйича маҳаллий дастурчиларнинг имкониятидан унумли фойдаланиб, **“Huquqni muhofaza qiluvchi organlarning hamkorligi”** номли платформасини ишлаб чиқиш. Ушбу тизим орқали ҳуқуқ тартибот органларининг барча соҳавӣ хизматлари, фуқаролар, бошқа давлат органлари ҳамда чет эл давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан халқаро ҳамкорлик иши амалга ошрилади. Бунда ҳар бир фойдаланувчи шахсий логин ва пароли асосида платформага кириш ва ундан унумли фойдаланиш имконияти яратилади.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. World Justice Project. Measuring the Justice Gap // <https://worldjusticeproject.org/our-work/research-and-data/access-justice/measuring-justice-gap>;
2. Crime Rate by Country 2024 // <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/crime-rate-by-country>;
3. Каримов В.Г. Тезкор-қидирув қонунчилиқни ривожлантиришнинг айрим масалалари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2018. – № 1 (33) – Б. 24-29.;
4. United Nations Uzbekistan // <https://uzbekistan.un.org/>;
5. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentabrdagi «O‘zbekiston – 2030» Strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-158-son Farmoni // <https://lex.uz/ru/docs/-6600413>;
6. Какая работа проделана в 2023 году в республике по предупреждению и профилактике правонарушений? 28.02.2024 // <https://senat.uz/oz/events/post-1844>;
7. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // <https://lex.uz/uz/docs/2107763>;
8. Осипенко Анатолий Леонидович Оперативно-розыскная деятельность в информационном обществе: адаптация к условиям цифровой реальности // Научный вестник Омской академии МВД России. 2019. №4 (75). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/operativno-rozysknaya-deyatelnost-v-informatsionnom-obschestve-adaptatsiya-k-usloviyam-tsifrovoy-realnosti> (дата обращения: 03.11.2024);
9. Иван Александрович Завьялов ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В РАСКРЫТИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ // Вестник Московского университета МВД России. 2021. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zarubezhnyy-opyt-ispolzovaniya-iskusstvennogo-intellekta-v-raskrytii-prestupleniy> (дата обращения: 03.11.2024).
10. Иванов Пётр Иванович Оперативно-розыскное противодействие киберпреступлениям (проблемы и пути их решения) // Труды Академии управления МВД России. 2022. №4 (64). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/operativno-rozysknoe-protivodeystvie-kiberprestupleniyam-problemy-i-puti-ih-resheniya> (дата обращения: 03.11.2024);
11. Ахмет Бахтиярович Акимов Жамоат хавфсизлигини таъминлашда техника воситаларини қўллашнинг ўзига хос жиҳатлари // Academic research in educational sciences. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zhamoat-havfsizligini-taminlashda-tehnika-vositalarini-llashning-ziga-hos-zhi-atlari> (дата обращения: 03.11.2024);



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ  
ВЕСТНИК ЮРИСТА  
LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ISMOILOV Samandar

Head researcher at the Parliamentary research institute under the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan  
E-Mail: samandar.ismoilov@mail.ru

IMPACT OF CLIMATE CHANGE ISSUES ON THE PROTECTION OF INTERNATIONAL HUMAN RIGHTS

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ISMOILOV S. Impact of climate change issues on the protection of international human rights // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) P. 75-82.

 5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-10>

ANNOTATION

This article delves into the intersection of climate change issues and international human rights, emphasizing the urgent need for legal and political responses to address the looming threats posed by climate change. It highlights the disproportionate impact of climate change on future generations, emphasizing the potential loss of human rights, including access to essential resources like water and natural sources. The author outlines four key changes in the legal and political landscape that governments must prioritize to achieve intergenerational justice. These include addressing non-compliance with international treaties, emphasizing the importance and necessity of green technology, exploring the politics of providing asylum for climate refugees, and evaluating climate financing approaches. The article suggests that these measures are crucial for mitigating the severity of climate-related catastrophes and ensuring justice for future generations.

**Keywords:** Climate change, International human rights, Legal and political responses, Intergenerational justice, Climate refugees, Law, Global warming.

ИСМОИЛОВ Самандар Абдихаким ўғли

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги  
Парламент тадқиқотлари институти Бош илмий ходими  
E-mail: samandar.ismoilov@mail.ru

ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ МУАММОЛАРИНИНГ ҲАЛҚАРО ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ  
ҲИМОЯСИГА ТАЪСИРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола иқлим ўзгариши муаммолари ва халқаро инсон ҳуқуқлари бузилиши

ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ этиб, иқлим ўзгаришининг яқинлашиб келаётган таҳдидларига ҳуқуқий ва сиёсий ечим ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди. Мақола иқлим ўзгаришининг келажак авлодларга номутаносиб таъсирини таъкидлаб, инсон ҳуқуқлари, жумладан, келажакда сув ва табиий ресурслар каби муҳим ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини чекланишини келтириб ўтади. Муаллиф авлодлараро адолатга эришиш учун ҳукуматлар биринчи ўринга қўйиши керак бўлган ҳуқуқий ва сиёсий соҳадаги тўртта асосий йўналишларни таклиф этади. Яъни, давлатлар томонидан иқлим муаммоларини юмшатишга қаратилган халқаро шартномаларга риоя қилмаслик масалаларини ҳал қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни тезлаштириш, иқлим қочқинлари учун сиёсий бошпана бериш тартибини қайта кўриб чиқиш ва ушбу ташаббусларни узлуксиз молиялаштириш тизимини яратиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Мақолада хулоса қилинадик, ушбу чора-тадбирлар иқлим ўзгариши муаммоларни камайтириш ва келажак авлодлар учун адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

**Калит сўзлар:** Иқлим ўзгариши, халқаро инсон ҳуқуқлари, қонуний ва сиёсий чоралар, авлодлар ўртасидаги адолат, иқлим қочоқлари, ҳуқуқ, глобал исиш.

**ИСМОИЛОВ Самандар**

Главный научный сотрудник Института парламентских исследований при  
Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан  
E-Mail: samandar.ismoilov@mail.ru

## ВЛИЯНИЕ ПРОБЛЕМ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА НА ЗАЩИТУ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

### АННОТАЦИЯ

Первая мировая война спровоцировала массовой миграционный кризис на территории Европы. В частности, к 1923 г. в странах Европы общее количество вынужденных мигрантов варьировалось в районе 2–2,5 млн человек. В основном это были лица армянского, болгарского, русского, албанского, сербского происхождения.

Приход Гитлера к власти и нацистская политика преследования определённых этнических групп и политической оппозиции привели к переходу от рекомендательных к обязательным международным правовым актам, касающимся перемещённых лиц и беженцев.

Так, разработанный российским учёным А. В. Юриным исторический подход выделяет **три основных этапа в развитии миграции**. По его мнению, **первый этап** завершился к середине XX века, когда Европа была основным регионом оттока населения [28].

9 ноября 1943 г. 44 государства учредили **Агентство Объединённых Наций по оказанию чрезвычайной помощи и послевоенному восстановлению (UNRRA)**. В этот период содействие в репатриации перемещённых лиц на территориях, контролируемых этими странами, было признано основополагающей задачей международного сообщества в 1943-1946 гг.

В 1946 году **Международная организация труда (МОТ)** помимо стандартов международного трудового права, создает стандарты, направленные на защиту прав трудящихся-мигрантов. Это обусловлено тем, что международная миграция населения выдвигает на первый план экономический фактор.

**Второй период** — середина 1950-х — конец 1990-х годов — характеризует Европу как крупнейший в мире центр массового неконтролируемого привлечения иностранной рабочей силы в низкооплачиваемые и не престижные сферы деятельности.

В этот период МОТ принимает ряд конвенционных актов, регламентирующих различные аспекты обеспечения и защиты трудящихся-мигрантов.

**Третий период**, с конца 1990-х по настоящее время, — период активного регулирования и ограничения иммиграции в Европу, когда предпочтение отдаётся высококвалифицированной рабочей силе.

Развал коммунистического лагеря, масштабные потрясения, им спровоцированные, существенно изменяет направления миграционных процессов.

Они коренным образом отличаются от тех, которые способствовали началу формирования правовой основы регулирования миграционных отношений в начале и середине 1990-х годов.

В этот период принимается **Международная конвенция о правах всех трудящихся-мигрантов и членов их семей 1990 г.** участниками которой являются 58 из 193 общепризнанных государств.

В соответствии с Конвенцией трудящимся-мигрантам и членам их семей предоставляется, в частности, право создавать профсоюзы и ассоциации в государстве

работы по найму с целью обеспечения и защиты своих экономических, социальных, культурных и иных интересов, переводить заработанные средства и сбережения, в том числе суммы, необходимые для содержания семей, из государства работы по найму в государство происхождения или любое другое государство.

Соответственно можно констатировать, что предпосылками формирования международного миграционного права явились различные социально-политические, экономические, экологические, гуманитарные катаклизмы. На основе различных страновых моделей регламентации миграционных процессов сформировались региональные, а позже универсальные стандарты регулирования миграционных взаимоотношений.

На основе вышеизложенного полагаем, что **сегодня можно говорить о новом этапе международно – правового сотрудничества в сфере миграции**, который характеризуется существенным развитием региональных систем международно правового сотрудничества в указанной сфере (европейской, постсоветской, американской и др.). В этот период происходит развитие взаимоотношений в миграционной сфере.

Так, на основе Европейской конвенции о правовом статусе трудящихся-мигрантов, от 24 ноября 1977 г. [29] совершенствуется европейское миграционное право, в рамках СНГ принимаются Конвенции СНГ «О правовом статусе трудящихся-мигрантов и членов их семей от 2008 г.», «О приграничном сотрудничестве государств — участников СНГ 2008 г.», Трехстороннее Соглашение Правительств РФ, Республики Беларусь и Республики Казахстан «О правовом статусе трудящихся-мигрантов и членов их семей» 2010 г. [30] и др.

Динамичность миграционных процессов и расширение географии и видов самой миграции засвидетельствовала очаги миграционного кризиса практически на всех континентах, что является отражением запоздалой реакции мировой общественности на происходящие изменения в разрезе регионов, субрегионов и самих стран.

В складывающихся реалиях страны изыскивают возможности обратить миграционные обстоятельства, очаги и кризисы в свою пользу. Несомненно, это оценивается в качестве усилий миграционной дипломатии, которую можно интерпретировать в качестве использования миграционных потоков или вопросов, связанных с миграцией, как инструмента в международных отношениях для достижения политических, экономических и дипломатических целей [31].

Она предполагает, что государства и международные организации управляют миграцией таким образом, чтобы укреплять свои позиции в международной политике, влиять на другие страны или решать внутренние задачи.

Миграция становится при этом не только проблемой или вызовом, но и ресурсом, который может быть использован в двусторонних и многосторонних отношениях.

В данном контексте, в качестве одного из приоритетных направлений в сфере регулирования и определения перспектив миграционной политики для нашей страны, считается целесообразным проведение комплексной научно-исследовательской проработки основ «Миграционной дипломатии» в качестве важного направления международных отношений.

Предлагается рассмотреть возможности создания на базе УМЭД научно-исследовательскую «Лабораторию и миграционной дипломатии» с привлечением к ее деятельности экспертного сообщества и специалистов из смежных отраслей.

Указанные меры позволят провести качественную инвентаризацию мировой академической мысли по рассматриваемому вопросу с ретроспективным анализом ключевых характеристик возникновения и развития данного направления, а также обеспечит материальную базу для стратегически выверенных предложений и решений в сфере международной политики страны по вопросам миграции, создаст крепкую основу для научно обоснованного внедрения и достижения целей ГДМ и ЦУР в контексте национальных интересов государства.

**Иқтибослар/Сноски/References:**

1. MOM организовала Международный диалог по вопросам миграции в Нью-Йорке, уделив особое внимание облегчению регулярных маршрутов. 24/05/2024 // URL: <https://www.newscentralasia.net/2024/05/24/mom-organizovala-mezhdunarodnyy-dialog-po-voprosam-migratsii-v-nyu-yorke-udeliv-osoboye-vnimaniiye-oblegcheniyu-regulyarnykh-marshrutov/>;
2. Адедиран А.М. Ключевые вехи становления современной теории миграции в работах западных ученых XX в. // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Социология 2015;
3. Хабриева Т.Я., Андриченко Л.В., Елеонский В.О. Концепция развития миграционного законодательства // Концепции развития российского законодательства. М., 2004. С. 756;
4. Ravenstein E. The Laws of migration // Journal of the Statistical Society. 1885. № 46;
5. Яковлева Елена Борисовна История и теории миграционных процессов // Теория и практика общественного развития. 2017. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/istoriya-i-teorii-migratsionnyh-protsessov> (дата обращения: 04.11.2024).
6. Catherine Wihtol de Wenden. Panorama des migrations à l'échelle mondiale. Dans Informations sociales 2016/3 (n194), pages 10 à 13;
7. Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах. Принят резолюцией 2200 А (XXI) Генеральной Ассамблеи от 16 декабря 1966г. // [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/pactecon.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactecon.shtml);
8. Iontsev V., Subbotin A., Youth migration in Russia and neighboring countries of the Eurasian space // The Migration Conference 2020 Proceedings: Migration and Integration, место издания Transnational Press London. С. 275-277;
9. Рыбаковский Л.Л. Миграция населения. Вып. 5. Стадии миграционного процесса. М., 2001. С. 19. 2 См.: Баранов В.М. Указ. соч. С. 44-49;
10. Рекомендательный глоссарий терминов и понятий в сфере регулирования миграционных процессов в государствах – участниках СНГ, принятый на двадцать девятом пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств – участников СНГ (постановление № 29-5 от 31 октября 2007 г.);
11. Тюркин М.Л. Сущность, структура и перспективы совершенствования миграционного процесса в Российской Федерации // Государство и право. 2004. № 9. С. 97-100;
12. Исоков Л.Х. «Обеспечение и защита прав мигрантов: сравнительно-правовой анализ» Автореф диссертации на соискание ученой степени доктора наук (DSc). – Т.: Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека. 2022. – 71 с.;
13. Под общей редакцией чл.корр. РАН, д.э.н. С.В. Рязанцева (2020), Возвратная миграция: международные подходы и региональные особенности Центральной Азии. Учебное пособие. Международная организация по миграции (МОМ) – Агентство ООН по миграции, Алматы // <https://publications.iom.int/system/files/pdf/Return-Migration-in-CA-RU.pdf>;
14. <https://secretmag.ru/enciklopediya/chto-takoe-relokaciya-obyasnyajem-prostyimi-slovami.htm>;
15. Статистика международной миграции. Практическое руководство для стран Восточной Европы и Центральной Азии. ЕЭК ООН. ЮНФПА. Женева. 2011 // [www.unecsc.org/fileadmin/DAM/stats/publications/RUS\\_International\\_Migration\\_Statistics\\_Practical\\_Guide.pdf](http://www.unecsc.org/fileadmin/DAM/stats/publications/RUS_International_Migration_Statistics_Practical_Guide.pdf);
16. В сентябре 2022 HR-холдинг Ventra исследовал рынок IT. 19 % российских руководителей сообщили, что их компании релоцировали часть своих сотрудников — или весь коллектив. // <https://www.mirapolis.ru/blog/relokaciya-sotrudnikov-osobennosti-processa-i-realnye-primery/>;



17. Headhunting-агентство Ustoz провело исследование рынка экспатов, включающего удовлетворенность обеих сторон (компаний и экспатов) // <https://www.spot.uz/ru/2023/04/12/expat/>;

18. О.Б.Романова «Понятия «мигрант» и «переселенец»: теоретические особенности и социальная реальность». Публикация в «Гуманитарные исследования в восточной сибире и на дальнем востоке № 1 2013г.» // [https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatiya-migrant-i-pereselenets-teoreticheskie-osobennosti-i-sotsialnaya-realnost#](https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatiya-migrant-i-pereselenets-teoreticheskie-osobennosti-i-sotsialnaya-realnost#;);

19. Справочная информация на портале УВКБ ООН относительно понятийного аппарата // <https://emergency.unhcr.org/ru/node/587>;

20. Справочник по терминологии в области миграции. О.Поздоровкина, Международная организация по миграции (Москва). // [https://publications.iom.int/system/files/pdf/handbook\\_on\\_migration\\_terminology.pdf](https://publications.iom.int/system/files/pdf/handbook_on_migration_terminology.pdf);

21. Закон Республики Казахстан от 22 июля 2011 года № 477-IV «О миграции населения» // <https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z1100000477>;

22. Закон Кыргызской Республики от 17 июля 2000 года № 61 «О внешней миграции» // <https://cbd.minjust.gov.kg/350/edition/9095/ru>;

23. Закон «О правовом положении иностранных граждан в Российской Федерации», Федеральный закон от 25 июля 2002 г. N 115-ФЗ // [https://www.mid.ru/ru/foreign\\_policy/official\\_documents/1586163/](https://www.mid.ru/ru/foreign_policy/official_documents/1586163/);

24. Ястребова А.Ю. «Международно-правовые механизмы регулирования миграции: доктринальные подходы и опыт Российской Федерации». Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. Москва 2017г. стр.72;

25. Каракулян Э.А. Персонализация Мира. Контуры интерконцептуальной парадигмы философии международного права/Монография. -М.: Издательство: Русайнс. 2022. - 313 стр.;

26. Троицкий К.Е. Нормативная этика. В поисках этики миграции. Дискуссия о государственных границах: основные теоретические позиции и аргументы // <https://et.iphras.ru/index.php/et/article/view/2716/2050>;

27. L'immigration en France: variations politiques et invariants représentationnels. Catherine Wihtol de Wenden par Sophie Mathieu. Pages 41 à 54. // <https://shs.cairn.info/revue-pensee-plurielle-2016-2-page-41?lang=fr>;

28. А.В.Юрин. Особенности нелегальной миграции в ЕС в контексте европейской политики. Журнал «Народонаселение». // <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-nelegalnoy-migratsii-v-es-v-kontekste-evropeyskoj-politiki>;

29. Европейская конвенция о правовом статусе трудящихся-мигрантов. Неофициальный перевод // <https://rm.coe.int/168007733d>;

30. Ярышев С.Н. Международно-правовые вопросы формирования и функционирования Единого экономического пространства: автореф. ... докт. юрид. наук. М., 2012. 38 с.

31. Power dynamics, arm twisting and migrant rights: the many (ugly) faces of migration diplomacy 11 April 2024. By Jennifer Vallentine & Bram Frouws & Roberto Forin // <https://mixedmigration.org/many-ugly-faces-migration-diplomacy/>.

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**ОЧИЛОВ Шермат Рашидович**

Тошкент давлат юридик университети мустақил тадқиқотчиси (PhD)

E-mail: [ochilov.shermat00@mail.ru](mailto:ochilov.shermat00@mail.ru)

## ЗАМОНАВИЙ ТЕРРОРИЗМ: КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА ДАВЛАТЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** ОЧИЛОВ Ш.Р. Замонавий терроризм: концепцияси ва унга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликнинг ижтимоий зарурати // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 5 (2024) Б. 92-100.



5 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2024-5-12>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада замонавий терроризм тушунчаси ва унга қарши курашда давлатлараро ҳамкорликнинг ижтимоий зарурати масалалари кўриб чиқилган. Муаллиф терроризмнинг тарихий ривожланишини, унинг замонавий кўринишларини ва халқаро ҳамжамият томонидан бу муаммога қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни таҳлил қилади. Мақолада терроризм тушунчасининг турли таърифлари, жумладан халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ва олимларнинг ишларида келтирилган таърифлар муҳокама қилинади. Муаллиф терроризмнинг асосий белгилари ва хусусиятларини аниқлаб, ўзининг таърифини таклиф этади. Мақолада терроризмнинг янги шакллари, хусусан кибертерроризм масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти ва зарурати асослаб берилган. Муаллиф терроризмга қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, халқаро конвенцияларни ишлаб чиқиш ва миллий қонунчиликни уйғунлаштириш масалаларини кўриб чиқади. Мақолада терроризмга қарши курашнинг самарали усуллари ва механизмлари, шу жумладан профилактика чора-тадбирлари, халқаро ахборот алмашинуви ва ҳамкорликнинг янги шакллари таклиф этилади. Хулосада муаллиф терроризмга қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарурлигини таъкидлайди.

**Калит сўзлар:** терроризм, халқаро ҳамкорлик, кибертерроризм, глобал хавфсизлик, зўравонлик.

**OCHILOV Shermat**

Tashkent State University of Law, Researcher (PhD)

E-mail: [ochilov.shermat00@mail.ru](mailto:ochilov.shermat00@mail.ru)

## MODERN TERRORISM: UNDERSTANDING THE CONCEPT AND THE SOCIETAL NEED FOR INTERNATIONAL COOPERATION IN COUNTERACTION

### ANNOTATION

This article examines the concept of modern terrorism and the social necessity of interstate cooperation in combating it. The author analyzes the historical development of terrorism, its modern manifestations, and the efforts of the international community to combat this problem. The article discusses various definitions of terrorism, including those provided in international legal documents and scholarly works. The author identifies the main features and characteristics of terrorism and proposes his own definition. Particular attention is paid to new forms of terrorism, specifically cyberterrorism. The importance and necessity of international cooperation in the fight against terrorism are substantiated. The author considers issues of improving the legal framework for combating terrorism, developing international conventions, and harmonizing national legislation. The article proposes effective methods and mechanisms for combating terrorism, including preventive measures, international information exchange, and new forms of cooperation. In conclusion, the author emphasizes the need to unite the efforts of the international community in the fight against terrorism.

**Keywords:** terrorism, international cooperation, cyberterrorism, global security, violence.

---

**ОЧИЛОВ Шермат Рашидович**  
Самостоятельный соискатель (PhD)  
Ташкентского государственного юридического университета  
E-mail: [ochilov.shermat00@mail.ru](mailto:ochilov.shermat00@mail.ru)

## **СОВРЕМЕННЫЙ ТЕРРОРИЗМ: КОНЦЕПЦИЯ И ОБЩЕСТВЕННАЯ ПОТРЕБНОСТЬ В МЕЖДУНАРОДНОМ СОТРУДНИЧЕСТВЕ ПО ПРОТИВОДЕЙСТВИЮ**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье рассматриваются вопросы концепции современного терроризма и социальной необходимости межгосударственного сотрудничества в борьбе с ним. Автор анализирует историческое развитие терроризма, его современные проявления и усилия международного сообщества по борьбе с этой проблемой. В статье проанализированы различные определения понятия терроризма, включая определения, приведенные в международных правовых документах и работах ученых, и автор, выявляя основные признаки и характеристики терроризма, предлагает собственное определение. Обосновывается важность и необходимость международного сотрудничества в борьбе с терроризмом, при этом особое внимание уделено новым формам терроризма, в частности кибертерроризму. Автор рассматривает вопросы совершенствования правовой основы борьбы с терроризмом, разработки международных конвенций и гармонизации национального законодательства. В статье предлагаются эффективные методы и механизмы борьбы с терроризмом, включая профилактические меры, международный обмен информацией и новые формы сотрудничества. В заключении автор подчеркивает необходимость объединения усилий международного сообщества в борьбе с терроризмом.

**Ключевые слова:** терроризм, международное сотрудничество, кибертерроризм, глобальная безопасность, насилие.

---

Сўнги ўн йилликда терроризмга қарши кураш масалалари жаҳон ҳамжамиятининг асосий эътиборига ва глобал ташвишига айланди. Бунга асосий сабаб, жамият дуч келадиган террористик таҳдиднинг табиати сезиларли даражада ўзгарди. Ушбу таҳдидга қарши курашиш ва унинг асосий сабабларини тушунишда муваффақиятга эришишга бир қатор ҳаракатлар амалга оширилаётган бўлсада, терроризм замонавий дунёда халқаро ҳамжамият учун энг катта муаммо бўлиб қолмоқда. Албатта муаммонинг мураккаб табиатини ўрганиш ва уни олдини олиш мақсадида мувофиқлаштирилган кўп

томонлама ёндашувларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бугунги кунда муҳим ҳисобланмоқда. Халқаро ҳамжамият «терроризм», «террористик жиноят», «террорчилик ҳаракати» тушунчаларининг ҳуқуқий таърифи бўйича ҳали ҳамон бир фикрга кела олмади. Чунки, халқаро ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчиликда терроризм тушунчаси ва унинг кўринишларига берилган таъриф бугунги кунда рўй бераётган террорчилик ҳаракатларига тўлиқ мос эмаслигини кўрсатмоқда. Хусусан, кибер терроризм, ядро терроризми, бомбали терроризм ва терроризмни молиялаштириш каби терроризмнинг турли кўринишларига берилган ҳуқуқий таърифларни қайта такомиллаштириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Бизга маълумки, халқаро ҳамжамиятда терроризмга қарши кураш ва терроризм тушунчасига таъриф беришда XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ҳаракатлар амалга ошириб келинган. Бу давр мобайнида, ушбу тушунчаларга нисбатан жинойий жавобгарликни белгилаш мақсадида умумий таърифни ишлаб чиқишга бир неча бор ҳаракат қилинди, натижада унга нисбатан аниқ яхлит таъриф, терроризм жиноятлари бўйича ягона қараш шакллантирилмаганлигидан далолат беради.

Терроризмни замонавий тарихнинг дастлабки босқичида халқаро жиноят сифатида аниқлашга қаратилган энг муҳим уриниш 1934-1937 йилларда Миллатлар Лигаси томонидан амалга оширилган [1]. Миллатлар Лигаси Кенгаши Югославия қироли Александр I ва Франция ташқи ишлар вазири Луи Бартунинг ўлдирилиши билан яқунланган Марсел террор хуружига (1934 йил октябрь) муносабат билдириб, 1934 йил декабрда резолюция қабул қилди ва унда «террористик фаолиятни бостириш билан боғлиқ халқаро ҳуқуқ қоидалари ҳозирда самарали халқаро ҳамкорликни кафолатлаш учун етарли даражада аниқ эмас» деб таъкидланди [2]. Қабул қилинган резолюция асосида эксперт комиссияси (Committee for the International Repression of Terrorism (CIRT) тузилиб, унинг вазифаси сиёсий ва террористик мақсадларда содир этилган фитна ёки жиноятларга қарши жавобгарликни назарда тутувчи конвенцияни ишлаб чиқишдан иборат эди. Натижада 1937 йилда Миллатлар Лигасида «Терроризмнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида»ги Конвенцияси қабул қилинди. Ушбу конвенция ташкилотга аъзо давлатлардан террорчилик ҳаракатларини жинойий жавобгарликка тортишни ва сиёсий жиноятлар учун экстрадицияни таъминлашни талаб қилди. Конвенциянинг 1-моддаси 1-бандига кўра, «ҳар бир давлат бошқа давлатга қарши бўлган террорчилик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилиш ва бундай фаолиятдан иборат бўлган хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш» [3] мажбуриятини белгилаб берди. Шунингдек, мазкур модданинг 2-бандига кўра, «Террористик ҳаракатлар» ибораси давлатга қарши қаратилган ва муайян шахслар ёки шахслар гуруҳи ёки кенг жамоатчилик онгида қўрқувни келтириб чиқаришга қаратилган жинойий ҳаракатларни англатади» [3] деб таъриф берилди.

Юқорида, тарихий ҳужжатларда берилган таърифларда терроризм тушунчаси асосан сиёсий, ижтимоий нуқтаи назаридан таъриф келтирилган бўлиб, ҳуқуқий жиҳатига кўп ҳам эътибор берилмаган. Шунга қарамасдан, мазкур таърифларда терроризм ҳаракатларини жиноят сифатида кўрилиши ва унга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини кўрсатиб ўтилган.

Шу нуқтаи назардан, БМТ ташкилоти вужудга келганидан сўнг қабул қилинган терроризм жинояти билан боғлиқ бўлган халқаро ҳужжатларда, минтақавий ташкилотларнинг ҳужжатларида ва ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли таърифлар ишлаб чиқилганлигини кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, терроризм, умуман олганда, деярли ҳар бир инсоният жамияти ва ижтимоий гуруҳ томонидан эътироф этилган қадриятларга зид бўлган таъқиқланган ҳаракат сифатида ифодаланиши мумкин. Олимлар, сиёсатчилар, хавфсизлик бўйича мутахассислар, ҳарбий хизматчилар ва журналистлар терроризмнинг турли таърифларидан фойдаланадилар. Баъзи таърифларда асосий эътибор террористик ташкилотларнинг фаолият услубига, бошқаларида эса мотив ва мақсадига, учинчисида эса террористик ҳаракатни амалга ошираётган шахсларнинг хусусиятларига қаратилади.



Фикримизча замонавий терроризмнинг асосий ривожланиш тенденцияларига куйидагиларни киритишимиз мумкин:

- дунёда терроризм географиясининг кенгайиши ва уни халқаролашиб бориши;
- терроризмнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига ёрдам берадиган турли хил ички ва ташқи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа омилларнинг ўзаро таъсирини кучайиши;
- террорчилик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг ошиб бориши ва ривожланган йирик террорчилик тузилмаларини инфратузилмаси яратишга бўлган ҳаракатлар;
- терроризм ва уюшган жиноятчилик ўртасидаги муносабатларни кучайиб бориши;
- террористик тузилмаларни молиявий ва моддий-техник қўллаб-қувватлаш;
- терроризмдан давлатларнинг ички ишларига аралаштириш воситаси сифатида фойдаланишга уринишлар;
- терроризм субъектлари томонидан халқаро нодавлат ташкилотлардан фойдаланиш;
- террорчилик ҳаракатларининг оқибатларини кенгайтириш ва қурбонлар сонини кўпайтиришга қаратилган терроризмнинг янги шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.

Терроризм тушунчасига ягона таъриф бериш ва унинг асосий хусусиятини аниқлаш жуда мураккабдир. Терроризм-бу ўзига хос фалсафадир. Бунда террористик ташкилотлар терроризмни турли мақсадлар, мотивлар ва мафқуралар доирасида ишлатишга ҳаракат қилишади [4]. Терроризмнинг таърифлари террористик ҳужумнинг хусусиятига, террористик ҳужум объектларига ва террористик ҳужум натижасида эришилган мақсад ва вазибаларга қараб, айрим таърифлар террористик ҳаракатларни амалга оширган ижрочиларнинг хусусиятлари билан фарқ қилади.

Шериф Бассиони терроризмга шундай таъриф беради, терроризм-бу халқаро миқёсда тақиқланган зўравонлик стратегияси бўлиб, мафқуравий мотивлар билан рағбатлантирилади ва маълум бир жамиятнинг маълум бир сегментида даҳшатли зўравонликни кўзғатишга қаратилган ҳокимиятга эришиш ёки норозилик билдириш мақсадида, зўравонлик содир этувчилар ўз-ўзидан ёки ўз номидан, маълум бир жамият номидан ҳаракат қилишидир [5].

Терроризмга Хассанин Обайд бевосита террористик ҳаракатлар доирасида таъриф беради. Унинг фикрларича, «террористик ҳаракатлар зўравонлик ва қўрқитиш билан тавсифланади, масалан, бомбаларни портлатиш, жамоат объектларини йўқ қилиш, темир йўллар ва баррикадаларни йўқ қилиш, ичимлик сувидан заҳарлаш, юқумли касалликларнинг тарқатиш ва турли шу каби қирғинлар» [5].

Таъкидлаш жоизки, анъанавий равишда зўравонликка ҳали ҳам баъзи тадқиқотчилар томонидан жаҳон сиёсатидаги норманинг бир кўриниши сифатида қаралмоқда. Шуни қайд этиш керакки, халқаро ҳуқуқда давлат ҳокимиятининг хатти-ҳаракатларига нисбатан «зўравонлик» атамаси қўлланилмайди. Маҳаллий ва хорижий ҳуқуқий таълимотлар ҳам зўравонлик субъекти сифатида фақат жисмоний шахс (шахс ёки алоҳида шахслар гуруҳи, масалан, партия, партизанлар, юридик шахс)ларни тан олади [6].

Салах Эддин Эмир терроризм тушунчасига бевосита террористик ҳаракатларни содир этишда унинг мақсадида келиб чиқиб таъриф бериш кераклигини таъкидлайди. Унинг фикрича терроризм бу «сиёсий мақсадга эришиш учун зўравонликни мунтазам равишда қўллаш, хусусан, барча зўравонлик ҳаракатлари, шу жумладан сиёсий ташкилот томонидан фуқароларга қарши олиб бориладиган ва хавfli муҳитни яратишга қаратилган индивидуал ёки жамоавий ҳужумлардир [7].

Фикримизча, терроризмни ҳодиса сифатидаги мақсадлари билан аниқ террористик жиноятнинг мақсадларини фарқлаш тўғри кўринади. Улар «стратегия» ва «тактика» тушунчалар нисбатида ҳаракатга мотивнинг ўзаро боғлиқ икки даражасини ифодалайди. Стратегик даража (терроризм мақсади) терроризмнинг моҳиятини очиб берадиган ҳодисани ўзаро боғлиқ ҳодисалардан фарқлаш имконини берадиган муҳим хусусиятдир.

Терроризмнинг мақсадини – *сиёсий ҳуқуқий муносабатлар субъектларига уларни муайян хатти-ҳаракатларга мажбурлаш* (сиёсий мақсад) ва *жамиyatда кўрқув, ваҳима, даҳшат муҳитини яратиш* (мафкуравий мақсад) сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу мақсадлар универсал характерга эга бўлиб, улар терроризмнинг миллий ва халқаро талқинларида бир хил даражада характерли бўлиши мумкин. Стратегик мақсадлар терроризм таърифида кўрсатилиши керак деб ҳисоблаймиз.

Тактик даража (террористик жиноятнинг мақсади) муайян ҳаракатнинг субъектив томонини янада объектив ҳуқуқий квалификация қилиш, террорчиларнинг ҳақиқий ниятларини аниқлаш имконини беради. Тактик мақсадлар кўп қирралилик (ўз кучини намоиш қилиш, провокация, қасос олиш, исталмаган одамларни жисмоний йўқ қилиш, ижтимоий, конфессионал, этник низоларни кучайтириш, жамиyatда максимал даражада ноқулайлик яратиш, ваҳима, ноаниқлик, кўрқув ва бошқалар)дан фарқ қилади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан, терроризмнинг мақсадлари ҳақидаги саволга жавоб беришда анъанавий консенсуснинг йўқлиги терроризмга қарши шартномалар тизимидаги жиддий камчилик сифатида баҳоланиши мумкин. Шунинг учун, уларнинг барчасида террористик жиноятнинг мақсадини ягона ёндашув асосида шакллантиришни таъминлаш керак.

Терроризмга терористик ҳаракатлар ва белгилар орқали таъриф халқаро ҳуқуқда қабул қилинган универсал халқаро конвенцияларда ҳам кўришимиз мумкин. Таҳлилларга кўра, конвенцияларда мустаҳкамланган терроризмнинг нисбатан кенг тарқалган тўртта белгисини ажратиб кўрсатишга имкон беради: зўравонлик, зарар етказиш, қурбонлар – жисмоний шахсларнинг мавжудлиги, ҳаракатнинг сиёсий мақсади.

БМТ ташкилот сифатида ташкил этилганидан кейин терроризм тушунчасини бир неча халқаро ҳужжатларда келтириб ўтди. Шунга қарамасдан, Б.Женкинс «Терроризмнинг мазмуни бўйича тахминий консенсус унинг аниқ таърифи бўйича ҳеч қандай халқаро келишувсиз ҳам амалга оширилиши мумкин»лигини важ қилади [8]. Р.Янгнинг фикрича, терроризмнинг семантик ядросини ташкил этиш «халқаро таърифнинг минимал мазмуни... аксилтеррор конвенциялар ва резолюцияларни таҳлил қилишдан келиб чиқади ва... «терроризм» ҳуқуқий тушунчаси ҳақида янада кенгроқ консенсус ҳақида гапириш мумкин бўлади [9].

Р. Хиггинс шундай деди: «терроризм-бу ҳеч қандай ҳуқуқий маънога эга бўлмаган атама [10]. Унинг фикрича терроризм тушунчаси давлат ёки шахсларнинг умуман маъқулланмаган ва ноқонуний қўлланилган усуллари бўлган, ҳимояланган мақсадлар ёки ҳар иккала фаолиятга мурожаат қилиш мумкин бўлган қулай ёндашувдир. Р. Хиггинс тарафдорлари бу фикрни қўллаб қўвватлайди. Яъни уларнинг фикрича «Терроризм» ҳодисасининг таърифи ҳеч қандай ҳуқуқий мазмунга эга эмас [11,12,13,14,15]. Аммо, фикримизча бундай ифодаланган позицияга қўшилиб бўлмайди.

А.Х.Абашидзе «...терроризмга қарши кураш бўйича ҳар қандай модел, ҳар қандай конвенция, бу моделлар ва конвенцияларда қўлланиладиган концептуал аппарат ва тоифалар бўйича давлатларнинг ягона ёндашуви бўлмаган тақдирда, фантастикага айланади» [16] деб ёзади.

Худди шу нуқтайи назарни И.Мая ҳам қўллаб-қувватлайди, у «терроризм»нинг ягона анъанавий концепцияси ишлаб чиқилган, аммо техник жиҳатдан расмийлаштирилмаган; унинг йўқлиги соф сиёсий харажатлар натижаси эди деб ёзади [17]. А.Кассезе халқаро ҳамжамият «терроризм» атамаси нимани англатишини умумий тушунишга эришганлигини бир неча бор таъкидлаган [18].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Терроризмга қарши кураш қўмитаси (кейинги ўринларда ТҚКҚ деб юритилади) сиёсий ва ҳуқуқий амалиётда терроризмнинг моҳиятини умумий (opinion juris) тушуниш шаклланган деб ҳисоблайди [19].

Аммо битта таърифни ишлаб чиқиш ғоясига шубҳа билан қарайдиган муаллифлар мавжуд бўлиб, улар орасида А.И.Моисеев [13] «терроризмнинг аниқ матнли таърифини яратишнинг иложи йўқлиги ва бунга эҳтиёж йўқ» деб ҳисоблайди. Е.С.Щебляков эса, терроризмнинг умумэтироф этилган, универсал таърифини ишлаб чиқишнинг ўта

мушкуллиги ва, эҳтимол, имконсизлигини қайд этади [20].

Р.Нобелнинг фикрича, глобал миқёсда ҳуқуқни уйғунлаштириш, у муваффақият кўрсатган минтақавий даражадан фарқли ўлароқ, сиёсий, дипломатик ва ҳуқуқий тўсиқлар туфайли эришиб бўлмайди [21] деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, терроризмга қарши курашнинг бугунги кунга қадар на академик, на қонун ижодкорлиги ҳаракатлари унинг ҳуқуқий хусусиятларининг зарур доирасини аниқлашда тўхтамади. 1984 йилда А.П.Шмидт терроризмнинг 100 дан ортиқ таърифларини таҳлил қилган [22]. Ҳозирги вақтда илмий таърифларнинг барча мавжуд вариантларини аниқ ҳисоблаш мумкин эмас – уларнинг сони жуда кўпдир.

1994 йилда қабул қилинган Халқаро терроризмга барҳам бериш чора-тадбирлари тўғрисидаги декларацияда БМТ конвенциялари томонидан содир этилган барча жиноий ҳаракатлар «халқаро терроризмнинг ифодаси» деб номланган. БМТнинг терроризмга қарши глобал стратегиясида ҳам худди шундай қоида мавжуд. Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқнинг аксарият конвенциялари ва бошқа ҳужжатлари терроризмнинг кенг қўламли кўринишларига қарши курашишга қаратилган. Бу ёндашув тўғри кўринадиди. Халқаро ҳуқуқ терроризмга қарши курашнинг умумий кўрсатмаларини ўрнатиши керак.

Ўтказилган таҳлиллар конвенцияларда мустаҳкамланган терроризмнинг нисбатан кенг тарқалган тўртта белгисини ажратиб кўрсатишга имкон беради: зўравонлик, зарар етказиш, қурбонлар – хусусий шахсларнинг мавжудлиги, ҳаракатнинг сиёсий мақсади. Шунингдек, терроризм мураккаб ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, мазмунан ҳамда ташқи жиҳатдан кўп қиррали саналади. Халқаро ҳуқуқ ҳақли равишда давлатларни террористик жиноятларнинг ҳар хил турлари учун жавобгарликни белгилаш мажбуриятини олади. Афтидан, халқаро маконда деярли ҳар қандай террорчилик ҳаракатини содир этиш мумкин.

Терроризм халқаро ҳуқуқнинг «тарихан муаммоли» саволларидан бири бўлиб, потенциал равишда қонуний аниқланиши ва халқаро-ҳуқуқий жиҳатларини олиши мумкин. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги босқичда БМТ тизимининг терроризмга қарши конвенцияларида, БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюцияларида ушбу ҳодиса ҳақида маълум ҳуқуқий тушунча мавжуд. Кўриниб турибдики, терроризмнинг моҳияти тўғрисидаги доктриналар қарашни шакллантиришнинг ҳозирги шароити, шунингдек унинг таърифини меъёрий мустаҳкамлаш имкониятлари ҳақида гапириш мумкин.

Юқоридаги таҳлилардан келиб чиқиб терроризм тушунчасига муаллифлик таърифини бериш мақсадга мувофиқдир.

Терроризм-бу сиёсий, мафкуравий, диний ёки ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришиш **мақсадида** киберҳужумлар ва ахборот-психологик операцияларни **ўз** ичига **олган** янги технологиялар ва глобал тармоқлар ва турли зўравонлик стратегияларидан фойдаланиб аҳоли ёки давлат тузилмалари ўртасида кўрқув ва беқарорлик муҳитини яратишга қаратилган зўравонлик ва бошқа мажбурлаш шакллари мунтазам **равишда** қўллаш ёки қўллаш таҳдиди.

Берилган муаллифлик таърифидан кўриш мумкинки, бугунги кунда дунёнинг рақамлашиб бораётганлиги ўз навбатида терроризмни ҳам кўринишларини ўзгартираётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Кибертерроризм тушунчаси халқаро ҳуқуқ ва миллий ҳуқуқ тизимида жуда кўп учраб туриши ва кибержиноятлар хусусан кибертерроризмни олдини олиш бўйича бир қанча салмоқли ишлар олиб борилаётганлиги муҳим ҳодисадир. “Кибертерроризм” атамаси 1980-йилларнинг ўрталарида ҳаётимизга кирди, унинг муаллифи Америка хавфсизлик ва разведка институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаган Барри Коллин эди. Бу атама муаллиф томонидан виртуал маконда террорчилик ҳаракатларини аниқлаш ва фақат келажак учун башоратлар учун ишлатилган. Кибертерроризм давлатларнинг банк, транспорт ва энергетика тизимлари учун, айниқса ҳукумат, иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторлари, ахборот учун жиддий таҳдиддир.

“Кибертерроризм”ни аниқлаш бўйича услубий муаммолар, биринчи навбатда,

терроризмнинг бундай шаклини ахборот урушидан ёки ахборот қуролидан фойдаланган ҳолда ноқонуний ҳаракатлардан ажратиш баъзан қийин бўлганлиги билан боғлиқ. Баъзилар ҳақиқий кибертеррор ҳужуми ҳали содир бўлмаган деб даъво қилса, бошқалари террорчилар аллақачон интернетдан ўз манфаатлари учун фойдаланмоқда, деб таъкидлайдилар. Ушбу келишмовчиликнинг манбаи “терроризм” ва “кибертерроризм” нинг аниқ таърифи йўқлигидир. Умуман террор сўзи лотинча “террере” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “қўрқитиш, зўравонлик, ваҳима уйғотиш” деган маънони англатади. Одатда, терроризмни белгилаш муайян сиёсий мақсадга боғлиқ ва йўналтирилган бир қатор террористик ҳаракатларни талаб қилади. Боздемирнинг фикрича, “терроризм сиёсий мақсадларда ўзини уюшган, тизимли ва узлуксиз террордан фойдаланишни ўз ичига олган усул билан аниқланадиган стратегик ёндашувдир”.

Д.Деннинг терроризмни “кўпинча мафкуравий, сиёсий сабабларга кўра турли жамият аъзолари ёки ҳукуматларни қўрқитиш, уларни мажбурлаш ниятида шахс ёки уюшган гуруҳ томонидан инсонларга, уларнинг мулкка нисбатан куч ёки зўравонликни ноқонуний қўллаш, таҳдид қилиш” деб таърифлайди. С.Е.Серкерев терроризмга таъриф беришда бевосита унинг мақсадлари билан ажратади, халқаро муносабатларга, халқаро ҳуқуқий тартибга путур етказиш; давлатга, миллатга, халқаро ташкилотга қарши ҳаракатлар деб қарайди. Тадқиқотчи хорижий элементни ўз ичига олган акциялар ҳар доим ҳам халқаро тоифага кириши шарт эмас, деб тўғри таъкидлайди. Кўриниб турибдики, бу ҳолда мақсаднинг халқаро табиати ҳақида гапиришга асос йўқ, чунки бир давлат доирасида амалга оширилган сиёсий тизимни ўзгартиришга уриниш халқаро хусусиятга эга эмас, конструктив равишда ички жиноят белгиларига мос келади.

Ф.Рейнареснинг фикрича, терроризмнинг бир давлат чегарасидан ташқарига чиқадиган иккита варианты ажратиб кўрсатади: трансмиллий (умумий тоифа) ва халқаро – бу эса оқибатлари жиҳатидан энг хавфли, оғир шакл ҳисобланади. Бундан ташқари, у халқаро терроризмнинг ўзига хос белгиларини қуйидагича таклиф қилади: унинг мақсадлари – минтақалар ва глобал миқёсда ҳокимиятнинг тузилиши ва тақсимланиши; кўп сонли мамлакатлар ва геосиёсий ҳудудларда фаолият юритувчи ташкилий тармоқ тузилмаси тизимига атайлаб таъсир қилиш. Муаллиф бундай тузилмага неосалафийлар (салафийларнинг глобал жиҳоди) ҳаракатини мисол сифатида келтиради. Кўринишидан, бундай хатти-ҳаракатларга ҳуқуқий баҳо бериш мустақил, “трансмиллий” ва “халқаро” деб аталишларни ажратмасдан, ягона малака қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходими учун террорчилик жинояти учун жазо тури ва миқдорини танлашда жамоат хавфлилик даражаси ва жиноят натижасида етказилган глобал зарар даражаси бўйича градация асос бўлиши мумкин. Шунингдек, замонавий террорчилик ҳаракатларининг барча спектрига ҳаддан ташқари баҳо бериш, уни трансмиллий ҳаракат сифатида кўрсатиш масаласи ҳам баҳсли. Ички терроризмга эътибор бермаслик, унинг мустақил ролини тан олишдан бош тортиш эса мумкин эмас.

Албатта кибертерроризм терроризмнинг янги шакли бўлиб, компьютер тармоқларидан фойдаланиш ва юқори технологиялар ютуқлари натижасида шаклланган. Глобаллашув натижасида бу муаммонинг ижтимоий хавфлилиги халқаро миқёсда тан олинди. Д.Деннинг кибертерроризмни терроризм ва кибер маконнинг яқинлашуви сифатида белгилайди. Унинг фикрича “кибертерроризм бу ҳукуматлар ёки аҳолини сиёсий, ижтимоий, мафкуравий мақсадларга эришиш учун қўрқитиш, мажбурлашни компьютерлар, тармоқлар ва уларда сақланадиган маълумотларга ноқонуний ҳужумлар ва ҳужум таҳдидлари орқали амалга оширишдир”. К.Брадлей ва М.Гулатилар ҳам бевосита Деннинг фикрини қўллаб қўватталаб кибертерроризмни оддий терроризмдан ажратиб турадиган муҳим нарса бу албатта компьютер тармоқларидан фойдаланиш (асосан Интернетга асосланган жиноий ҳаракатлар ҳисобланади) деб кўрсатиб ўтишади. Асосан, бу террористик ҳужумларни амалга ошириш учун электрон ҳаволалардан фойдаланишни билдиради, одатда шу мақсадда яратилган дастурларни мисол келтиришимиз мумкин.



Хулоса ўринида шуни қайд этиш керакки, юқоридаги таҳлилардан келиб чиқиб терроризм бу кўп қиррали ҳодиса сифатида тушунилиши керак бўлган тушунчадир, ва у нафақат реал ҳаёт балким, виртуал макон билан боғланган ҳужум сифатида ҳам ифодаланиши мумкин. Бу ўз навбатида, инсонларнинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдиради ёки бошқа жиддий оқибатларга олиб келадиган, кўпинча бундай ҳаракатлар жамоат хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш, инфратузилмага зара етказиш ва бошқа шу каби ҳаракатлар билан боғлиқ ҳодисалар деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни, терроризм сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга таъсир қилиш учун халқаро ва давлат хавфсизлигига таҳдид солишга ҳамда компьютер ва телекоммуникация технологияларидан ноқонуний фойдаланишга қаратилган ҳаракатлар мажмуаи ҳисобланади.

### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. G Marston, 'Early Attempts to Suppress Terrorism: The Terrorism and International Criminal Court Conventions of 1937' (2002) 73 BYBIL 293;
2. Saul, Ben, Attempts to Define 'Terrorism' in International Law (October 2, 2008). Netherlands International Law Review, Vol. 52, No. 1, pp. 57-83, 2005, Sydney Law School Research Paper No. 08/115, Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=1277583>;
3. League of Nations. Convention for the Prevention and Punishment of Terrorism. Serie de Publications de la Societe des Nations. V. Questions juridiques. Geneva. 1937. Vol. 10. P.2;
4. Weimann, G. (2010). Terror on facebook, twitter, and youtube. The Brown Journal of World Affairs, 16(2), 45-54.
5. Abdel Salam Bouhouch, Abdelmajid Chafik - The Terrorist Crime in Moroccan Legislation - Al Karama Press - First Edition: 2004, at 21.
6. Насилие (статья) // Права человека. Энциклопедический словарь. Отв. редактор С. С. Алексеев. М.: Норма. 2009. С.356;
7. Salah al-Din Amer, Armed Popular Resistance in Public International Law, publisher, Arab Thought House, Cairo, Egypt, 1977, at 486, 487.
8. Jenkins B.M. International terrorism. P.16.
9. Young R. Defining Terrorism: The Evolution of Terrorism as a Legal Concept in International Law and Its Influence on Definitions in Domestic Legislation // Boston College International and Comparative Law Review. Vol. 29. Is. 1. Article 3. 12-1-2006. P. 33.
10. R. Higgins, the General International Law of Terrorism, 13(28), International Law and Terrorism, (1997).
11. Гассер Х.-П. Террористические акты, «терроризм» и международное гуманитарное право // Междунар. ж. Красного Креста. Вып. № 845-847. 2002. С.244;
12. Лазутин Л.А. К вопросу о понятиях и формах международного терроризма // Российский юрид. журнал. 2000. № 2. С. 58;
13. Моисеев А.И. Обоснование невозможности создания конкретного текстового определения терроризма и отсутствия необходимости в таковом // Актуальные проблемы российского права. 2015. № 4. С. 210-216;
14. Sassoli M. Terrorism and War // J. of International Criminal Justice. 2006. № 4, P. 960;
15. Jenkins B.M. International terrorism: a new kind of warfare. Santa Monika, California. 1974. P.8;
16. Абашидзе А.Х. Борьба с терроризмом, международный уголовный суд и Российская Федерация // Российский ежегодник международного права. Специальный выпуск. 2003. С. 37.
17. Maja I. (2008, July) Defining International Terrorism in Light of Liberation Movements. Retrieved on 11 October 2009 from – GlobalLex website: <http://www.nyulawglobal.org/>

[globalex/International\\_terrorism&liberation\\_movements.htm](http://globalex/International_terrorism&liberation_movements.htm);

18. Interlocutory Decision on the Applicable Law: Terrorism, Conspiracy, Homicide, Perpetration, Cumulative Charging (STL-11-01/I), Appeals Chamber, 16 February 2011. Para 91. // URL: <http://www.stl-tsl.org/en/the-cases/stl-11-01/main/filings/orders-and-decisions/appeals-chamber/f0936>.

19. БМТ Хавфсизлик кенгаши Контртерроризм қўмитаси расмий сайти. // URL: <http://www.un.org/ru/sc/ctc/img/logo-ctc.jpg>.

20. Щебляков Е.С. Содержание понятия «терроризм» и необходимость закрепления в законодательстве характерных признаков терроризма // Современное право. 2008. №12. URL: <https://www.sovremennoepravo.ru/m/articles/>

21. Noble R.K. Terrorism and the Law: The Global Challenge //Prosecuting terrorism: the global challenge. Organized by the NYU Center on Law and Security Florence, Italy, 4 June 2004. // <http://www.interpol.int/Public/ICPO/speeches/SG20040604.asp>.

22. Schmid A. Jongman A. Political Terrorism. P. III-IV.

**ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ**

**5 СОН, 4 ЖИЛД**

**ВЕСТНИК ЮРИСТА**

**НОМЕР 5, ВЫПУСК 4**

**LAWYER HERALD**

**VOLUME 5, ISSUE 4**

**TOSHKENT-2024**